


С. Отамуратов

**ЁШЛАР СИЁСИЙ
МАДАНИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
ОМИЛЛАРИ**

С. Отамуратов

ЁШЛАР СИЁСИЙ
МАДАНИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
ОМИЛЛАРИ



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2015

УЎК: 37.013.43
КБК 66.75 (5Ў)
О — 86

Тақризчи:
сиёсий фанлар доктори, профессор
B. ҚҰЧҚОРОВ

ISBN 978-9943-28-161-5

© С. Отамуратов, 2015
© «O'zbekiston» НМИУ, 2015

КИРИШ

XXI аср тарих зарварақларида глобаллашувдек, ўта муреккаб ва айни пайтда зиддиятли жараёнларнинг кириб келиши билан инсоният тараққиётининг бошқа босқичларидан алоҳида ажralиб туради. Бугун унинг таъсир ўтказмаган бирорта соҳаси қолмади. Гарчанд, глобаллашув фан, техника ва технологиянинг юксак даражада ривожланишининг ҳамда унинг вақт нуқтаи назаридан сонияларда оммавийлашуви инсоният фаровонлигининг ошишига ижобий таъсир ўтказаётган бўлса-да, унинг маънавий қашшоқлашуви жаҳоннинг тобора сиёсийлашуви ва бунинг оқибатида инсонлар бугун кечагидан кўра ҳам хавф-хатарда яшашига сабаб бўлмоқда.

Бугун дунёning тараққий топган мамлакатлари аҳолисининг моддий фаровонлиги макон ва замон нуқтаи назаридан таъминланган бўлса-да, унинг маънавий қашшоқлашуви чуқурлашаётгани боис, улардан завқланиб яшаш, баҳра олиш, ўзлигини англашни асраш каби маънавий-руҳий қадриятлардан жудо бўлиш жараёни ҳам кетмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун инсоният тараққий топган мамлакатлар аҳолисининг фаровон ҳаёт кечираётгани мисолида унинг маънавий қашшоқлашуви мубтало бўлаётганлигини, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда фаровонликка маънавиятни қурбон қилиш орқали эришилди, дейиш мумкин бўлади. Глобаллашув эса бу жараённинг тезлашуви ва янада оммавийлашуви ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

Ана шундай шароитда, сиёсий маданиятни ривожлантириш янада долзарблашиб бормоқда. Чунки, унинг ривожланниши ёшларда дунёning сиёсийлашуви жараёнларини анг-

лаб етиши ва бундай шароитда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётнинг маъно-мазмунини англаб етишга ҳамда уни асрашга бўлган туйғуларнинг мустаҳкамланиши учун катта аҳамиятга эгадир. Зоро, бу рўйи заминда фаровон яшаш ҳали тұлақонли баҳтли ҳаёт кечириш учун етарли эмас, бунинг учун яна ундан маънавий озиқ олишдек буюк руҳий бойликка эга бўлиши ҳам лозим бўлади. Бу эса, инсоннинг маънавияти ва маърифатини изчиллик билан ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Президентимиз таъкидлаганидек, «...бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин»¹. Яъни, бугун маънавиятни ривожлантириш дунё ва мамлакатимиз миқёсида тобора дол зарблашиб бормоқда. Уни ривожлантириш нафақат ёшларимизнинг маънавий-руҳий, ахлоқий салоҳиятини бугун жадал ўзгараётган замон талабларига мос бойишига, шу билан бирга унинг мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий жиҳатдан тараққий этиши учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Айни пайтда маънавиятнинг юксак даражада ривожланиши мамлакатда сиёсий барқарорликнинг мустаҳкамланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Глобаллашув шароитида ёшларнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш эҳтиёжларининг ошиб бораётганлиги ҳақида гап кетганда, унинг маънавият ва кенг маънодаги маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ эканлигини назарда тутишимиз зарур бўлади. Чунки, маънавияти, маданияти қашшоқ инсонларнинг сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини, ундан кўзланган мақсадлар ва кимларнинг манфаатларига хизмат қилишига қаратилганлиги мустақил таҳлил қилишга интеллектуал салоҳияти ҳам етмайди. Бунинг оқибатида турли ғаразли ғояларни илгари сурадиган гуруҳлар ва оқимлар тарафдорларига қўшилиб кетиши хавфи мавжуд бўлади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият -- енгилмас куч. Тошкент.: «Маънавият», 2008. 16-бет.

Ана шу жиҳатдан ҳам бугун дунёнинг сиёсийлашувининг авж олиши шароитида ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Улар дунёда кетаётган сиёсий жараёнлар ҳақида бугун ҳар қачонгига қараганда ҳам турли ахборот воситалари орқали дунёда кечётган воқеа ва ҳодисалар ҳақида маълумотларга эга бўлмоқдалар. Энг асосий муаммо, ёвуз ниятли гуруҳлар ва оқимлар, бу маълумот ва хабарларни ўзларининг жирканч мақсадларини кўзлаб нохолислик билан оммалаштириб, уларга ёшларни ҳам кенг жалб қилмоқдалар. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатларидан ёшларни ҳимоялаш, уларда сиёсий жараёнларни мамлакатимиз, ҳалқимиз ва қолаверса, ўз манфаатлари нуқтаи назаридан мустақил таҳлил қилиш маданиятини ривожлантириш мамлакатимиз амалга ошираётган сиёсий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш ва унда фаол иштирок қилишлари билан боғлиқдир.

Сиёсий маданият ривожланишининг аҳамияти ва сиёсий жараёнлардаги ўрни шундаки, у сиёсий онгни тартиба солиб турди, унинг сиёсий бекарорликнинг юзага келиш омилига айланмаслигининг олдини олишга ижобий таъсир ўтказади. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш мамлакатимизда сиёсий барқарорликнинг янада мустаҳкам бўлишига, асосий мақсадимиз бўлган демократик жамият қуриш вазифаларини баҳамжиҳатликда амалга ошириш имкониятини беради.

Сиёсий маданият кенг маънодаги маданиятнинг таркибий қисмига киради. Айни пайтда у жамият ва мамлакат ҳаётига ўтказадиган таъсири билан алоҳида ажralиб турди. Лекин, уни кенг маънодаги маданиятдан бутунлай айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Улар бири иккинчиси билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Шунинг учун ҳам ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш вазифасини кенг доирада қараш зарур бўлади. Яъни ёшларнинг умумий, кенг маънодаги маданиятини ривожлантириш масдан туриб, уларнинг сиёсий маданиятини ҳам ривожлантириб бўлмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда рисолада уларнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатларига асосий эътибор берилган.

Рисолада ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг омилларини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш

имкониятлари таҳлили жараёнида, сиёсий маданиятнинг тизими, уни ташкил этадиган омилларнинг функциялари ни очиб беришга алоҳида эътибор берилди.

Ёшлар сиёсий маданиятини ошириш давр тақозоси, унинг талаби, шуни ҳисобга олган ҳолда рисолада унинг ривожланиш тенденциялари, мавжуд муаммолар ва уларни амалга ошириш имкониятларини очиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Рисола ўқувчиларда глобаллашувнинг авж олиши таъсирида жаҳоннинг тобора сиёсийлашуви, мамлакатимиз ёшлари сиёсий маданиятини ривожлантириш заруриятининг ошиши ва бу борада мавжуд имкониятлар ҳақида яхлит билимларни ҳосил қилиш, тегишли назарий хуласалар чиқариш ва уларни амалга ошириш малакасини кенгайтиришга ёрдам беради, деган умиддамиз.

I боб. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ

«Глобаллашув» түшунчасининг мазмуни

ларнинг фанда қўлланилиши тасодифий ҳодиса эмас, балки уларнинг жамият, халқлар, миллатлар ва инсонлар ҳаётига ўтказаётган таъсиrlари билан боғлиқ бўлади. «Глобаллашув» ҳам тушунча сифатида ўзининг бутун инсоният ҳаётига ўтказаётган таъсири улар томонидан англаниши натижасида фанда қўлланила бошланди.

Дастлаб, глобаллашув жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг интеграциялашиши, трансмиллий корпорацияларнинг вужудга келишига ўз таъсирини ўтказишининг қучайиши, жаҳон банки ва молиявий ташкилотларининг йириклишви кўринишларида намоён бўлган эди. Уларда асосий етакчи куч сифатида жаҳоннинг тараққий топган мамлакатлари майдонга чиқди. Ўз навбатида глобаллашув уларнинг манфаатларига хизмат қилди.

«Глобаллашув» түшунчасига турли қарашлар бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Жумладан, иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотининг совриндори, Колумбия Университетининг профессори (АҚШ) Жозеф Стиглиц, АҚШнинг таниқли файласуфи ва социологи Френсис Фукияма, шу мамлакат собиқ президентининг собиқ ёрдамчиси, таниқли социолог, давлат арбоби ва жаҳонда кечиши мумкин бўлган жараёнларга ўзининг башоратлари (прогнозлари)ни илгари суришда ном қозонган Збигнев Бжезинский, жаҳон иқтисодиётини Бомбей, Кембридж, Оксфорд, Массачусет тех-

нология институтларида ўрганган, глобаллашув бўйича эксперт, дунёning етакчи иқтисодчиларидан бири Жагдиш Бхагвати ва бошқа бир қатор иқтисодчилар глобаллашувни жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараён сифатида қарайдилар. Жумладан, Жагдиш Бхагватининг фикрича глобаллашув «бу — ўзига савдо, тўғридан-тўғри инвестициялар, трансмиллий корпорациялар фаолияти, мамлакатлар ўртасидаги молиявий оқим халқаро миграцияларни ўз ичига олади»¹.

Юқорида келтирилган фикрлар бугун янада ривожлантирилмоқда ва глобаллашувни турли йўналишларда ўрганишга бўлган қизиқишилар ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, унинг сиёсат, маданият, маънавият ва мамлакатлараро муносабатлар билан боғлиқ жиҳатларини ўрганишга ҳам қизиқишилар ортиб бормоқда. Хусусан, АҚШлик олим Т. Фридманнинг унга сиёсий «тус» берганлигини кўришимиз мумкин. Унинг фикрича, глобаллашув «совуқ уруш» тизимини алмаштирган янги тизим»². Бунинг маъноси шуки, собиқ совет тузуми шароитида амал қилиб келган икки қутбли дунё — капиталистик (буржуза) ва социалистик (коммунистик мафкураси) икки тузум ўртасида давом этиб келган кураш тугамади, балки ўз шаклини ўзгартириди. Бугун икки тузум ўртасидаги кураш собиқ социалистик дунёning тугаши билан барбод бўлган бўлса ҳам, у энди янги кўринишда, яъни, глобаллашувдан асосий манфаатни кўраётган тараққий топган мамлакатлар билан тараққиёт йўлидан бораётган ва тараққиётдан орқада қолаётган мамлакатлар ўртасида давом этмоқда.

Бу кураш, бир томондан, тараққий топган мамлакатларнинг дунё иқтисодиёти устидан ўзларининг назоратини тұла ўрнатиш ва ер остида мавжуд бўлган ресурсларга эгалик қилиш, ҳамда мамлакатларни ўз измларидан юришларига Эришиш учун курашаётган бўлса, иккинчи томондан, тараққиёт йўлидан бораётган ва тараққиётдан орқада қолаётган мамлакатларнинг ўзларининг иқтисодий, сиёсий мустақиллигини сақлаб қолишида ер ости ва ер устида мавжуд бўлган захираларига ўзлари эгалик қилишга бўлган курашлари кўри-

¹ Улар ҳақида кенгроқ қаранг: С. Отамуратов Глобаллашув ва миллий маънавий хавфсизлик. — Т.: «O'zbekiston», 2013.

² Қаранг: Юқорида келтирилган манба.

нишларида ўз ифодасини топмоқда. Бу курашнинг авж олишига глобаллашув ўзининг таъсирини ўтказмоқда. У тараққий топган мамлакатларнинг нуфузини мустаҳкамламоқда, уларнинг жаҳон иқтисодиёти устидан назоратини тұла таъминлашда муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Бугунги кунга келиб глобаллашувнинг бутун инсониятта, мамлакатлараро муносабатларга, халқтар ва миллатлар ҳаётига ўтказаётган таъсири натижасыда дунё ўзгармоқда, умуминсониятта хизмат қилиб келаётган анъанавий қадриятлар сўниб бормоқда, инсониятни ўзаро зиддиятлар гирдобига олиб борувчи, маънавиятни қашшоқлаштирувчи, охир-оқибатда уни оғир фожиаларга олиб борувчи янги «қадриятлар» шаклланишига ўзининг таъсирини ўтказмоқда.

Аслини олганда, глобаллашув инсоният тараққиётининг янги босқичи, унинг ақл-заковати маҳсулидир. Шу маънода ҳам объектив жараён сифатида шаклланган. У инсоният ва мамлакатлар тараққиётiga ўз таъсирини ўтказмоқда, жумладан, фан, техника ва технологиянинг ривожланишига ҳамда уларнинг жаҳонда кенг оммавийлашувига, инсонларнинг моддий фаровонлигининг ошишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказувчи омил ҳисобланади. Муаммо глобаллашувнинг ўзида эмас, балки, унинг бошида кимлар турганлигыда ва ундан асосий манфаатларни кимлар күраётганлигидадир. Худди мана шу жараёнда амал қилаётган тенгсизлик глобаллашувнинг нуфузига, юмшоқ қилиб айтганда, «соя» солиб келмоқда. Унинг бошида юксак тараққиётта эришган мамлакатлар турганлиги, уларнинг моддий ва интеллектуал имкониятлар билан шакллантирилаётганлиги, асосий манфаатни ҳам уларнинг ўзлари күраётганликлари, тараққиёт йўлидан бораёттан ва тараққиётдан орқада қолаётган мамлакатларнинг иқтисодий, техник ва технологик жиҳатдан уларга боғланиб қолаётганлиги глобаллашувнинг умуминсониятта хизмат қилиш функциясининг барбод бўлишига олиб келмоқда.

Глобаллашувнинг ўзига хос жиҳатларидан бири — табиий жараён сифатида бўлишига қарамасдан, унга ким етакчилик қилаётганлиги ва уларнинг кучи билан шакллантирилаётганлигидадир. Шунинг учун унда иштирок қилаётган барча томонлар эмас, балки моддий имконияти кучли бўлган ва интеллектуал салоҳияти юксак бўлган томон асосий ман-

фаатни күрмөңдә, уларга эга бүлмаган иккинчи томон эса, томоннинг воситачилигига манфаат қўриши мумкин бўла-ди. Бу иккинчи томоннинг биринчи томонга боғланиб, унга итоаткор бўлишига олиб келади — деганидир.

Глобаллашувнинг яна бир ўзига хос жиҳати, унинг мамлакатлараро тентлигига, ўзаро манфаатдорлигига ва ҳамкорлигига хизмат қилувчи табиий интеграциялашув жарайёнидан фарқли ўлароқ, «ихтиёрий» мажбурий «ҳамкорлик» қилиш қўринишида амал қилишидир. Шу боис ҳам, бу жараёнда иштирок қиласидан иккинчи томоннинг ўзини унинг салбий таъсиrlаридан ҳимояланишини тақозо қила-ди. Глобаллашувнинг авж олаётган бугунги кундаги тараққиёт йўлидан халқлар олдида турган асосий вазифа унга қарши курашиш эмас, унинг имконияти ҳам йўқ, балки унда тенг қатнашиш, нафақат унинг имкониятларидан фойдаланиш, шу билан бирга унинг ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшиш даражасига эришишдир. Бунинг учун эса, ўзлигини асраб қолишнинг муҳим омиллари бўлган интеллектуал салоҳиятни глобаллашувнинг авж олиши даражасига мувофиқ ривожлантириш, мамлакатлараро иқтисодий муносабатларда «боқимандаликка» эмас, балки яратувчилик, бунёдкорлик, ўзаро тенглик ва тенг манфаатдорликка эришишдир. Фақат ана шу йўлдан борган мамлакатгина глобаллашувнинг ижобий имкониятларидан фойдаланишга, салбий таъсиrlаридан ҳимояланишга мувофиқ бўла олади.

Глобаллашувнинг авж олиши ва унинг таъсирида юзага келаётган муаммолар бугунги ёшларнинг онги, дунёқараши ҳамда тафаккур тарзида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу уларнинг сиёсий жараёнларга жалб қилинишини ва шу йўл билан улардан жирканч мақсадлардан фойдаланишга бўлган хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топмоқда. Бу ердаги муаммо, асосий манфаатни сиёсий жараёнларда қатнашаётган ёшлар эмас, балки уни ташкил қилаётган ёвуз қучлар кўраётганлигига бўлиб қолмоқда, ёшлардаги шижоат, фаоллик, янгиликка мойиллик ва сиёсий тажрибанинг етишмаслигидан улар самарали фойдаланмоқдалар. Бу жараённинг энг хатарли жиҳати, глобаллашувнинг ёвуз қучлар ва оқимларга ёшларни оммавий тарзда сиёсий жараёнларга жалб қилишнинг тобора кучаяёт-

тапшылададир. Бу охир-оқибатда айрим мамлакатлардаги бир қисем ёшларда бунёдкорлик, яратувчанлик, бағрикснілик, инсон зотини улуғлаш каби умуминсоний қадриятлар ўрнита, улар онги ва руҳиятида жанговорликка мойиллик түйгүларининг шаклланиши жараёни юзага келмоқда. Бу нафақат мамлакатларда сиёсий барқарорлик, шу билан бирга ёшларнинг истиқболи учун ҳам хатарли таҳдид сифатида шаклланыш хавфини кучайтиromoқда. Буларнинг олдини олмасдан туриб, биронта мамлакат тараққиётга эриша олмайди. Унинг муҳим омилларидан бири эса, ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш, уни мамлакатлар ва уларда яшаётган халқлар манбаатларига хизмат қилишга йўналтиришdir.

Глобаллашувнинг авж олиши дунёning турли мамлакатларида зиддиятларни ҳам юзага келтирмоқда. Бу салбий жараёнларга бефарқ қарамасликнинг муҳим омилларидан бири — мамлакатимиз ёшларининг онги, дунёқараси ва тафаккурида уларнинг юзага келмаслигининг олдини олишдан иборат. Бунинг учун уларнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш долзарб вазифага айланиб бормоқда.

Глобаллашувнинг сиёсий маданият билин муносабатлари

вият, шунингдек, сиёсий маданиятга сезиларли таъсир ўтказмоқда. Глобаллашув билан сиёсий маданият ўртасида қандай муносабатлар бўлиши мумкин? — деган савол келиб чиқади. Бу саволга жавобни глобаллашувнинг кенг қамровли жанлиги, унинг, нафақат иқтисодий маънавий-маърифий, фан техник ва технологик, шунингдек, сиёсий ҳаётга ҳам узининг таъсирини ўтказа олиши имкониятларидан излаш түгри бўлади. Бу таъсир илмий адабиётларда етарли даражада таҳлил этилмаган. Аммо, уни ўрганишга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Улар, айниқса, тараққий топған мамлакатларнинг тараққиёт йўлидан бораётган ва тараққиётдан орқада қолаётган мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, уларга инвестициялар, замонавий техника ва технологияларни олиб кириш баҳонасида уларнинг суверенитетига ҳам хавф солаётган ҳолатларида содир бўлмоқда.

11

Айни пайтда глобаллашувнинг сиёсий маданият билан муносабати ҳақида гап кетганда, унинг объектив жараён бўлиши билан бир вақтда тараққий топган мамлакатларнинг юксак даражадаги фан, техника ва технологияни ривожлантириш ҳамда улардан иқтисодий манфаат куриш мақсадида ер юзида оммалаштириш даражасидаги фаолияти эканлигини, шу билан бир вақтда улардан дунёда ўзларининг сиёсий хукмронлигини үрнатишда фойдаланаётганлигини назарда тутмоқ керак бўлади.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёни сиёсий мақсадларни амалга ошириш омилига ҳам айланиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан ундан фойдаланишда сиёсий маданият омилига бориб тақалади. Бу ерда гап сиёсий хукмронликка эришишга бўлган интилиш ҳақида бормоқда. Айни пайтда бу тараққий топган мамлакатлар таъсирига тушиб қолаётган мамлакатларда сиёсий хушёрлик ва сиёсий маданиятнинг етарли даражада ривожланмаганинги кўрсатади. Чунки, улар ташқаридан киритилаётган турли «ёрдамлар» дастлабки пайтда ривожланиш учун зарур эканлигини билган ҳолда кейинчалик у мамлакат ва уларда яшаётган халқлар ҳаёти учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаб етишга ҳаракат қила олмаслиги билан боғлиқ.

Глобаллашувнинг сиёсий маданият билан боғлиқлиги мамлакатлар ички ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу глобаллашувнинг авж олиши натижасида мамлакатларга ёпирилиб кириб келаётган турли техника, технология, ОАВ, коммуникациялар ва бошқа воситалардан фойдаланишдаги сиёсий маданиятнинг етишмаётганлигига намоён бўлмоқда. Назарий ва амалий жиҳатдан қараганда улардан фойдаланмасдан тараққиётга эришиб бўлмаслиги аниқ. Аммо, ундан қандай фойдаланилади, нимага асосий эътибор қаратилиди? — деган саволларга жавоб изланадиган бўлса, аксарият кўпчилик ҳолатларда маънавий-ахлоқий жиҳатдан миллий манфаатларга зид бўлган «томуша»ларни куриш, улардан баҳра олишда фойдаланилмоқда — деган жавоб билан бирга: а) мамлакат аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг «сиёсий ўйинлар» таъсирига тушиб қолишига ва оқибатда улар измидан юришларига; б) ўз навбатида, бу мамлакат аҳолиси-

ништ олиб борилаётган сиёсатга, мамлакат тақдири, бугуни ва истиқболи учун беътибор бўлишига ва масъулиятсизлигига; в) бу жараённинг ривожланиши эса мамлакат хавфсизлигига тўғридан-тўғри таҳдид сифатида намоён бўлишига олиб келади.

Агар кириб келаётган фан, янги техника ва технологиялардан фойдаланишда сиёсий ҳушёрлик ва сиёсий маданият етарли бўлса, яъни уларга мамлакат, миллат ва бутун аҳоли манфаатлари нуқтаи назаридан қараш салоҳияти амал қиласди. Бу мамлакат ёшларининг глобаллашувнинг таъсирида кириб келаётган фан, техника, технология, ОАВ, турли алоқа коммуникациялардан фақат ижобий мақсадларда — яъни, ўзларининг билим савиясини ошириш, интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида фойдаланишга ҳаракат қиласдилар. Бу, ўз навбатида, нафақат мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий-маърифий, балки сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашда амалий аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб, глобаллашув: а) сиёсий маданият билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у тараққий қилган дунёда ўзларининг сиёсий ҳукмронлигини ўрнатиш омилига айланаб бормоқда. Бу тараққиёт йўлидан бораётган ва тараққиётдан орқада қолаётган мамлакат аҳолисининг, айниқса, улар ёшларининг сиёсий ҳушёрлиги ва сиёсий маданиятини изчиллик билан ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни тақозо қиласди; б) ёшларнинг ҳар қандай янгиликни қандай бўлса шундайлигича қабул қилишига мойиллиги боис, бугун дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишига уринаётган мамлакатлар уларнинг ана шу хусусиятларидан ўзларининг жирканч мақсадларини амалга ошириш мақсадида улар ўртасида нафақат янги техника, технология ва турли алоқа коммуникацияларни оммалаштирмоқдалар, шу билан бир вақтда ана шу воситалар билан уларни ўзларининг измидан юришларига ҳаракат қилимоқдалар.

Сиёсий ҳушёрлиги ва сиёсий маданияти етарли даражада ривожланмаган ёшлар уларнинг қармогига осонгина илиниб қолмоқдалар. Бундай салбий ҳолатнинг ёшлар ўртасида ривожланиши эса яна мамлакат хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг юзага келишига бориб тақалади. Шу маънода

ҳам глобаллашувнинг авж олиши шароитида ёшларнинг сиёсий хушёргини ва сиёсий маданиятини ривожлантириб бориш тараққиётнинг бошқа босқичларига қараганда ҳам долзарблашиб бормоқда. Чунки, глобаллашув оддий жараён эмас, балки ўта мураккаб, унда нафақат иқтисодий, шу билан бирга дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишдек, жирканч сиёсий мақсадлар ҳам турибди. Глобаллашувнинг зиддиятли жараён эканлиги қўйидагиларда ўз ифодасини топган: а) у инсоният интеллектуал салоҳиятининг маҳсули ва унинг манфаатларига хизмат қилиши лозим. Аммо, ундан жирканч мақсадларда фойдаланишнинг мавжудлиги унинг ижобий жиҳати билан салбий жиҳати ўртасида зиддият амал қилаётганлигини ҳам билдиради; б) глобаллашув таъсирида тобора сиёсийлашиб бораётган дунё билан ундан бегоналашаётган инсонлар ўртасида ҳам зиддиятлар ривожланмоқда. Уларнинг биринчиси — тараққий қилган мамлакатлар фаолияти ва тараққиёт йўлидан бораётган ҳамда тараққиётдан орқада қолаётган мамлакатларнинг уларга боғланиб қолаётганида намоён бўлаётган бўлса, иккинчиси — юксак тараққиётга эришган мамлакатлар ички ҳаётида давлатнинг ташқи ва ички ҳаётида сиёсий фаоллик устувор соҳалардан бири бўлишига қарамасдан, аҳолининг сиёсатдан бегоналашувда содир бўлаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Буни уларнинг мамлакатларда ўтказиладиган президентлик ёки парламентга ўтказиладиган сайловларда сайловчиларнинг 50, ҳатто 40 фоиздан ҳам кам қатнашишларида намоён бўлаётганлигини кўришимиз мумкин. Аммо, бу қўрсаткич аҳолининг сиёсий маданиятининг пастлигини белгиловчи мезон бўла олмайди, чунки, аҳоли ўзининг ҳақ-хукуқларини қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишга солиш орқали амалга ошира оладилар. Шу боис улар учун ким депутат ёки президент бўлади — деган масалага қизиқиш умумий сиёсий жараёнларга нисбатан паст даражада амал қиласи. Аммо, бу тараққий қилган мамлакатларда олиб борилаётган сиёсатга аҳолининг бефарқлиги кучли, — деган хulosани бермайди. Аксинча, аҳолининг сиёсий маданияти ривожланганлиги боис олиб борилаётган сиёсатда ижтимоий адолатсизлик юзага келса, ҳукумат мамлакат аҳолисининг турмуш фаронлигини таъминлашда хатога йўл қўядиган бўлса, унда

халқынинг сиёсий фаоллиги ошиб кетади ва бу ҳукуматнинг атмаштирилишига олиб келади.

Бундай ҳолат айрим тараққий топган мамлакатларда йилда икки ёки уч мартараб содир этилиш тажрибалари ҳам мавжуд. Бу, айниқса, глобаллашувнинг авж олиши шароитида юзага келаётган молиявий инқизорлар оқибатида тараққий қилган мамлакатларда аҳоли турмуш дарасининг пасайиши, ишсизликнинг ортиб бориши ва бошқа салбий ҳолатларнинг юзага келаётгани билан боғлиқ. Яъни, бу жараёнда глобаллашув тараққий қилган мамлакатларда аҳоли сиёсий маданияти ривожланишига ўз таъсирини ўтказаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бу билан глобаллашув кенг миқёсда умумий сиёсий жараёнларнинг авж олиши омилига айланадиганлигини ҳам кўришимиз мумкин бўлади.

Глобаллашувнинг сиёсий жараёнларнинг авж олишига ўтказаётган таъсири кучайиб бориши мамлакатлар тараққиёти қайси даражада бўлишидан қатъи назар, уларда яшаётган аҳолининг сиёсий маданиятини ошириб боришни бугунги тараққиётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Чунки, бугун глобаллашув кўпгина тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларда яшаётган аҳолини сиёсий жараёнларга тортиш ва мамлакатларда сиёсий бекарорликни юзага келтириш ҳамда тараққий қилган мамлакатларнинг уларни осонгина ўз измига солиш вазиятини юзага келтириш омилига ҳам айланмоқда. Улар «демократия»ни жорий қилиш баҳонасида аҳоли сиёсий онгининг етарли даражада ривожланмаганлигидан фойдаланган ҳолда уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб қилиб, мамлакатларда сиёсий бекарорликни юзага келтириб, уларнинг ер ости захираларига эгалик қилиш каби жирканч фаолиятларни амалга оширмоқдалар. Айниқса, улар етарли даражадаги сиёсий онг, сиёсий маданиятга ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларни бу жараёнларга жалб қилаётганлиги хатарли тус олаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Чунки, ёшларнинг бу жараёнларда оммавий гарзда иштирок қилиши нафақат мамлакатдаги сиёсий бекарорликнинг узоқ давом этишига, шунингдек, унинг тузатиб бўлмайдиган фожиаларга олиб келиши мумкинлиги бу-

гун дунёning бир қатор мамлакатлар ҳаётида кечган аянчли воқеаларда ўз исботини топди. Бу воқеаларнинг юзага келиши жаҳон миқёсида глобаллашувнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда аҳолининг сиёсий маданиятини ривожлантиришни, уни сиёсий жараёнларни авж олдираётган улардан ўзларининг жирканч мақсадларини амалга оширишни мақсад қилаётган кучларнинг жиловини тортиш омилига айлантириш бутуннинг долзарб вазифасига айланди.

Сиёсат ва сиёсий маданият

Сиёсат мураккаб сиёсий ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мазмун-моҳияти ва амал қилиш жараёнлари ҳақида турли қарашлар

мавжуд. Сиёсат ҳақидаги дастлабки қарашлар қадимги Юноностонда пайдо бўлган. Унинг шаклланиши шу заминда давлатнинг вужудга келишига бориб тақалади. Яъни, у бу ерда давлатни бошқаришга бўлган эҳтиёжнинг юзага келишида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам сиёсат кўпчилик мутахассислар томонидан давлатни бошқариш маъносига қўлланилиб келинган. Муҳим жиҳати шундаки, дастлаб вужудга келган даврда уни бошқариш нисбатан мураккаб бўлмаган бўлса, одамларнинг онги ўсиб, эҳтиёжлари ошиб бориши билан бирга бошқариш осонлашиш ўрнига аксинча, у мураккаблашиб борган ва шу боис уни бошқаришни доимо такомиллаштириб боришни тақозо қилган. Чунки, давлатнинг тоборо такомиллашуви жараёнида турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучларнинг шаклланиши ҳамда уларнинг ҳар бирининг ўзига хос манфаатлари юзага келган. Бу, ўз навбатида, улар ўртасида ўз манфаатларини амалга ошириш жараёнида турли зиддиятларнинг юзага келишига ҳам олиб келган. Манфаатларни ўзаро мувозанатга келтириш ва зиддиятларнинг ечимини топиш давлат институтининг зиммасига тушган. Шу боис ҳам уни такомиллаштириш ҳамда бошқарув «санъати»ни ривожлантиришга бўлган эҳтиёж ошиб борган. Бошқарувни осонлаштириш учун давлат ва ҳокимиятнинг «хукмронлик» қилиш функцияси давр тараққиёти ҳамда унинг фуқаролар устидан зўравонлик қуролига айланиб кетишининг олдини олиш учун уни ҳар доим жиловлаб туришни амалга ошириш мақсадида унинг муҳим элементлари бўлган сиёсий ва ижтимоий ин-

ститутлар вужудга келтирилган. Уларнинг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш учун эса турли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва амалиётга киритилган. Ана шу кенг кўламли вазифалар давлат тараққиёти ва инсонлар ёхтиёжларининг ошиб бориши даражасида мураккаблашиб борган. Шу тариқа сиёсатнинг такомиллашуви ҳам содир бўлган.

Сиёсат бошқарув «санъати» — деганимизда унинг заминида аниқ мақсадларни кўзловчи бошқарув фаолиятини санъат даражасига кўтара билишни назарда тутишимиз лозим бўлади. Давлат бор экан, уни бошқаришга бўлган ёхтиёж ҳам мавжуд бўлади. Сиёсатсиз давлат бўлмаганидек, давлатсиз сиёсат ҳам бўлмайди, уларни бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Давлатда турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг ҳар бирининг ўзига хос манфаатлари мавжудлиги унинг ичida у ёки бу даражада зиддиятларнинг амал қилиши кечади. Чunksi, манфаатларни тўла қондиришнинг имконияти йўқлиги мавжуд синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучларнинг ўз манфаатлари учун доимо курашишни ҳам тақозо қиласи. Давлатнинг асосий функцияларидан бири ҳам ана шу манфаатларни мувозанатга келтириш ҳисобланади. Шу сабабдан ҳар доим ҳам мамлакатларда бошқарувни «санъат» даражасига кўтариш осон кечавермайди. Уларни мувозанатга келтиришда давлатнинг қайси услубни қўллаши, унда кечадиган реал ҳолатга боғлиқ бўлади. Айни пайтда, бу жараёнларда мамлакат аҳолиси сиёсий маданиятининг ривожланганлиги ҳам муҳим ўринга ога. Агар мамлакат ҳаётида давлат манфаатларига зид бўлган ҳаракатлар юзага келса, у куч ишлатишга мажбур бўлади. Бундай ҳолатда давлат сиёсий институт сифатидаги мақомида фаолият юритади. Бунда давлатнинг сиёсий куч сифатида вазиятни барқарорлаштиришдаги функцияси амал қиласи.

Давлатнинг сиёсий институтидаги мақоми ҳақида гап кетганда унинг манфаатларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатларга нисбатан куч қўллаш мумкинлигини ҳам назарда тутишимиз лозим бўлади. Зоро, давлат манфаатлари деганимизда умумхалқ манфаатлари назарда тутилади. Чunksi, давлатнинг субъекти халқdir. Шу маънода, давлат ва сиё-

сат ҳар доим бир-бири билан боғлиқ ҳолда бўлганлигини назарда тутадиган бўлсак, сиёсатга яна ҳам кенгроқ қарап га тўғри келади. Шу нуқтаи назардан сиёсат нафақат бошқариш «санъати», шу билан бирга сиёсий фаолият, хукмронлик қилиш аппарати ҳамдир. Сиёсат заминида ҳар қандай шароитда ҳам хукмронликка интилиш туради. Аммо, уни қандай амалга оширишда қайси имкониятларидан фойдаланишга боғлиқ. Ҳатто, у бошқарув «санъати» даражасида амал қилган шароитда ҳам ўз «мен» лигининг устуворлиги ни таъминлаш институти сифатида намоён бўлади. Лекин у қандай функцияни, жумладан, ташкил қилиш, бошқариш, хукмронлик қилиш, тарбиялаш ва бошқаларни бажаришидан қатъи назар, жамият ҳаётини давлатсиз ва сиёсатсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Давлат ва сиёсатнинг жамият ҳамда инсонлар билан бўладиган муносабатларидаги асосий муаммо, уларнинг мавжудлигида эмас, балки бошқарув ва «хукмронлик» қилиш функциясини амалга оширганда адолат ва маърифатга қайдаражада амал қилиш ёки қилмаслиги билан боғлиқ. Аммо, уларнинг амал қилиши ўз-ўзидан содир бўлмайди, унда ҳар икки томоннинг, яъни давлат, сиёсат ва фуқаролар сиёсий маданиятининг ривожланганлигига боғлиқдир. Буларнинг амал қилиши ҳар икки томоннинг ўзаро манфаатларининг мувозанатда бўлишини таъминлайди. Айни пайтда уларнинг амал қилмаслиги томонлар ўртасида зиддиятларни юзага келтиради. Бундай шароитда давлат ўзининг лигитимлигини, фуқаролар эса унга бўлган ишончини йўқотади. Бу жараённинг энг хатарли жиҳати шундаки, фуқароларнинг давлат ҳокимиятига ишончининг йўқолиши, уларнинг ўзаро ишончининг сусайишига олиб келади ва жамият ҳаётida парокандалик юзага келади. Худди ана шу салбий жараёнларнинг юзага келишининг олдини олиш омили сифатида сиёсий маданиятни шакллантириш зарурияти пайдо бўлади.

Сиёсий маданият, бир томондан, давлат ҳокимиятининг фаолиятида адолат ва маърифатнинг амал қилишга ёрдам берса, иккинчи томондан, фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ўзаро муносабатларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда сиёсий вазмин-

лик каби сиёсий қадриятларга амал қилиш жараёни кечади. Бу, ўз навбатида, жамиятнинг барқарор ривожланишига, давлат ҳокимиятининг тобора такомиллашувига, фуқароларнинг тинч ва фаровон яшашларига хизмат қиласди.

Келтирилганлардан маълум бўладики, давлат мавжуд экан, унинг фаолиятини ўзида ифода эттирувчи сиёсат ҳам амал қиласди. Айни пайтда давлат сифатида фуқаролар манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий институт доимо такомиллашиб боради. Давлат ҳокимияти ва фуқаролар манфаатларини мувозанатга келтириш, жамиятнинг барқарор тараққий қилишида сиёсий маданиятнинг ривожланиб, замон ва макон нуқтаи назаридан доимо такомиллашиб бориши амалий аҳамиятга эгадир. Сиёсий маданиятсиз давлат ҳокимияти ўзининг сиёсий фаолиятида фуқароларнинг тинчлигига ва барқарор тараққиётига эриша олмайди. Давлат ҳокимияти билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг барқарор ривожланишида сиёсий маданият асосий омил вазифасини бажариб боради.

Хўш, сиёсий маданиятнинг ўзи нима, у давлат ҳокимияти, фуқаро муносабатларида, жамиятнинг барқарор ривожланишида асосий омиллардан бири экан, унинг мазмуни нимадан иборат ва у қандай ривожланади?

Энг аввало, «маданият» нима? — деган саволга жавоб излашдан бошлаш тўғри бўлади.

«Маданият» тушунчасини аниқлашга бағишлиланган жуда кўп илмий адабиётлар мавжуд. Уларда маданият тушунчасига берилган таърифлар уч юзтадан ошиб кетади. Бу тушунчага муаллифларнинг ҳар бири ўз нуқтаи назаридан қараб келмоқдалар ва унинг қайси жиҳатига эътибор қаратилганига қараб турли таърифларни илгари сурмоқдалар. Уларда муаллифларнинг ўз муносабатларига қараб, маданият, инсон, миллат, халқ, жамият, давлат, фуқаро ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда тутган ўрнини тушуниш ифодаси сифатида бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Албатта, «маданият» га берилаётган таърифлар ва қарашларнинг турли-туманлиги ҳамда уларнинг бугунги кунгача давом этаётгани ижобий ҳол. Бу, бир томондан, тушунчанинг ҳали очилмаган ва урганилмаган қирраларини янада чукурроқ ўрганиш имконини берса, иккинчи томондан, нафақат бу тушунчани, шу би-

лан бирга унинг шакллари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари, негизлари ва амал қилиш имкониятларини чукурроқ тушуниб етишга асос булади.

Шунингдек, «маданият» тушунчасига берилган таърифлар таҳлилидан маълум буладики, кўпчилик муаллифларнинг фикрларини умумлаштирадиган томонлар ҳам мавжуд. Жумладан, илмий адабиётларда берилаётган фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, маданият деб — инсоннинг дунёни ўзлаширишдаги, табиат, жамият дунёсини билиб олиши, салоҳиятини ва уларнинг натижаси ўлароқ юзага келган моддий борлиқни тушуниш мумкин. Бу таъриф ҳам гарчанд, мазкур тушунчанинг мазмун ва моҳиятининг тўлиқ очиб берилишига даъвогар бўлмаса-да, унинг бошқа таърифлардан фарқи шундаки, унда учта муҳим жиҳатга: а) инсон фаолияти билан бодлиқлигига; б) инсон томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларга; в) инсоннинг уларни яратишдаги салоҳиятига асосий эътибор қаратилган. Ҳақиқатан ҳам, маданият инсоннинг жисмоний ҳамда ақлий фаолияти натижасида юзага келадиган моддий ва маънавий бойликлардан иборат. У ниҳоятда кенг қамровли бўлганлиги учун ҳам, уларни тўла ўзида ифода эттирувчи таъриф бериш бугунгача долзарблигича қолиб келмоқда.

Бироз бўлса-да, осонроқ тушуниш учун маданиятни икки йирик гурӯҳга ажратиш ва айни пайтда уларнинг ҳар иккаласини ташкил эттирувчи шаклларга ажратиш ҳам фанда амал қилиб келмоқда. Жумладан, ана шу икки йирик гурӯҳ моддий ва маънавий маданиятга ажратиб келинмоқда. Моддий маданиятга инсоннинг жисмоний меҳнати ва ақлий салоҳияти билан яратилган бинолар, техник ва технологик асбоб-ускуналар, машина, транспортнинг барча тури, ўй анжомлари, мебель, кийим-кечак ва бошқалардан иборат бўлса, маънавий маданиятга инсоннинг моддий маданиятга берган гўзал, чиройли «қиёфаси» ва уларнинг инсонга завқ, шавқ, руҳий қудрат баҳш этувчи жиҳатлари назарда тутилади. Яъни, инсоннинг ақл-заковат ва жисмоний салоҳияти билан яратилган барча моддий бойликлар бир вақтнинг ўзида моддий (реал борлиқ сифатида) ва маънавий (инсоннинг ички дунёси, унинг гўзллигини яратишдаги маҳоратининг ифодаси) маданият ҳисобланади.

Яна аниқроғи, моддий маданият инсон томонидан яратылған моддий бойликлар бұлса, маңнавий маданият унинг ташқи күринишдаги үзига хос, инсон руҳиятига, унинг онги ва тафаккурига ижобий таъсир этувчи гүзалликлер. Шунинг учун ҳам улар жамият ва инсон ҳаётида үзаро бөлік ҳолда ривожланиб боради. Масалан, ишлаб чиқариш натижасида юзага келған моддий борлық турли машиналар, мебель, трактор, санъат ва қишлоқ хұжалигидә құлланиладын техника ва бошқаларни ташкил қылса, үз навбатида, бу жараёнда маълум билимларни әгаллаши ва уларни бевосита ишлаб чиқаришда құллаш ҳамда уларнинг натижаси үлароқ юзага келған барча гүзалликлерdir. Яъни, моддий маданият инсоннинг жисмоний мәхнатининг меваси бұлса, маңнавий маданият унинг ақл-заковати, руҳияти, қалби, гафаккури, бир сүз билан айтганда, ички ботиний салоҳиятининг маҳсулидер.

«Маданият» кенг қамровли ва унга тұлақонли таъриф бериш ниҳоятда мураккаб муаммо ҳисобланади. Чunksи, у инсон онгли фаолиятидан бошланиб, унинг ақл-заковати ва амалий фаолияти билан яратиладын бойликларни үз ичига олади. Ана шу бойликларнинг ҳар бири моддий булиши билан бирга үзига хос маңнавиятнинг күриниши ва айни пайтда уларнинг үзига хос инсон ақл-заковати ҳамда амалий фаолиятининг маҳсулидер. Жумладан, маданият деганда, мәхнат қуролларини яратиш, улардан фойдаланиш, фантехника ютуқлари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий күнікмалари, мәхнатни ижтимоий ташкил этиш, саломатликни сақлаш ишини йўлга қўйиш, аҳоли ўртасида билимларнинг ёйилиш даражаси ва маълумот, умумий ва умумий мажбурий ҳамда олий таълимни амалга ошириш, адабиёт ва санъат асарлари кабилар назарда тутилади.

Келтирилғандардан күринадики, маданият одамзод ақл-идроқи ва фаолиятининг юксак чүққиларигача бўлған нарсаларнинг ҳаммасини қамраб олади. У фактат инсон фаолиятининг моддий натижаларигина эмас, шу билан бирга бойликлари, тажрибалари, қобилияtlари, ишлаб чиқариш ва касб малакалари, үзаро муносабатларини ҳам үз ичига олади.

Жамият моддий ишлаб чиқаришининг икки амалий тури — моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб маданият ҳам йирик икки турга, моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият деганда меҳнат қуролларимиз, меҳнат кўнигмаларини, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган меҳнат кўнигмаларини, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиласиган инсон томонидан яратилган барча моддий бойликларни англаймиз. Моддий маданиятга моддий бойликларнинг бутун мажмуи, уларни ишлаб чиқариш воситалари: ишлаб чиқариш жараёнида яратилган техника, технология техник иншоотлар кенг маънодаги оммавий ахборот коммуникациялари, ижтимоий меҳнатни ўюштириш шакли, қурилиш ва дехқончиликни йўлга қўйиш ва бошқалар киради. Шуларга қараб, моддий маданиятни бир қатор турларга бўламиз. Чунончи, ишлаб чиқариш, техника маданияти, дехқончилик маданияти, акционерлик маданияти, уй-жой қурилиши маданияти, пазандачилик маданияти ва бошқалар.

Маданиятнинг иккинчи тури — бу маънавий маданиятдир. Маънавий маданиятга инсоннинг ақл-заковати ва маънан яратувчилик фаолиятлари ва уларнинг натижалари киради. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маориф, маърифат ва ҳоказолар йигиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ташки ва ички маънавияти, руҳиятининг амалий натижасининг маҳсулидир.

Маънавий бойликлар олимлар, мусаввирлар, бастакорлар, шоир ва ёзувчилар, назариётчилар, сиёсатчилар, илфор фикрдаги инсонлар томонидан яратилади. Маънавий маданиятни яратиш, ўзлаштириш ва ривожлантириш жараёнида жамият тараққий этади, меҳнат унумдорлиги ортади, ишлаб чиқариш кучлари ривожланади, кишиларнинг маънавий қиёфаси шаклланади, ахлоқ-одоби, дид ва фаросати, эстетик завқи, ижодий кучи ва қадриятлари тараққий этади, давлатни адолат тамойилларига таяниб бошқариш амал қиласи.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, моддий маданиятни маънавий маданиятдан ажратиб бўлмайди, айни пайтда маънавий маданият ҳам моддий маданиятсиз

юзага келмайди, улар ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараённанда моддий ва маънавий маданият органик равишда биринчиди. Бирорта меҳнат қуролини, моддий бойликларнинг бирор түрни инсон ақл-заковатисиз, идрокисиз, ақлий меҳнатисиз яратиб ва шакллантириб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганла, моддий маданиятни барпо этиш замирида маънавият етади. Ҳар қандай моддий ва маънавий маданият дурданалари инсон ақлий ва жисмоний меҳнати синтези асосида юзага келади. **Маънавий маданият воқеликни бадиий акс этириш ва ўзлаштириш воситасидир.**

Маданиятни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш билан чекланиб бўлмайди. Чунки, маданиятга кишиларнинг бир-бирларига муносабатлари, оила, мактаб, олий ўқув юрглари, корхона, муассасалардаги ўзаро муносабатлари ҳам киради.

Маданият — умуминсоний ҳодиса. У барчага, миллати, япаш жойи, диний эътиқоди, жинси, тили, урф-одати ва бошқа жиҳатларига қарамасдан тегишилидир. Жумладан, адабиёт, меъморчилик дурданалари, фан-техника, технология ютуқлари, транспорт, алоқа воситалари ва бошқалар барчага тегишилидир. Аммо, бу — маданиятнинг миллий шакли бўлмайди, деган маънони англатмайди. Чунки, у қанчалик умуминсоний бўлмасин, барибир унинг замини миллийликка бориб тақалади. Умуминсоният мулкига айланган ҳар қандай маданият ҳам у ёки бу миллат томонидан яратилиди, у маданиятга ўзига хос бўлган шаклларини сингдиради. Лекин, у ўзининг умуминсоният манфаатларига хизмат қилиши, инсонларнинг маънан бойиши, маънан озуқа олиши ва бошқа жиҳатлари билан ҳаммага баравар хизмат қиласавади.

Албатта, гап бу ерда ижобий маънодаги маданият ҳақида кетмоқда. Чунки, маданиятнинг умуминсоният манфаатларига хизмат қилмайдиган, уларнинг маънан қашшоқлашувига, ўзлигидан бегоналашувига олиб келадиган кўринишлари, жумладан, фан-техника, технология ютуқларидан, ўзининг жирканч мақсадлари йўлида фойдаланишга интишини маданият эмас, балки маданиятсизликнинг кўринишидир.

Маданият деганимизда, инсониятнинг ижобий фаолиятининг маҳсулотларини назарда тутмогимиз лозим бўлади.

Энди «маданият» нинг икки шакли — моддий ва маънавий маданият ҳақида фикр юритганимизда яна бир тушунчага, хусусан, «маънавият» тушунчасининг маъно-мазмунига тұхталишимиз лозим бўлади. Чунки улар ўртасида маълум фарқлар билан бир вақтда функциялари ўртасида ҳам ўзига хослик мавжуд. Чунки, бу уларнинг ўзига хос функцияларини эътироф этмасликка олиб келади. Айни пайтда бу уларнинг илмий мақомлари ва ижтимоий-фалсафий аҳамиятининг барбод бўлишига олиб келади. Уларнинг барчаси инсон фаолияти, ақл-заковати, дунёни ўзлаштириш, унинг имкониятларидан фойдаланиш, ўз-ўзини англашга бўлган интилишлари билан боғлиқдир. Аммо, улардан қатъи назар, бу тушунчаларни аниқ тушуниш ва бу уларнинг функцияларидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтиришини ҳам назарда тутмоқ керак бўлади. Ўрни келгандан шуни ҳам таъкидлаш лозимки, «маънавий маданият» билан «маънавият» тушунчаларини ўзаро аралаштириб юбор-маслик керак. Бу ерда муаммо шундаки, сабиқ шўролар ҳукмронлиги даврида эълон қилинган барча адабиётларда «маънавият» мустақил тушунча сифатида қўлланилмаган, у маънавий маданият билан бир хил маънода тушунилиб келинган. Бунинг асосий сабаби, инсоннинг ички ботиний салоҳиятини ўрганиш, уни ривожлантиришдан кўра, сиёсий босим остида ушлаб туриш тузум манфаатларига хизмат қилдирилган. Яъни, шу йўл билан инсоннинг ўз ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилишига йўл қўйилмаган ва у давлатнинг қулига айлантирилган. Давлат нима деса, лаббай, деб жавоб берадиган «робот»га айлантирилган. Унинг эркин фикр юритиши, жамият ҳаётида содир бўладиган у ёки бу ҳодиса ёки воқеаларга ўзининг эркин муносабат билдиришига йўл қўйилмаган, инсонни доим назоратда ушлаб туриш давлат фаолиятидаги устувор вазифалардан бири сифатида амал қилиб келган. Бу ҳолат нафақат инсоннинг руҳан ва маънан ривожланишига, балки жамиятнинг ички зиддиятларининг кучайишига, охир-оқибатда унинг барбод бўлишига олиб келишдаги омиллардан бирига айланниб келган эди.

Шуро ҳукмронлиги барҳам топиб, мамлакатимиз ўз мустақилигини кўлга киритганидан кейин, инсон давлат учун ёмас, давлат инсон учун — деган тамойил амалиётга айлантирила бошланди, унинг эркинлиги таъминланди, ҳамма нарса инсон учун тамойили давлатимиз фаолиятида устувор йўналишлардан бирига айланди. Бу, ўз навбатида, инсоннинг ички ботиний салоҳиятини ўрганиш, уни фаоллаштиришга шарт-шароитни ҳам юзага келтирди. Шу тариқа «маънавият» тушунчаси илмий истеъмолга кириб келди.

Шунинг учун ҳам бу тушунча фанда кейинги 15–20 йил ичидә қўлланила бошланди. Мамлакатимизда маънавиятнинг илмий истеъмолга кириб келишида ва уни мустақил йўналеш сифатида ўрганилишида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепцияси асосий методологик манба бўлди. Айни пайтда Президентимиз мустақилликни мустаҳкамлаш ва мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотларни маънавият соҳасида амалга оширилиши керак бўлган вазифалар билан уйгун тарзда олиб бориш зарурлигини кўрсатиб шундай таъкидлаган эди: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, деганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди»¹.

Ўзбекистонда «маънавият» тушунчасига илмий таърифлар ишлаб чиқишида ҳам Президентимиз илгари сурған концептуал ғоялар методологик асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, улар томонидан эълон қилинган «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли фундаментал асарни алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Унда «маънавият» тушунчасига илмий таъриф берилган, унинг жамиятнинг иқтисодий ҳаёти билан баглиқлиги илмий асосланган, мезонлари, ривожланиш омиллари кўрсатиб берилганки, улар бу мураккаб омилни яна ҳам кенг миқёсда ўрганишда методологик асос бўлади. Жумладан, Президентимизнинг «инсонга хос орзу-интилишларни рӯёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 62-бет.

оламини бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қуш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш, юксалиш жараёнлари содир бўлади»¹ деган фояни берган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали бўлишига эришиш, баркамол инсонни тарбиялаш, мамлакатда барқарор ҳаётни таъминлаш маънавиятга қай даражада эътибор беришимизга бориб тақалади. Агар ана шу вазифаларни маънавиятни ривожлантириш билан уйғун тарзда олиб бора олсак, кутилган самарага эришишимиз мумкин бўлади.

Унинг амалий аҳамияти катта бўлганлиги учун ҳам мамлакатимизда «маънавият» тушунчасига илмий таърифлар бериш, унинг инсон, миллат, халқ, мамлакат ва жамият тараққиётидаги ўрнини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Республикаимизда «маънавият» тушунчасига эълон қилинган илмий адабиётларда бир қатор таърифлар ҳам берилган ва бу жараён давом этиб келмоқда. Уларда кўп қиррали ва айни пайтда жуда мураккаб омил бўлган маънавиятнинг турли қирралари очиб берилмоқда.

Шундай қилиб, «маънавият» инсоннинг ички ботиний салоҳияти, унинг руҳияти, дунёқараши, тафаккури, ахлоқи ва турли субъектларга бўладиган муносабатларни ифода эттирувчи тушунча ҳисобланади. **Маънавият — инсоннинг руҳиятини, унинг ўзлигини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажратা билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва фоялини кўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳияти сифатида намоён бўлади.** Маънавиятни яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, инсоннинг ички ботиний салоҳиятининг инъикоси сифатида намоён бўладиган тушунча деб қараш мумкин. Маънавий маданият инсоннинг ақл-заковати, жисмоний кучи билан яратилган

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: «Маънавият», 2008. 67-бет.

реал моддий бойликлар күриниши, сифати ва жозибасини ифода эттиради. Худди мана шу жиҳат уларни бир-биридан фарқлаб туради. Аммо, бу уларни ажратиб туради дегани ёмас, балки улар бир-бирини тұлғазиб турувчи омиллар сифатида намоён бұлади. Агар маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-харакатларида — ўз оиласи, миллати, халқи ва ватанига бұлған муносабатларида намоён бұлса, маънавий маданият яратыладиган ва ишлаб чиқыладиган барча моддий бойликларнинг күриниши сипатида, чиройи, гүзіллигіда ўз ифодасини топади.

Маънавий маданият ўз ичига фан, маориф, адабиёт, санъат, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини қамраб олади. Уларнинг таъсирида моддий бойликларни ишлаб чиқиши сипат жиҳатдан мукаммаллашади, маҳсулотлар маданият сипатида намоён бұлади. Уларнинг ҳар бири ўзининг таъсири билан моддий бойликларнинг оммавийлигини оширади шағында рақобатбардошлигини таъминлайди. Улардан айримлари — фан, санъат, интеллектуал салоҳият ҳақида қуйидаги фикрларни илгари суриш мумкин:

Фан. Унинг роли шундаки, жамият фақат фанга, унинг ютуқларига асосланғандагина ривожланиши мумкин. Фан инсон тафаккурининг маҳсули ва айни пайтда моддий бойликларни ишлаб чиқарувчи күч ҳисобланади. Жамият тараққиёти қачонки фан ютуқларини, ишлаб чиқариш күчінде айлантиргандагина ривожланиб боради.

Санъат. Жамиятнинг ривожланиши, моддий бойликларни ишлаб чиқиши, унинг сипати ва рақобатбардошлигини таъминлашда санъатнинг роли бениҳоя каттадир. Зоро, санъат инсонда гүзіллик, юксак ахлоқийлик, бунёдкорлик ва фидойилик каби фазилатларни шакллантиради, шу билан биргә унда ишлаб чиқыладиган моддий бойликларга жозиба бағищловчи салоҳиятни ҳам шакллантиради.

Интеллектуал салоҳият. Интеллектуал салоҳият дегани мизда мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларини сипат жиҳатидан юксак дараражада ривожлантиришдаги асосий күч бұлған ҳамда замоннинг ривожланиш даражаларига мувофиқ илм, фан, техника ва технология соҳасида алоҳида ўринга эга бўлған жамиятнинг элитаси назарда тутилади. Уларнинг маънавий

маданиятидаги ўрни шундаки, улар нафақат илм-фан, техника ва технология ривожланишини юксак даражага кутаришдаги куч, шу билан бирга уларнинг замон тараққиёти даражасида сифатли ва рақобатбардошлигини таъминлашда ҳам етакчи ўринга эгадир. Шу йўл билан улар моддий бойликларнинг ривожланиб бориши ва мамлакат тараққиётига хизмат қиласидилар.

Шундай қилиб, маънавий маданият инсон фаолиятининг маҳсули, унинг чинакам маънавий салоҳиятининг кўриниши ҳисобланади.

Маънавий салоҳиятнинг юксаклиги жамият, давлат, миллат, халқнинг тараққий қилишида катта аҳамиятга эга. У инсонларни миллати, ирқи, тили, урф-одати, анъана ва қадриялари турли-туман бўлган инсонларни бирлаштиради ва жамиятда барқарорликнинг амал қилишига ижобий таъсир ўтказади. Энди бевосита мавзуимиздан келиб чиқиб маданият ва маънавият тизимида сиёсий маданиятнинг ўрни ҳамда унинг ўзига хослиги ҳақида тұхталиб ўтамиз. Сиёсий маданият инсоннинг сиёсий жараёнларга муносабатлари билан боғлиқдир. Унинг тушунча сифатидаги мақоми түғрисида кейинги фаслда тұхталишга ҳаракат қиласиз. Бу ерда унинг юқорида келтирилган тушунчалар тизимидағи ўрни, улар билан уйғунылиги ва нисбий мустақиллиги ҳақида фикр юритамиз.

Ҳар қандай сиёсат заминида ҳокимият масаласи туради, у турли кўринишларда намоён бўлади. Лекин сиёсий маданият деганимизда сиёсий ҳокимият билан боғлиқ ҳокимият шакли назарда тутилади. Сиёсий маданият аслида маънавият билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Яна хам аниқроқ қилиб айтсак, у инсоннинг сиёсий жараёнларга муносабати, давлат ҳокимиятида уларнинг қандай иштирок қилиш ёки иштирок қылмаслик ҳолатларини ўзида ифода эттиради.

Моддий маданият инсон ақл-заковати ва амалий фаолиятининг маҳсули, маънавий маданият унинг моддий яратиладиган маънавияттага маънан «қиёфа» багищлашдаги маҳоратида ўзини намоён этади. Сиёсий маданият юзага келишида инсон, давлат ҳокимияти фаолиятлари асосий омиллар ҳисобланади. Унинг маънавият билан боғлиқлиги шундаки, қаерда маънавият ривожланган бўлса, умумхалқ манфаатларини ифода

иттиришга хизмат қиласынан, мамлакатда турли синфлар, ижтимоий гурухлар ва сиёсий күчлар үртасида барқарорлыкка хизмат қилувчи сиёсат амал қиласы. Маънавияти қашшоқ жойда сиёсий бекарорлик, турли сиёсий зиддиятлар юзага келади на бунинг оқибатида мамлакат парокандаликка мубтало бўлали, у нафақат сиёсий, балки иқтисодий инқирозга ҳам учрайди. Шу маънода ҳам маънавиятни юксалтириш мамлакат на жамият ҳаётида сиёсий маданиятнинг ривожланишига олиб келадиган ўта муҳим вазифалардан бири сифатида қаралишини тақозо қиласы.

Айни пайтда, сиёсий маданият нисбий мустақил омил бўлғанлигидан келиб чиқадиган бўлсак, уни шакллантириш мустақил йўналиш сифатида давлат, сиёсий партиялар фоалиятидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Лекин ҳеч қачон маънан қашшоқ ҳалқ, миллат ва давлатда сиёсий маданиятни ривожлантириб бўлмайди.

Маънавият инсоннинг ички ботиний салоҳияттининг маҳсулн бўлса, сиёсий маданият ана шу салоҳиятнинг сиёсий жараёнлар, давлат ҳокимиюти ва уни бошқаришда қандай амал қилиш даражаларини, мезонларини ўзида ифода эттирадиган кўрсаткичидир. Маънавияти қашшоқ мамлакатда турли гурухлар, сиёсий күчлар ва ҳаракатларнинг манфаатларини таъминлашга, меҳнаткашлар, ҳалқ оммаси манфаатларига зид бўлган, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ва шу асосда тор доирадаги гурухлар манфаатларини ҳимоя қилувчи тузумни сақлаб қолишга қаратилган адолатсиз сиёсат шаклланади. Бу сиёсатнинг жамият ва мамлакат миқёсида ҳукмронлиги инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига, мамлакат моддий ва маънавий бойликларининг тајон-торож этилишига, мамлакатда зуравонлик, текинхўрлик, бебошлиқ, парокандалиқ, аҳолининг эҳтиёжларига бефарқлик, ёшлар үртасида эртанги кунга ишончсизлик каби ўта зиддиятли вазият вужудга келади. Уларнинг юзага келшини, ўз навбатида, сиёсий маданиятни эмас, балки, сиёсий-маънавий қашшоқлик, сиёсий инқирознинг юзага келганигини ҳам билдиради.

Мамлакатда маънавиятни юксалтиришга қаратилган сиёсат амал қиласынан бўлса, сиёсий барқарорлик, миллатлараро тутувлик, динлараро бағрикенглик, турли синфлар, ижти-

моий гуруҳлар ва сиёсий кучлар ўртасида манфаатлар мувозанатини ўзида мужассамлаштирган сиёсий маданиятнинг ривожланиши такомиллашиб бориш жараёни кечади.

Сиёсий маданият кенг маънодаги маданият ва маънавият билан боғлиқ ҳолда юзага келади ҳамда ривожланиб боради. Мамлакатда сиёсий барқарорликни, турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучлар ўртасидаги манфаатлар мувозанатининг амал қилишига эришиш учун маънавиятни ривожлантиришга эҳтиёж ошиб бораверади. Айни пайтда уларнинг реал ифодаси сифатида сиёсий маданият ҳам такомиллашиб боради.

Ўрни келганда, яна бир муҳим масала, маданият ва сиёсий маданиятнинг ўзаро муносабатларига ҳам аниқлик киритиш лозим бўлади. «Маданият» юқорида таъкидлаганимиздек, кенг маънода инсон ақл-заковати ва фаолиятининг маҳсули ҳисобланади. У кенг маънода мамлакат ва жамият ҳаётидаги моддий неъматларни яратувчиликнинг натижаси сифатида ўзини намоён этади. Сиёсий маданият ҳам ана шу жиҳатдан кенг маънодаги маданиятнинг муҳим тармоғини ташкил этади. Аммо, у нисбатан тор маънони англатади. Яъни, у моддий бойликларни, уларни яратиш, қўнималар ва бошқаларни эмас, фақат сиёсий жараёнларнинг амал қилиши, сиёсий бошқарувнинг мезонлари ва давлат ҳокимиятининг умумхалқ манфаатларини ифода эттириш борасида адолатли сиёсат юритиш ҳолатини ўзида ифода эттиради. Улар ҳар доим ўзаро узвий равишда ривожланиб боради.

Шундай қилиб, сиёсий маданият кенг маънодаги маданиятнинг таркибий қисмига кирса-да, унинг мустақил тармоғи сифатида ривожланади. Кенг маънодаги маданиятнинг ривожланиши билан сиёсий маданият ҳам такомиллашиб боради. Маънавият эса, уларнинг ҳар иккаласининг тараққиётига маънавий манба сифатида ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб боради. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, юксак маънавият омили амал қилиши мавжуд бўлган жамият, мамлакатда сиёсий маданият ҳам ривожланиб бораверади. Аммо, маданиятни сиёсийлаштириш, яъни ундан

жирканч сиёсий мақсадларни амалга оширишда фойдаланиш сиёсий маданият даражасига күтариолмайды, унинг шаклланмаганлигининг ёки қолоқлигининг, ёхуд қашшоқ ҳолатта тушиб қолганлигининг күрсаткичи ҳисобланади. Қачонки, сиёсий маданият мамлакат тараққиёти ва умумхалқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилсагина, у үзининг тўлақонли мақоми даражасига күтарилади.

II боб. СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ, УЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА НАМОЁН БУЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сиёсий онг ва сиёсий маданият тушунчалари

Юқорида глобаллашув кенг маънодаги маданият, унинг шакллари, сиёсий маданият, маънавият тушунчалари ва уларнинг ўзаро муносабатлари

ҳақида фикр юритган эдик. Савол туғилиши мумкинки, уларнинг ёшларнинг сиёсий маданияти билан нима алоқаси бор, тўғридан-тўғри асосий мавзу ҳақида фикр юритса тўғри бўлмайдими? Бу саволларга жавоб шуки, қўйилаётган масала ниҳоятда мураккаб бўлиб, унинг негизларини очмасдан туриб, мазмунини, намоён бўлиш хусусиятларини ва амал қилиш жараёнлари каби ўта муҳим қирраларини очиш ҳамда кўрсатиш қийин. Худди шунингдек, сиёсий онг ва сиёсий маданият тушунчаларининг моҳиятини тушуниб етмасдан ёшлар сиёсий маданиятининг моҳиятини тушуниб ҳам бўлмайди. Ана шу мураккаб масалаларни ҳисобга олган ҳолда сиёсий онг ва сиёсий маданият тушунчалари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиласиз.

Сиёсат муаммолари билан bogлиқ аксарият адабиётларда сиёсий онгга қараганда, сиёсий маданиятни таҳлил қилишга кўпроқ эътибор бериб келинмоқда. Ҳатто, улар ўртасида кечадиган жараёнларга багишланган фундаментал илмий адабиётлар ҳам етишмайди. Бунинг асосий сабаби: а) сиёсий маданият кенг маънодаги маданиятнинг таркибий қисмини ташкил этгани; б) сиёсий онгнинг сиёсий маданиятга нисбатан кучлироқ ривожланаётганлиги, сиёсий маданиятнинг эса ундан орқада қолаётганлиги ва бунинг оқибатида бир қатор мамлакатларда сиёсий беқарорликнинг вужудга келаётганлиги; в) собиқ СССР барбод бўл-

тандан кейин, унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатларда бугунги кунгача кечаётган сиёсий жараёнларни объектив таҳлил қилишга салоҳияти етадиган политологларнинг стишмаганлиги билан боғлиқ.

Аммо, сиёсий маданиятни ривожлантириш, уни мамлакатдаги барқарорликнинг муҳим омили даражасига қутариш учун, энг аввало, сиёсий онгни ривожлантириш, уни умумсиёсий манфаатлар руҳиятида шакллантириш зарур бўлади. Бундан ташқари, сиёсий онг шаклланмаган бўлса, сиёсий маданият ҳақида фикр ҳам юритиб бўлмайди. Худди ана шу боисдан ҳам уларни бир-бири билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш мумкин бўлади.

«Сиёсий онг»га турли қарашлар мавжуд бўлиб, унга ҳар бир тадқиқотчи ўзи олиб бораётган тадқиқот йўналишидан қараган. Асосан сиёсатшунослар ва ҳуқуқшунослар томонидан ўрганилган. Аммо, Ўзбекистонда эълон қилинган лутгатларнинг кўпчилигига унга кам эътибор берилган. Ҳатто, «Фалсафа қомусий луғат»¹ ида ҳам бу тушунча ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Фақат унга республика олий ўкув юртлари учун «Политология» фанидан эълон қилинган кўлланмада қуйидагича таъриф берилган: «Сиёсий онг — муайян индивид, гуруҳ, қатламлар томонидан сиёсий соҳани англаши, тасаввурлари, билимлари, баҳолаши тизимири. Сиёсий онг — бу кишиларнинг сиёсий тизим ва ҳаёт, сиёсий муносабатлар тўғрисидаги билимлар, тасаввурлар, маслаклар, эътиқодлар, ўзлари яшаб турган сиёсий тузумга баҳо беришлари йигиндисидан иборатdir»². Яна бир ўкув кўлланмада «Сиёсий онг шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви жараёнлари билан боғлиқ. Шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви бу — сиёсий ҳаёт тўғрисида сиёсий тасаввурларнинг шаклланиши, сиёсий фаоллик кўникмаларининг ҳосил қилиши ва уларнинг муайян маданият даражасига айланishi билан боғлиқ. Шахснинг сиёсий тасаввурлари, қадрият-

¹ «Фалсафа қомусий луғат». — Т.: «Шарқ», 2004.

² «Политология». Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир: с.ф.д.проф. Н.Эргашев. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, «УЛЖБНТ» маркази, 2002. 163-бет.

лари, йўл-йўриқлари туфма бўлмасдан, балки аста-секин шаклланиб қарор топади. Шахснинг ҳаёти давомида сиёсий ижтимоийлашув жараёни жамиятнинг сиёсий тизими, ривожланиши, тутган йўли, мақоми ҳам шахснинг сиёсий онгига, маданиятига бевосита таъсир этмасдан қолмайди. Сиёсий мустақиллик ва миллий ўзликни англаш — кишиларнинг сиёсий қарашларига қучли таъсир кўрсатади¹.

Келтирилганлардан айтиш мумкинки, **сиёсий онг сиёсий жараёнлар ҳақидаги сиёсий тасаввурлар, қарашлар, қўникмалар ва билимлар мажмуудир.**

Сиёсий жараёнлар деганимизда, биринчи навбатда, давлат ҳокимияти, унинг сиёсий бошқарувдаги фаолияти ва унда кечадиган сиёсий муносабатларни назарда тутамиз. Улар турли-туман бўлиб, бир маромда ривожланиши ёки юксак даражага кўтарилиши мумкин. Уларнинг қандай кечиши давлат ҳокимиятининг сиёсий бошқарувни қайси даражада ташкил этишига боғлиқ бўлади.

Сиёсий онг давлатнинг пайдо бўлиши билан унда яшаётган шахсларда шакллана бошлайди. Бунинг негизида, давлат манфаатларини назарда тутувчи сиёсатни олиб бориши ёки олиб бормаслиги муаммоси туради. Шахс ана шу икки ҳолатда ҳам давлат ҳокимиятининг сиёсий бошқарувдаги фаолиятига нисбатан ўз муносабатларини шакллантиради. Яна ҳам аниқроқ айтганимизда, **сиёсий онг шахснинг сиёсий манфаатларининг инъикоси сифатида юзага келади**. Албатта, сиёсий манфаатлар деганимизда, шахснинг давлат ҳокимияти иштироки «воситасида» ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий эҳтиёжларини амалга оширади. Лекин давлат ҳеч қачон объектив ва субъектив сабабларга кўра шахснинг эҳтиёжларини тўла қондира олмайди, унинг имконияти ҳам йўқ. Чунки, шахс қанча фаровон яшаса, унинг эҳтиёжлари ҳам шу даражада ошиб бораверади. Бу объектив жараён, худди ана шу эҳтиёжларнинг ошиб бориши мамлакат ва шахсни тараққиётга етакловчии омил ҳисобланади. Агар эҳтиёжларнинг ошиб бориш жараёни

¹ «Политология». Муаллифлар жамоаси: проф. Отамуратов С. (рахбар); проф. Эргашев И; проф. Акромов Ш; проф. Қодиров А.) — Т.: «Ўзбекистон», 1998. 85-бет.

тұхтаса, бу тараққиётнинг ҳам тұхташига олиб келади. Бу жараёнда сиёсий онг ривожланиши, давлат ҳокимиятининг сиёсий бошқарувда сиёсий әхтиёжларининг ошиб боришига мувофиқ фаолият күрсата билмаслиги, фуқароларнинг унга нисбатан үз муносабатларини билдиришін вазиятини юзага келтиради. Ана шу ҳолат шахсда давлат ҳокимиятининг сиёсий фаолиятига нисбатан қарашлари, тасаввурлари ва құникмалари вужудға кела бошлайды. Улар давлат ҳокимияти тараққиётіга мувофиқ ривожланиб бораверади.

Сиёсий онг билан шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви үзаро боғлиқ бұлади. Шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви деганимизда, унинг сиёсий жараёнларни англаши ва уларда иштирок қилишининг ортиб боришини назарда тутамиз. Сиёсий ижтимоийлашув билан бирга кенг маңнода құлланыладиган ижтимоийлашув түшунчаси ҳам фанда құлланылади. Бунда шахснинг жамият ҳаётининг барча соқалардаги иштироки назарда тутилади, шу жиҳатдан «сиёсий ижтимоийлашув» түшунчасидан кенг ва үз навбатида, уни ҳам узига қамраб олади. Шахснинг ижтимоийлашувини ҳаракатта келтиришдаги үрнини құрсатиш назарда тутилади.

Ҳақиқатдан ҳам, шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви унинг сиёсий онгининг ривожланишига олиб келиши билан бир вақтда уни жамиятда нафақат сиёсий жараёнларда, балки иқтисодий, ижтимоий ва маңнавий-маърифий жараёнларда иштирокининг ривожланишига олиб келади. Шундай қилиб, сиёсий онг шахс фаолиятини барча соқаларда иштирокини таъминловчи индикатор вазифасини бажаради.

Сиёсий онг онгнинг барча шакллари (индивидуал онг, ижтимоий онг, назарий онг, миллий онг, эстетик онг ва бошқалар) билан үзаро боғлиқ ва улар билан бирга ривожланади. Бу ерда сиёсий онгнинг бошқа онгнинг барча шакллари билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида әмас, балки фақат миллий онг ва хуқуқий онг билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиласымыз. Чунки, онг шакллари шидан миллий онг ва хуқуқий онг ҳақида фикр юритганимизга сабаб уларнинг сиёсий онг ривожланишидаги етак-чилик ролини назарда тутмоқдамыз.

Миллий онг тушунчасига ҳам турли қараашлар шаклланган. Бугун Ўзбекистонда эълон қилинган аксарият луғатларда қуидагича таъриф берилган: «Миллий онг — ҳар бир миллат ёки элатнинг узоқ тарихий тараққиёти, турмуш тарзи, маънавий-диний эътиқоди, маданий ривожи жараёнида шаклланган дунёқараши, тафаккури, эътиқод ва ишонч туйғуларини ифодаловчи тушунча...». Миллий онг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти, бошқа миллатлар билан мулоқоти жараёнида пайдо бўлади. У тил билан узвий боғлиқ. Тилда ифода этилган буюм, ҳодиса ва рақамлар миллий онгда ўз ифодасини топади ва субъектив образлар тариқасида билимга айланади. Шунинг учун миллат шаклланиш жараёнининг дастлабки босқичлариданоқ, аждодлар яратган мерос, фоя ва тушунчаларни тил орқали ўзлаштириб, онгига сингдириб боради. Миллий онг алоҳида муҳитда содир бўлади. Унинг шаклланишига тўпланган билимлар, сиёсий ва хуқуқий фоялар, санъат ва маданият ютуқлари, ахлоқ, дин ва ижтимоий руҳият, умуман, жамият онги таъсир кўрсатади. Миллий онг тарихий тажрибани, аждодлар қолдирган билимлар ва тафаккур — мантиқ усулларини ўзига сингдириб олгач, воқеликни ўзлаштиради, вазифаларни ўртага қўяди, келажак лойиҳаларини тузади, миллатнинг бутун амалий фаолиятини белгилайди. Миллий онг ижтимоий фаолият жараёнида шакллантирилади, миллий онг ҳам, ўз навбатида, унга бевосита таъсир ўтказади, уни белгилайди ва тартибга солади, миллий онгнинг ривожи миллат ўз орзу мақсадларини рӯёбга чиқариш жараёнида табиатни, жамиятни ва ўзини ўзгартиради¹.

Бундан ташқари, шу рисола муаллифининг миллий онг тушунчасига берган қуидаги таърифи ҳам мавжуд: «Миллий онг деб, миллатнинг тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган манфаатлар ва мақсадларни ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятини мақсад йўналишлари томон бошқариб турадиган фоялар, фикрлар тизимиға айтилади»². Албатта, бу тушунчага бошқа таърифлар ҳам мавжуд, бу ерда уларни таҳлил қилиш ҳақида гап бораётгани йўқ, балки унинг сиё-

¹ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. — Т.: Ф. Ғуломномидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 406-бет.

² Фалсафа қомусий луғат. — Т.: «Шарқ», 2004. 270-бет.

сий онг билан бөглиқлик жиҳатларини күрсатиш ҳақида бормоқда. Миллий онг жуда мураккаб омил бўлиб, уни мустақил мавзу сифатида ўрганиш зарур бўлади. Чунки, бу гунги қунгача у фундаментал тарзда ўрганилмасдан қолмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, шахснинг сиёсий онги унинг сиёсий жараёнларга муносабатларининг таъсирида шаклланади. У бу жараёнларда иштирок қилишида нафақат сиёсий мақсадлар ва манфаатларни, балки ижтимоий муносабатларнинг субъекти сифатида ҳам намоён бўлади. Бу унинг ўёки бу миллатнинг вакили даражасида миллатнинг мақсадлари, манфаатлари, мустақил субъект сифатидаги мақомининг амал қилишини таъминлашда иштирок қиласди. Улар, ўз навбатида, нафақат миллий онг ривожланишига, шунингдек, у орқали, янада аниқроғи, унинг таъсирида сиёсий онгнинг ҳам ривожланиши содир бўлади. Бундан ташқари, сиёсий онг ҳар бир шахсда ўз-ӯзидан йўқ жойдан пайдо бўлмайли, балки маълум инсонлар уюшмаси, жамоаси тизимидағи иштирокида шаклланади. Бу уюшмада шахснинг миллат уюшмасидаги иштироки, миллий онгнинг ривожланишига олиб келиши билан бир вақтда миллатнинг «суверен» субъект сифатидаги мақомини асраш, унинг вакилларида сиёсий онгнинг ривожланишига ҳам олиб келади. Худди ана шулар ўртасидаги ўзаро бөглиқлик сиёсий онг ривожланишида нафақат миллий онгнинг таъсири, шу билан бирга сиёсий онгнинг унга ўтказадиган таъсири жараёнларида ҳам кечади. Миллий онг билан сиёсий онгнинг ўзаро бөглиқлигининг муҳим жиҳати шундаки, миллат вакилларининг сиёсий жараёнларига муносабатларида миллий ўзига хослик ҳам ўз ифодасини топади. Яъни, бир миллат вакилларида сиёсий жараёнларга муносабатларида сиёсий жўшқинлик, фаоллик кучли бўлса, яна бирларида вазминлик, босиқлик каби фазилатларда ўз ифодасини топади. Бундай турли-туманлик миллатнинг узоқ тарихий босқичда шаклланган менталитети, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари билан бөглиқ бўлиб, улар миллий онг орқали сиёсий онгда ҳам шаклланади. Шу маънода ҳам миллий онг сиёсий онг тараққиётида етакчилик қиласди. Миллий онги шаклланмаган миллатнинг сиёсий онги ривожланмайди. Миллат вакилларининг ўз мустақиллиги,

озодлиги, эркинлиги ҳақ-хукуқлари учун кураши дастлаб миллий онгнинг ривожланиши, ўзини ўзи англаши натижасида юзага келади ва у сиёсий мақсадларни қўзловчи сиёсий онг даражасига кўтарилади. Шу маънода миллат нафақат ижтимоий мавжудот, шунингдек, у сиёсий мавжудот сифатида намоён бўлади. Худди ана шу омиллар миллий онг билан сиёсий онгнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлайди.

Сиёсий онг ҳукуқий онг билан ҳам боғлиқдир. Ҳукуқий онг инсонлар, фуқаролар, ижтимоий групчалар, миллатлар ва халқларнинг жамиятнинг маълум қонунчиликка бўлган муносабатларини ифодаловчи қарашлар, гоялар ва тасаввурлар мажмуи ҳисобланади. Унинг сиёсий онгдан фарқли жиҳати шундаки, у жамият ва давлат ҳаётида амал қилаётган қонунларнинг инсонлар, фуқаролар, миллатлар ва бошқа ижтимоий групчалар томонидан қай даражада билишини англатса, сиёсий онг ана шу билимлар орқали шахслар ва фуқароларнинг сиёсий жараёнлар ҳамда давлат ҳокимияти фаолиятида иштироки қайси даражада бўлганлигини билдиради.

Худди ана шу маънода ҳам, сиёсий онг билан ҳукуқий онг ўзаро боғлиқ ҳолда инсонлар (шахслар)нинг давлат ва жамият ҳаётидаги сиёсий барқарорлигини қайси даражада таъминланишида муҳим омил сифатида намоён бўлади. Уларнинг барқарор ривожланиши нафақат фуқаролар манфаатлари, шу билан бирга давлат сиёсий институтининг мустаҳкамланишига ҳам хизмат қиласи.

Жамият ва давлат ҳаётида фақат сиёсий онг ривожланишининг ўзи сиёсий барқарор тараққиёт учун етарли эмас, бунинг учун албатта, сиёсий маданиятнинг барқарор тараққиёти ҳам талаб этилади. Юқорида (биринчи бобда) сиёсий маданият ҳақида қисман фикр юритган эдик. Аммо, унинг кенг маънодаги маданият ва миллий маданият билан боғлиқ жиҳатлари устида тұхтаган эдик. Энди, унинг сиёсий тушунча сифатидаги моҳияти ҳақида фикр юритамиз.

«Сиёсий маданият»га түрлича таърифлар берилган. Жумладан, «Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп лугати»да унга қуйидагича таъриф берилган: «Сиёсий маданият — умумий маданиятнинг муҳим тури, жамият аъзолари, миллат,

ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ҳамда ҳар бир фуқаро-нинг давлатнинг ички ва ташқи сиёсатни тушуна билиш қобилияти, таҳлил қила олиш даражаси ва сиёсий вазиятга қараб, мустақил равишда ўз хатти-ҳаракатларини белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш маданияти. Олдиндан кўра билиш истеъоди, ҳаракат йўналишини ўзгартириш, назарий ва амалий йўналишларини аниқлай олиш, тарафдорлар топиш, ижтимоий жараёнларнинг тезлигига таъсир ўтказиши сиёсий маданиятнинг жиҳатларидан саналади»¹. Яна бир лугатда «Сиёсий маданият — сиёсий онг ва сиёсий фаолият бирлигини ифодалайди ва шахс, ижтимоий гуруҳ ёки бутун жамиятнинг ижтимоий тузумга, ҳокимиятга, давлат амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатга муносабатини акс эттиради»², — деган таъриф берилган.

Политология ўкув қўлланмасида эса, унга бир қатор кенгроқ қаралиб, қўйидаги фикрлар берилган. «Сиёсий маданият» бу — ўзига сиёсий маърифатни, сиёсий онглийкни ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятни ҳам қамраб олган шахс ва ижтимоий бирликнинг маданиятидир;

— Сиёсий маданият бу — ўз ичига ижтимоий-сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар билан бевосита алоқадор бўлган элементларни қамраб олган жамият маънавий маданиятининг бир қисмидир;

— Сиёсий маданият — конкрет ижтимоий бирлик ёки шахсга тегишли бўлган сиёсий онг ва сиёсий хулқ-автор стереотиплари йигиндисидир;

— Сиёсий маданият — тарихан қарор топган сиёсий муносабатлар тизимида ижтимоий субъектнинг (шахснинг, ижтимоий гуруҳнинг, жамиятнинг) ўз сиёсий билимлари, қадриятларидан келиб чиққан ҳолда мўлжалланган ниятларини ҳамда ўзига хос сиёсий хулқ-авторини намоён қилиши, амалга оширишидир. Сиёсий маданиятнинг юқорида келтирилган умумий талқинларидан келиб чиққан ҳолда унга қўйидагича таъриф бериш мумкин:

¹ Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп лугати. — Т.: «Шарқ», 1998. 191-бет.

² Фалсафа қомусий лугат. — Т.: «Шарқ», 2004. 365-бет.

«Сиёсий маданият бу — сиёсий ҳокимият ва сиёсий ҳаётга бўлган муносабат, уни идрок этишдаги сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир»¹.

Келтирилган фикрлар ва таърифларда сиёсий маданиятнинг турли жиҳатлари ўз ифодасини топган. Шу маънода ҳам, улар бу мураккаб тушунчани кенгроқ тушуниб олиш имконини беради. Шу билан бирга уларни янада такомиллаштириш ҳам унинг эътиборидан четда қолган жиҳатларини тушуниб олишга ёрдам беради. Ана шу фикримиздан келиб чиққан ҳолда бу тушунчага ўзимизнинг муносабатимизни билдирамиз.

Биринчидан, юқорида сиёсий маданиятни жамият маънавий маданиятнинг бир қисми, деган фикрга қўшилган ҳолда, унинг дунёқараш, хулқ-автор, сиёсий вазминлик ва сиёсий огоҳлик кабиларни мужассамлаштиришини алоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, маданият ҳақида фикр юритганимизда унинг асосий мезони барча салбий кўрсаткичларни эмас, балки уларни бартараф эта билишдаги салоҳият ва маҳоратни назарда тутамиз. Шу маънода сиёсий маданият маънавий маданиятнинг бир қисми булиб, у барча жамият ҳаётида ва давлат фаолиятида турли объектив ҳамда субъектив омиллар билан bogliq ҳолатда юзага келган турли сиёсий зиддиятлар ҳамда можароларни сиёсий вазминлик ва сиёсий огоҳлик фуқаролар, синфлар, ижтимоий табақалар ва сиёсий кучларнинг маънан юксаклик билан ёндашувида ўз ифодасини топади. Жамиятда ва давлат ҳаётида содир бўладиган барча сиёсий зиддиятларни вазминлик ва сиёсий огоҳлик билан ҳал этилишида маънавиятнинг ўрни ниҳоятда катта, маънавияти қашшоқ бўлган шароитда сиёсий зиддиятлар ҳам авж олаверади. Шу маънода сиёсий маданиятга маънавиятнинг бир бўлаги сифатида қараш тўғри бўлади.

Иккинчидан, сиёсий маданият сиёсий жараёнларда иштирок этадиган фуқаролар, ижтимоий групкалар ва сиёсий кучларнинг унинг ижобий йўналишда амал қилишини ташкил қила билишдаги кўрсаткичи, керак бўлса мезонидир. Зеро, бунга эришиш осон эмас. Чунки, жамиятда фуқаро-

¹ «Политология». Ўқув қўлланма. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. 178-бет.

лар, ижтимоий турұхлар ва сиёсий күчлар мавжуд экан, уларнинг ҳар бирининг манфаатлари ва ўз «мен»лигини мустаҳкамлашга интилиши ҳам бўлади. Агар улар бўлмаганда жамият ҳам тўлақонли ижтимоий институт сифатида амал қилмаган бўлар эди. Бу ерда сиёсий маданиятнинг кўрсаткичи уларнинг мавжудлигига эмас, балки манфаатлари ва ўз «мен»лигини мустаҳкамлашга интилишлари сиёсий зиддиятлар ва турли тўқнашувларни юзага келтирмаслигидаги маҳоратларида ўз ифодасини топади. Аммо, ҳар доим ҳам бу даражага эришиш мураккаб кечади. Чунки, сиёсий жараёнларда нафақат фуқаролар, турли ижтимоий табақалар ва сиёсий күчлар, шу билан бирга давлат ҳокимияти ҳам интирирок этади. Айни пайтда, бу сиёсий институтнинг ҳам ўз «мен»лиги мавжуд бўлиб, уни мустаҳкамлаш ҳам унинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ана шу жиҳатдан сиёсий жараёнларда ҳар икки томоннинг манфаатлари ва «мен»ликларини таъминлашдаги мувозанатнинг амал қилиши ҳам сиёсий маданиятнинг кўрсаткичи ҳисобланади.

Учинчидан, давлат ҳокимияти фаолиятида сиёсий маданиятнинг амал қилиши ҳам сиёсий жараёнларнинг ижобий йўналишда ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эгадир. Сиёсий жараёнларнинг ижобий йўналишда ривожланиши леганимизда, давлат ҳокимияти фаолиятининг амал қилиш жараёнида, фуқароларнинг унда иштирок қила олиши, улар сиёсий онгининг тобора ривожланиши, давлат ҳокимияти билан фуқаролар, ижтимоий турұхлар ва сиёсий күчлар ўтасида амал қиладиган муносабатларда барқарорлик ҳолатининг мажмуи назарда тутилади. Давлат ҳокимияти фаолиятида сиёсий маданиятнинг амал қилиши деганимизда:

а) мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қилувчи қонунларнинг қабул қилинишига эришиш ҳамда унинг ижроси устидан нафақат давлат, шунингдек, асосий ўтиборни халқ назорати амал қилишининг фаолиятдаги стратегик йўналишга айланишига эришиш; бунда қабул қилинадиган қонунлар мамлакатнинг мавжуд ички иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳолатига мувофиқ бўлиши. Агар бу ўта муҳим омил ҳисобга олинмаса, қабул қилинган қонунлар «ишламайди» ва ҳеч қандай сана мара бермайди. Бунинг оқибатида давлат ҳокимияти билан

аҳоли ўртасида ўзаро ишонч барбод бўлади ва давлат ана шу ишончга эришишнинг турли омилларини қўллаши; ҳатто, худди ана шу вазиятнинг содир бўлиши сиёсий маданиятнинг ривожланмаганлигининг аломати сифатида юзага келади; б) мамлакат ҳаётида мавжуд бўладиган ва аҳолининг турмуш фаровонлигига боғлиқ барча ижтимоий-иқтисодий масалаларни адолат тамойилига амал қилган ҳолда ҳал этилишидаги маҳорат ва салоҳиятга эришиш ҳамда улардан давлат ҳокимияти ўз фаолиятида самарали фойдалана билиши ундаги сиёсий маданиятнинг кўрсаткичи ҳисобланади. Бу ерда гап мамлакатнинг ягона худуд бўлиши, ҳали унда яшаётган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларининг тенг таъминланганлигини билдирилмаслиги ҳақида бормоқда. Чунки, ҳудудларнинг бирида бўлган ресурслар, иккинчисида бўлмаслиги мумкин. Бу — ҳудудларда аҳолининг турмуш фаровонлигидаги тенгизлизигига олиб келади. Давлат ҳокимияти ана шу ўта муҳим муаммони моҳирлик билан ҳал эта олиши лозим бўлади. Бу — мамлакат аҳолисининг бирлигини мустаҳкамлайди ва барқарор тараққиётга олиб келади. Бу масала нафақат иқтисодий-ижтимоий, шу билан бирга сиёсий барқарорликнинг амал қилиши учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Чунки, давлат ҳаётида юзага келадиган сиёсий бекарорликнинг негизи ана шу масалага бориб тақалаверади. Унинг адолат тамойилига амал қилган ҳолда ҳал этилиши сиёсий маданиятга боғлиқ бўлади; в) мамлакат турли миллатлар ва турли динларга эътиқод қилувчи аҳолидан иборат эканлиги ҳамда уларнинг ўзаро тенглигини, эҳтиёжларини ҳисобга олиб, фаолият юритиш учун тенг шарт-шароит яратса билиш ҳам сиёсий маданиятнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Бу ўта нозик масала бўлиб, инсониятнинг интеллектуал салоҳияти ривожлангани сари уларнинг миллий ўзлигини англаши, ўз заминларига интилиши, урф-одат, анъана ва қадриятларини ўзлаштиришга интилишлари, диний қадриятларга садоқат ва эътиқоди ошиб бораётгани давлат ҳокимиятининг, уларнинг ҳар бирига ўта эътиборсизлик билан қараш ёки уларда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан билишга ҳаракат қила олмаслик ҳолатлари сиёсий маданиятдаги қолоқликнинг белгиларидан биридир. Чунки, бугун дунёдаги айрим мамла-

каплардаги сиёсий бекарорлик, ҳатто айрим мамлакатларда бетуноҳ инсонларнинг ҳалок бўлаётганлиги билан боғлиқ фожиалар давлатларнинг миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни ўсиб бораётган эҳтиёжлар даражасида ташкил қилолмаганилиги натижасида юзага келмоқда, дейиш мумкин. Шу маънода бу давлат ҳокимияти сиёсий фаолиятидаги устувор масала бўлиши сиёсий маънавиятнинг қай даражада эканлигини ҳам кўрсатади; г) давлат ҳокимияти фаолиятидаги сиёсий маданиятнинг муҳим кўрсаткичларидан яна бири, бу — мамлакат ёшларига уларнинг эҳтиёжларига, ўсиб-улғайишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни юзага келтиришга бериладиган эътибор ҳисобланади.

Маълумки, авлодлар алмашуви объектив жараён, кечаги авлод бугунгисига, бугунгиси эртага келадиган авлодга ўринини бўшатиб бериши бор ҳақиқат. Агар давлат ўз фаолиятида ана шу объектив жараёндан келиб чиқсан ҳолда спиларнинг баркамол бўлиб ўсиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишга эътибор берса, авлодлар алмашинуни жараённада унинг ўзи ҳам тобора ривожланиб бораверади. Чунки, бугунги авлод кечаги тўпланган тажрибадан фойдаланади, бугунги авлод ўзи тўплаган тажрибани эртанги авлодга қолдиради ва шу тариқа мамлакат тўпланган ижобий тажрибалар ҳисобига тараққий этади ҳамда салбийларидан сабоқ олади ва унинг қайта такрорланмаслигининг чора-тадбирларини кўради.

Шу билан бирга ёшлар ҳаётини тажрибага эга бўлмаган ижтимоий гуруҳ бўлганлиги боис, уларнинг бир қисми тимани кўрса шунга амал қилишга, тақлидчиликка мойил бўладилар. Бундан айрим сиёсий кучлар ва оқимлар фойдаланишга ҳаракат қиласалар ҳамда ёшларни ўз измларига солишга уринадилар. Афсуски, бу салбий ҳолат кўпгина мамлакатлар ҳаётида бугун содир бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, уларда сиёсий бекарорликни, чукур иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-маърифий инқизорзларни вужудга келтирмоқда. Ана шу салбий ҳолатларнинг юзага келмаслигининг олдини олиш ва ёшларнинг эҳтиёжларига жиддий эътибор билан қараш давлат ҳокимияти фаолиятидаги сиёсий маданиятнинг яна бир муҳим кўрсаткичи ҳисобланади;

д) давлат ҳокимияти фаолиятидаги сиёсий маданиятнинг муҳим кўрсаткичларидан яна бири бу — унинг сиёсий бошқарувда кучга эмас, балки адолат, ишонч ва сиёсий вазминлик тамойилларига таянишда намоён бўлади. Давлат сиёсий институт сифатида ижтимоий ва сиёсий тузилма жиҳатдан жуда мураккаб тузилган. Унда, инсон, шахс, фуқаро, миллат, ҳалқ, ижтимоий ташкилотлар, сиёсий кучлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос манфаатлари ҳам амал қиласди. Манфаатлар турли-туманлиги нинг ўзи ҳар доим уларнинг ўзаро тўқнашуви учун манба бўлиб қолаверади. Агар ана шундай тўқнашув содир бўладиган бўлса, давлатнинг уларни ҳал қилишда, адолат ишонч ва сиёсий вазминлик тамойилларига амал қилиш даражасига етганлиги, унинг сиёсий маданиятининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, сиёсий маданият кенг қамровли ва ўта мураккаб омил ҳисобланади. Унга юқорида илгари сурган фикрларимиздан келиб чиқсан ҳолда қўйидагича таърифни бериш мумкин. **Сиёсий маданият — сиёсий онг, сиёсий тафаккур, сиёсий огоҳлик, сиёсий вазминликни ўзида уйғулаштирган ҳолда шахс, фуқаро, давлат ҳокимияти, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий кучлар умумманфатлар ва мақсадлар йўлида ўз фаолиятларида амал қилиши нинг кўрсаткичини англатадиган тушунчадир.** Бу таърифдаги асосий тоғи сиёсий маданиятнинг шахс, фуқаро, давлат ҳокимияти, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучларнинг сиёсий бекарорлик, ёхуд сиёсий можароларни ҳал қилишдаги ижобий фаолияти кўрсаткичи эканлигини кўрсатишда ўз ифодасини топади. Фикримизча, сиёсий маданиятдаги икки жиҳатни алоҳида ҳисобга олиш лозим бўлади: биринчидан, таг маданият ҳақида кетгандан уларнинг қайси тури бўлишидан қатъи назар, моддийликдаги барча ижобий кўрсаткич ва тараққиёт белгиси ва инсониятга хизмат қиласдиган илфор тоғлар ҳамда уларнинг амалиётдаги ифодаси кабиларни назарда тутамиз. Уларнинг акси эса маданият эмас, балки уларнинг инқирозий ҳолатидир; иккинчидан, маданият фаолиятининг маҳсули эканлигидир. Маданият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки субъектлар фаолиятининг маҳ-

сули, бундан келиб чиқадики, сиёсий маданият ҳам субъектлар фаолиятининг натижасида шаклланади ва такомиллашиб боради.

Албатта, сиёсий маданият ҳам кенг маънодаги маданият киби кўп қиррали бўлиб, уни доимо такомиллаштириб боринни тақозо этади.

Сиёсий онг ва сиёсий маданият муносабатлари

Сиёсий онг ва сиёсий маданият бири-бирини тўлғазадиган тушунчалар бўлиши билан бирга, уларнинг ўзаро уйғун ҳолда ривожланмаслиги ҳам

мумкин. Бу, ўз навбатида, давлат ҳокимияти, фуқаролар ижтимоий гурӯҳлар ва сиёсий кучлар фаолиятларида зиддиитли вазиятларнинг юзага келтиради. Яъни, сиёсий онг ривожланиб кетса-ю, сиёсий маданият унинг тараққиёт даражадаридан орқада қолса, мамлакат ҳаётида сиёсий бекарорлик юзага келишига сабаб бўлади. Чунки, бундай ҳолатда мамлакат ҳаётида сиёсий «ўйинлар» учун вазият юзага келади. Сиёсий жараёнлар умумманфаатларга эмас, ана шу ўйинларни ташкил этувчиларга йўналтирилиб юборилади. Бу — мамлакатда сиёсий бекарорликни юзага келтиради ва унинг тараққиёти учун тўсиқ бўлади. Қачонки, сиёсий онг сиёсий маданиятга мувофиқ ривожлансангина барқарор тараққиёт учун шарт-шароит ҳам юзага келади. Аммо, шуни ҳам назарда тутиш лозимки, сиёсий онг сиёсий маданиятга нисбатан олдин шаклланади. Бу — сиёсий қарашлар, тасаввурларнинг пайдо бўлишида ўз ифодасини топади. Уларнинг амалиётта айланиси сиёсий жараёнларнинг юзага келиши ва уларни барқарорлантиришга бўлган эҳтиёжида ўз ифодасини топади. Бу — сиёсий маданиятнинг шаклланиш жараёнининг бошланишини ҳам билдиради. Яъни, сиёсий онг сиёсий маданият шаклланишининг муҳим манбаи сифатида намоён бўлади.

Сиёсий онг билан сиёсий маданият ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритиш учун, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос функцияларига эътибор қаратиш тўғри бўлади. Ўнг аввало сиёсий онгнинг функцияларига эътибор бералиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

— **Сиёсий онгнинг билиш функцияси.** Бу — шахслар, фуқаролар, ижтимоий гурӯҳлар ва сиёсий кучларнинг давлат

ҳокимиияти, унинг фаолияти ва жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларининг маъно-мазмунини тушуниб олишда намоён бўлади. Улар ҳақида тегишли билимга эга бўлмасдан туриб сиёсий онг ривожлана олмайди.

— **Сиёсий онгнинг сиёсий жараёнларни юзага келтиришдаги функцияси.** Сиёсий онг бўлмаса, давлат фаолияти ва жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнлар ҳам содир бўлмайди. Агар масалага янада чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, сиёсий онг бўлмаса умуман сиёсий институтлар ҳам шаклланмайди. Сиёсий онг шаклланишига асосий туртки берган омил ҳам сиёсий бошқарувга эҳтиёжнинг юзага келтирғанлигидир. Шу маънода ҳам сиёсий онг жамиятдаги сиёсий жараёнларга муносабатларнинг инъикоси сифатида пайдо бўлган, дейиш мумкин. Парадокс шундаки, у сиёсий жараёнларнинг инъикоси бўлиши билан бир вақтда уни ҳаракатга келтирувчи асосий омиллардан бири ҳам ҳисобланади. Сиёсий онг сиёсий жараёнларни ҳар доим ҳам ижобий томонга ривожланишига олиб келавермайди, баъзан жамият ҳаётида объектив ва субъектив сабабларга кўра, юзага келадиган номутаносиблиқ, инқирозлар ва бошқа салбий ҳолатларда сиёсий онг сиёсий маданиятдан узилиб қолади ва улар ўртасидаги мувозанат барҳам топади ҳамда у сиёсий жараёнларнинг салбий томонга ривожланишига хизмат қилиши мумкин. Бу — сиёсий онгнинг жамиятда юзага келиши мумкин бўлган зиддиятлар ва парокандаликлар омилига айлангани, деганидир. Бу ҳолат сиёсий онгнинг салбий жиҳати ҳисобланади. Шунинг учун сиёсий онгнинг ҳар доим сиёсий маданият доирасидан чиқиб кетмаслиги давлат фаолиятининг муҳим йўналиши бўлишини тақозо этади.

— **Сиёсий онгнинг манфаатларни мувозанатга келтириш функцияси.** Сиёсий онгдаги бу функциянинг моҳияти шундаки, жамиятда мавжуд бўлган фуқаролар, ижтимоий гурӯҳлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларини ўзаро мувозанатга келтиришда сиёсий онг катта роль ўйнайди. Агар сиёсий онг жамият тараққиёти даражаларига мос равишда ривожланган бўлса, сиёсий кучлар манфаатларини ўзаро мувозанатга келтириш имконияти ҳам кучаяди. Унинг акси бўлса, манфаатлар тўқнашуви содир бўлади ва жамиятда сиёсий бекарорлик билан бир қаторда ижтимоий-иқтисоди-

лий бекарорлик ҳам юзага келади. Муаммо, сиёсий онгдати омилнинг ёвузликни бартараф этишга қай даражада йўналтилигига боғлиқдир. Ана шу жараёнда эзгуликнинг устун даражада ривожланганлиги сиёсий онг манфаатларни ўзаро мувозанатга келтириш омилига айлантиради. Сиёсий онг тараққиётининг юксаклик даражаси ҳам ана шу билан белгиланади.

— **Сиёсий онгнинг демократик қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш функцияси.** Демократик қадриятлар ўзи чига фуқароларнинг ҳақ-хуқуклари, эркинлигининг таъминланганлиги, фикрлар хилма-хиллигининг амал қилинши, кўп партиявийлик, сайловларда муқобилликнинг мавжудлиги, ҳалқнинг давлат ҳокимияти устидан назорат қилиш механизмининг ишлаши ва бошқаларни ташкил қиласи. Сиёсий онг уларнинг шаклланиши ва ривожланишидаги асосий омиллардан бирини ташкил этади. Айни пайтда демократик қадриятлар ҳам сиёсий онг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Улар ўртасида ана шу ўзаро муносабатлар мувозанатда бўлса, сиёсий жараёнлар ҳам барқарор ривожланади. Бу жараёндаги асосий муаммо — сиёсий онгнинг ривожланиши демократик қадриятларни «кенг ёйиш» байробги остида жамиятда сиёсий бекарорликнинг юзага келтириш омилига айланмаслигининг амал қилинши билан боғлиқдир. Худди мана шу ҳолатнинг юзага кетишининг олдини олиш, бир томондан, давлат ҳокимияти фаолияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, фуқаролар, ижтимоий табақалар ва сиёсий кучларнинг сиёсий огоҳлик ва сиёсий масъулиятни ҳис эта билиш салоҳиятига боғлиқдир. Уларнинг реал амал қилиши сиёсий онгнинг демократик қадриятларни барқарор ривожлантириш омилига айланнишига олиб келади.

— **Сиёсий онгнинг йўналтирувчанлик функцияси.** Онгнинг бошқа шаклларида бўлгани каби сиёсий онгда ҳам фуқароларни маълум мақсадларга йўналтирувчанлик функцияси мавжуд. Унинг бу функцияси: а) фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолиятини билиш ва унда иштирок этишга мойилликни шакллантириш; б) фуқароларнинг амалдаги сиёсатга нисбатан ўзларининг мустақил позицияларини шакллантириш, кабиларда ўз ифодасини топади. Бу функ-

циянинг амалий аҳамияти шундаки, **бир томондан**, давлат ҳокимиятининг ўз сиёсий фаолияти устидан ўз назоратини олиб боришига, унинг фуқаролар билан ҳамкорлик қилишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Чунки, фуқаролар сиёсий онгининг ривожланиши нафақат уларнинг ўзлари учун, шу билан бирга давлат ҳокимиятининг доим ўз фуқаролари назоратида эканлигини англаб етишга ҳам ёрдам берса, **иккинчи томондан**, давлат ҳокимиятини сиёсий бошқарувда бир томонлама кетиб қолишидан огоҳ бўлишга, турли вариантларни ишлаб чиқиша, уларнинг энг самаралиларини амалиётга татбиқ этишга фаоллигини оширади. Яъни, сиёсий онгининг йўналтирувчан функцияси давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлайди ҳамда сиёсий бошқарувнинг самарали ишлашига ижобий таъсир ўтказади.

Сиёсий онгининг юқорида келтирилган функциялари ижобий характерга эгадир. Шунинг билан бирга сиёсий онг ҳар доим ҳам ижобий характерга эга бўлавермайди. Қачонки, сиёсий онгининг барқарор ривожланишини тартибга солиб турувчи сиёсий маданият унинг даражаларидан орқада қоладиган бўлса, у сиёсий жараёнларни бекарорликка йўналтирувчи омилга айланади. Унинг бу функцияси тор доирадаги ёвуз кучлар ва оқимлар манфаатларига хизмат қиласди. Шу маънода ҳам сиёсий онгининг ривожланишини мамлакат ва унинг фуқароларининг манфаатларига йўналтириши сиёсий жараёнлардаги негиз вазифа хисобланади. Унинг давлат фаолияти, бошқа сиёсий институтлар ва ташкилотлар фаолиятларида амал қилиши барқарор тараққиёт кафолати ҳисобланади.

Сиёсий онг билан сиёсий маданият ўртасидаги нисбий мустақиллик уларнинг функцияларида ҳам ўз ифодасини топади. Хусусан, сиёсий маданият ўзига хос қўйидаги функцияларни бажаради:

— **Сиёсий онгни тартибга солиш функцияси.** Сиёсий онгининг жамиятда мавжуд турли манфаатларни мувозанатда бўлишида унинг сиёсий маданият уйғунликда ривожланишини ҳам билдиради. Агар улар ўртасидаги муносабатда узилиш юзага келса, энг аввало, сиёсий маданиятнинг саёзлиги билан боғлиқ бўлади. Иккинчи жиҳатдан, бу — сиёсий

онгнинг ҳам бетартиблик ҳолатини билдиради. Бу — ўз-ўидан сиёсий бекарорлик учун замин ҳам яратади. Бунинг солир бўлмаслиги сиёсий маданиятнинг сиёсий онгга муво-фиқ ривожланишига боғлиқ бўлади.

— **Сиёсий маданиятнинг миллий ўзига хосликни акс эттириш функцияси.** Сиёсий маданиятнинг умумсиёсий жиҳатлари билан бир вақтда ҳар миллатнинг ўзига хос урф-одат, ашъана, қадрият ва менталитетлари билан bogлиқ жиҳатлари ҳам мавжуд. Уларнинг турли ҳалқларда, миллатларда амал қилиши, бальзи ҳолатларда айрим «сиёсатчилар» томонидан у ҳалқда демократик қадриятлар «ривожланган», бунисида «ривожланмаган», — деган гайриилмий фикрларни илгари суришлари учун асос ҳисобланади. Энг хатарлиси шундаки, ҳулди ана шу гайриилмийояни дастак қилиб, фаразли мақсадларни кўзлаган кучлар айрим мамлакатларга уни олиб киришга ҳаракат қиласидилар. Улар бу ҳолатда «демократия тақчиллиги» бор деб ҳисоблайдилар ва бундай мамлакатларга зудлик билан ҳарбий кучларни олиб киришга эришалилар. Аслида бунинг замонида «демократиянинг тақчиллиги» эмас, балки ёвуз кучларнинг фаразли ниятларини амалга ошириш йўлидаги ҳаракатлари, ундан фойдаланган ҳолда мамлакатларни ўз измига солиш, уларнинг устидан ҳукмронликка эга бўлиб, бойликларга эга бўлиш ётади.

Сиёсий маданиятда миллий ўзига хосликнинг намоён бўлиши, деганда унда миллат, ҳалқнинг асрлар давомида иждодлари томонидан миллий давлатчиликни шакллантиришдаги тажрибалари ҳам ўз ифодасини топади. Бу — амалиётда фуқароларнинг, ижтимоий табақалар ва сиёсий кучларнинг қонунларга итоаткорлиги, сиёсий элитага нисбатан ҳурмат, сиёсий мунозарали масалаларни босиқлиқ, вазминлик, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга мойилликнинг кучлилиги ёки уларнинг тақчиллиги кабиларда ўз ифодасини топади. Шу маънода ҳам демократик қадриятларни у «тақчил» бўлган ҳудудларга кўчириш назарий жиҳатдан фойрилмий, амалий жиҳатдан хатарли ҳисобланади.

Аслида, демократик қадриятлар кўчирилмайди, балки шакллантирилади. Унда сиёсий ҳокимият ва фуқароларнинг бу қириятга нисбатан мойиллиги муҳим аҳамиятга эга бўла-

ди. Яъни ҳар икки томон уни шакллантиришда фаол иштирок қилиши талаб этилади. Давлат ҳокимияти, демократик қадриятларни шакллантириш билан боғлиқ шарт-шароитни яратса-ю, фуқаролар, уни қабул қилишларига салоҳиятлари етмаса ва уни амалиётта айлантиришда фаоллик кўрсатмасалар демократик қадриятлар ҳам шаклланмайди. Аксинча, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошиб кетиб, демократик қадриятларни шакллантириш кучайиб кетса-ю, давлат ҳокимияти унга мойиллик билдиримаса ёки бевосита иштирок қилмаса ҳам демократик қадриятлар шаклланмайди.

Худди ана шу жараёнларда миллий давлатчиликни шакллантириш ва халқнинг ўзига хослиги ўз ифодасини топади. Бу сиёсий маданиятнинг ривожланишидаги ўзига хосликнинг намоён бўлишидаги энг мураккаб жиҳатларидан бири ҳисобланади.

— **Сиёсий маданиятнинг шахслар, фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучлар манфаатларини мувозанатга келтириш функцияси.** Юқорида бу функцияниңг сиёсий онгга таалуқли эканлиги ҳақидаги фикрни ҳам илгари сурган эдик. Унинг сиёсий онгдаги функцияси амалда сиёсий жараёнларнинг авж олиши шароитида кечади. Агар сиёсий онг юқори даражада ривожланган бўлса, сиёсий беқарорликнинг жамиятда мавжуд барча инсонлар, фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучлар учун хатарли эканлиги англаб этилади ва унга вазминлик билан муносабатда бўлиш вазияти юзага келади. Аммо, юзага келган сиёсий беқарорлик фақат сиёсий онгнинг юксак даражада бўлиши билан ҳал этиб бўлмайди, бунинг учун албатта сиёсий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳам талаб этилади. Чунки, сиёсий маданиятда сиёсий беқарорликни бартараф этишга мойиллик, унинг юзага келтирадиган табиати, руҳий-ахлоқий ва маънавий салоҳияти ҳам ўзаро мужассамлашган бўлади. Яъни, сиёсий маданият сиёсий онгга нисбатан умумманфаатларга устувор хизмат қилиши уларнинг ўзига хос жиҳатларини белгилайди.

Келтирилган бу омиллардан кўриниб турибдики, сиёсий маданият сиёсий тизимда барқарор ривожланишига ҳам ижобий таъсир ўтказади. Хуллас, сиёсий маданият амалда

шахслар, фуқаролар, ижтимоий гурӯҳлар ва сиёсий кучларнинг, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий манфаатларнинг мувозанатда бўлишида сиёсий онгга нисбатан етакчи ўринга эга бўлади.

— Сиёсий маданиятнинг сиёсий кучлар сиёсий маданияти ва сиёсий мақсадлари даражаларини аниқлаш функцияси ҳам мавжуд. Бу функцияниг маъноси шундаки, сиёсий кучларнинг асосий мақсади давлат ҳокимиятини қўлга киритиш ҳисобланади. Аммо, уни қандай йўл билан қўлга киритиш сиёсий маданиятнинг даражаларига бориб тақалади. Агар сиёсий кучлар давлат ҳокимиятини қўлга киритишида дунёда амал қиласидиган демократик қадриятларга таянса, бу — уларнинг сиёсий маданиятнинг барқарор ривожланганлигининг қўрсаткичи, аксинча, улар ўз атрофига сиёсий ҳаётдан йироқ бўлган кучларни бирлаштириб, жамият ҳаётидан сиёсий бекарорликни вужудга келтирадиган бўлса, бу — сиёсий маданиятнинг тараққий қилмаганлигининг ёки инқизорзининг белгиси ҳисобланади.

Бу функция амалда бугун кўпгина мамлакатлардаги сиёсий жараёнларнинг авж олаётганлиги шароитида жуда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки, авж олаётган сиёсий бекарорликда сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатларидаги яқдилликнинг йўқлиги ёки сиёсий ҳокимиятнинг юзага келаётган сиёсий можароларини олдиндан башорат қилишга салоҳияти етмаганлиги, сиёсий маданиятнинг ривожланиш даражасини аниқлаш ва сиёсий мақсадлар ҳақида аниқ билим ҳамда тасаввурни шакллантириш имконини бермаганининг гувоҳи бўлиб турибиз.

— Сиёсий маданиятнинг мамлакат хавфсизлигига нисбатан юзага келадиган таҳдидларга қарши фуқароларда сиёсий иммунитетни шакллантириш функцияси ҳам мавжуд. Сиёсий иммунитет деганимизда, фуқаролар онги ва дунёқарашида ташқаридан кириб келадиган ва мамлакат ичкарисида шаклланиши мумкин бўлган тури таъсиси ёгувишни сиёсий оқимлар ҳамда уларнинг ғояларига нисбатан қарши турадиган сиёсий — руҳий салоҳиятни назарда тутамиз.

«Сиёсий иммунитет» тушунчасига сиёсий фалсафий жиҳатдан фанда таъриф берилмаган ва таҳдил қилинмаган. Аммо, унга ўрганиш, шакллантиришнинг имкониятларини

излаб топишга бўлган эҳтиёж нафақат у ёки бу мамлакат, балки дунёдаги барча мамлакатлардаги сиёсий ҳаётнинг барқарор ривожланишининг муҳим омили сифатида нафақат назарий, шунингдек, амалий аҳамияти ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда. Ана шу жиҳатдан, сиёсий маданиятнинг уни ривожлантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор билан қараш зарурияти келиб чиқмоқда. Айниқса, ёшлар онгидаги сиёсий иммунитетни шакллантиришга тобора эҳтиёж ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар ҳақида кейинги бобда фикр юритамиз.

Яна сиёсий иммунитетнинг мамлакатлар хавфсизлигини таъминлашдаги ўрнига қайтиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги дунё сиёсий «ўйинлар» ва сиёсий оқимлар билан тўлиб-тошди, боз устига уларни ер юзида оммалаштиришнинг имкониятлари мавжуд эҳтиёжлар даражасидан ҳам ошиб кетди. Энг хатарлиси шуки, уларнинг барчаси ёшлар онги ҳамда қалбини эгаллаш, у орқали эса дунёда ўзларининг сиёсий ҳукмронлигини ўрнатиш учун кураш авж олаётганлигидир. Булар мамлакатларнинг хавфсизлигига, ҳатто уларнинг суверенитетига нисбатан таҳдилларнинг кучайиб боришига олиб келмоқда.

Ана шундай шароитда, фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш ва мамлакат хавфсизлигига бўлган эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Бу жараёнда моддий қурол (ҳарбий қуроллар) эмас, балки кўзга кўринмас маънавий-руҳий (гоя, мафкура) қуролдан фойдаланаётганлиги боис ҳам мамлакат аҳолиси, айниқса, унинг ёшлар ижтимоий гуруҳи онги ва қалбида сиёсий иммунитетни шакллантиришда сиёсий маданиятнинг амалий аҳамияти ҳамда самараси катта бўлади.

— **Сиёсий маданиятнинг миллий ва умуминсоний манфаатларини уйғунлаштириш функцияси.** Ҳар бир ҳалқ ва миллатнинг ўзига хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада манфаатлари мавжуд. Аммо, уларнинг барқарор бўлиши нафақат мамлакатларнинг ўзларида, шунингдек, дунёда кечадиган жараёнларга ҳам боғлиқдир.

Айниқса, бугун XXI аср дунё мамлакатларини бир-бирiga шундай боғлаб қўйдики, уларнинг ўзаро айри ҳолда ҳаёт кечириши мумкин бўлмай қолди. Бу ҳолатнинг энг

хатарли жиҳати шундаки, гарчанд дунёning икки қутблитиги тугаши билан совуқ уруш сиёсати назарияда тугаган бўлса ҳам, амалда у глобаллашувнинг авж олиши жараёнида янги мафкуралар воситасида тараққий топган мамлакатларниң ўзга мамлакатларни ўз измига солишга қаратилган сиёсатлари шаклида давом этмоқда. Бу уруш ўзининг мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларга нисбатан юзага келтираётган таҳди, икки қутбли дунёда амал қилган совуқ урушдан ҳам кучлироқdir. Чунки, у реал қурол билан дунёга таҳдид солган бўлса, ҳозир кетаётган уруш инсонларниң онги, қалби, дунёқараши ва тафаккурини эгаллашта қаратилган. Агар улар ўзга ёвуз ниятли кучлар томонидан эгалланадиган бўлса, дунёдаги турли-туманликдан иборат гўзаллик барбод бўлиб, бир қутбли дунё пайдо бўлади. Бу — инсоният учун тузатиб бўлмайдиган фожиага олиб келади.

Шу билан бирга дунёда қуролланиш пойгаси ҳамон давом этмоқда. Ҳарбий мутахассисларниң ҳисоб-китобларига кўра, бугун дунёда тўпланган портловчи қуроллар оғирлик кучи жиҳатдан ер юзида яшаётган етти миллиарддан ортиқ инсонларниң ҳар бирига бир тоннадан тўғри келишига қарамасдан, уларни такомиллаштириш, улардан ҳам кучлиларни ишлаб чиқиш давом эттирилмоқда. Гарчанд, реал ҳаётда уларни қўллашнинг имконияти чекланган бўлса ҳам, инсонларниң руҳиятига, уларниң бехавотир яашаларига таҳди ишлаб чиқиш давом эттирилмоқда. Гарчанд, реал ҳаётда қўллашнинг имконияти чекланган деганимизнинг маъноси шуки, уни ким қўлладиган бўлса, унинг ўзи ҳам омон қолмаслиги бугун ҳеч кимга янгилик эмаслиги аён бўлмоқда.

Хуллас, бугун инсоният ана шундай мураккаб, бир валиядда яшаётган даврда, уларниң умумманфаатлари бўлган дунёда кўп қутбли сиёсатнинг амалда сақланиб қолиши ва уларда сиёсий огоҳлик руҳиятини мустаҳкамлашда сиёсий маданиятни ривожлантириш ҳамда унинг имкониятларидан фойдаланишга эҳтиёж тобора ошиб бормоқда.

— Сиёсий маданиятнинг давлатлараро ва минтақалараро сиёсий муносабатлар ҳамда ҳамкорликларниң ривожланиши ва такомиллашувдаги функцияси ҳам мавжуд. Бу

функцияниң амалий аҳамияти қуидагиларда үз ифодаси-
ни топади.

Собиқ шуро ҳукмронлиги барбод бұлганидан кейин унинг қарамоғида бұлған собиқ иттифоқдош республика-
лар үз мустақиллигини құлға киритиб, уларнинг манфаат-
ларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил сиёсат олиб боришга
киришдилар. Аммо, бу — азалдан бир-бирига тили, урф-
одат, анъана ва қадриятлари яқын бұлған халқарнинг баъзи
давлатлар лидерларининг амбициялари, сиёсий ҳис-ҳая-
жонларга берилиши ва үзларининг сиёсий «мен»лигини
намойиш этишга қаратилған сиёсатни олиб боришга мұл-
жалланған фаолиятлари оқибатида үзаро узоклашиб бори-
шига ҳам үз таъсирини үтказмоқда.

Худди ана жараённинг авж олишининг олдини олишда давлатлараро ва минтақалараро сиёсий ҳамкорликни ривож-
лантириш, биргаликда минтақа мамлакатлари ва улarda яша-
ётган халқарга катта хавф солаётган экстремизм, терроризм,
ёвуз диний оқимлар, наркотик моддаларнинг тарқалиши-
нинг олдини олиш, одам савдосига қарши кураш, турли
қуролларнинг ёвуз күчлар құлиға үтиб кетишига йүл қўймас-
лик каби умумманфаатлардан иборат бұлған муаммоларни
ҳал этишда ҳамкорликни мустақамлашда фуқаролараро,
миллатлараро, халқлараро ва давлатлараро нафақат иқтисо-
дий ҳамкорликни, шу билан биргә сиёсий маданиятни ри-
вожлантириш ва унинг имкониятлардан фойдаланишга бұлған
эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Сиёсий маданиятнинг бу жа-
раёндаги үрни шундаки, унинг ривожланиши ва давр тарақ-
қиётига мувофиқ такомиллашуви, сиёсий амбицияларнинг
авж олинишига, давлатлар, минтақаларнинг манфаатларини
ҳар қандай сиёсий «мен»ликни намойиш этишдан устун
қўйишга, фуқаролараро ва давлатлараро сиёсий вазминлик,
үзаро манфаатларни ҳисобга олиш муҳитининг ривожлани-
шига ўзининг ижобий таъсирини үтказади.

Жаҳон мамлакатларининг үзаро муносабатлари ва дав-
латлар лидерларининг үзаро муносабатларидаги кескин зид-
диятларнинг юзага келишида бошқа омиллар билан бир вақт-
да сиёсий маданиятнинг тараққий қилиш даврида кетаётган
үзгаришлар эҳтиёжларидан орқада қолаётганлығи билан боғ-
лиқлиги юқорида илгари сурилған фикрларимизда үз ифо-

ласини топган. Булардан келиб чиқадиган хulosаса шуки, сиёсий маданият нафақат айрим олинган мамлакатлар ва уларда яшाइтган халқларнинг сиёсий барқарорликда ҳёт кечиришининг, шу билан бирга давлатлараро ва минтақалараро умумманфаатларга хизмат қилувчи сиёсий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишида муҳим омил вазифасини ҳам баҳарди.

Шундай қилиб, сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ҳар бирининг ўзига хос функциялари мавжуд бўлиб, уларнинг ривожланиши, тобора такомиллашуви фуқаролар, миллатлар, халқлар ва давлатлардаги сиёсий барқарорликни таъминлашга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Уларнинг ёнилар онгида ривожлантиришга алоҳида эътибор берилишини эса бутун дунёда кетаётган ўзгаришларнинг ўзи тақою қилмоқда.

Энди сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг глобаллашувнинг авж олиши шароитида ривожлантиришга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бораётганлиги масаласига қайтиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у дунёning тобора сиёсийлашиб боришига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Бунинг маъноси шуки, инсонларнинг сиёсий жараёнларга оммавий равишда жалб қилиш, уларни шу йўл билан ҳёт кечириши учун зарур бўлган ижтимоий ва иқтисодий муаммолардан чалғитиш ва сиёсий бекарорликни вужудга келтириш глобаллашувнинг авж олиши натижасида янги погонага кўтарилиди. Глобаллашув тараққий топган мамлакатларнинг нафақат дунё иқтисодиёти устидан ўз назоратини ўрнатишлари учун имконият, шу билан бирга уларга ўзларининг сиёсий ҳукмронлигига эришишлари учун ҳам шарт-шароит яратиб бериш омилига айланиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг сиёсий онги ва маданиятини тобора ривожлантириб бориш вазифасини долзарбзангтиради.

III боб. МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ

Сиёсий маданият тизими

Тизим маълум алоқалар туфайли бирлашган элементлар ийғиндисини ифода этувчи тушунча ҳисобланади. Тизим жамият ҳаётида энг кўп қўлланиладиган тушунчалардан бирини ташкил қиласди. У жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаёти таҳлилида қўлланилиб келмоқда. Тизимнинг ҳар бири маълум элементлардан иборат бўлиб, ўзига хос функцияларни бажаради ва ягона яхлитликда у ёки бу обьектни ўзида ифода этади. Жумладан, агар жамиятнинг иқтисодий тизими, иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган барча элементларнинг яхлитлигини ифода этса, сиёсий тизим жамиятнинг мақсад, вазифаларини аниқлаш, жамият сиёсий тизимидағи элементларини бирлаштириш ва мавжуд имкониятларни амалга оширишга сафарбар қилувчи механизм ҳисобланади. Демак, жамиятнинг сиёсий тизими сиёсий ҳокимиятни шакллантирувчи ва амалга оширувчи воситалари бўлган давлат ва давлат ҳокимияти, элементлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари мажмуидир. Бу тушунчани бошқа соҳаларда ҳам шу тариқа татбиқ қилиш мумкин.

Энди сиёсий маданият тизими тушунчасига қайтиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, энг аввало, давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг сиёсий жараёнларга муносабатларини маърифийлаштиришга хизмат қилувчи элементлар мажмууни ўзида ифода эттирувчи яхлитликни тушуниш мумкин. Яъни, давлат ҳокимияти маълум элементлардан ташкил топган, уларнинг ҳар бири ўзига хос функцияни бажаради. Худди шунингдек, фуқароларнинг сиёсий жараёнларга му-

иносабатлари ҳам турли сиёсий институтлар орқали фаолият олиб боради. Уларнинг ҳар бири нисбий мустақил ва айни пайтда ягона яхлит бир бутунликни ҳам ўзида ифода этитиради. Шундай қилиб, сиёсий маданият тизими давлат ҳокимияти ва фуқаролар сиёсий муносабатларида амал қиладиган элементлар яхлитлигидир.

Сиёсий маданият тизими сиёсий онг, сиёсий тафаккур, сиёсий мафкура, сиёсий ахлоқ, сиёсий тарихий тажриба, сиёсий иммунитет, сиёсий қадриятлар кабиларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири сиёсий маданиятнинг мустақил элементи сифатида ўзига хос тарзда шаклланади ва тегишли функцияларни бажарган ҳолда ягона бирлик мажмуасини ташкил қиласди.

Сиёсий онг тўғрисида юқорида батафсил тўхтаганлигимизни ҳисобга олиб уларни такрорламаслик мақсадида, бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, у тизимдаги энг асосий элементлардан бирини ташкил қилган ҳолда, бошқа элементлар шаклланиши учун ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки сиёсий онг шаклланмасдан туриб, тизимни ташкил этувчи бошқа элементлар ҳам шаклланмайди.

Сиёсий тафаккур — давлат ҳокимияти, унинг фаолият, мақсад ва манфаатлари, ўзаро ички муносабатларининг боғланишлари ҳақидаги реал билимларни ифода этирувчи тушунча. Сиёсий тафаккур инсонларнинг давлат ҳокимияти ҳақидаги билимлари ва уларнинг реал кўринишларида нағоён бўлади. У сиёсий онгнинг шакли бўлиб сиёсий назариялар ва қарашларни ўзида акс этирувчи билимлардан иборат бўлган тушунчадир.

Сиёсий мафкура — ҳокимиятининг сиёсий ҳаёти, сиёсий гизими, турли сиёсий ва ижтимоий гурӯҳларнинг ўрни, роли тўғрисидаги ғоялар, қарашлар ҳамда уларнинг сиёсий ҳокимиятта интилишдаги мақсадлар фаолиятининг ифодаси. Сиёсий мафкура фақат сиёсий ғоялар ва қарашлар билан чекланмайди, улар билан бир қаторда сиёсий мақсадларни амалга оширишда муҳим восита (механизм) ва фаолият шакли ҳамдир.

Сиёсий ахлоқ — сиёсий дунёқараш, сиёсий қадриятлар, фуқароларнинг хулқ-атвори ва уларнинг сиёсий институтлар билан бўладиган муносабатларининг мажмуи ҳисобла-

нади. Сиёсий ахлоқ давлат ҳокимиятида тенглик ва ижтимоий адолат кабиларни қарор топтиришда муҳим омил хисобланади. Сиёсий ахлоқнинг жамият ва фуқаролар манфаатига хизмат қилишга йўналтириганлиги барқарор тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий хулқ-атвор — сиёсий жараёнларда иштирок қилувчи субъектларнинг маънавий-ахлоқий даражаларининг ҳолатини ифода этувчи тушунча. Унинг асосий қўрсаткичи субъектларнинг сиёсий жараёнларда ўзларини қандай тутиши ва нимага устуворлик билан муносабатда булишида ўз ифодасини топади. Агар сиёсий жараёнларда қатнашмаётган субъектлар жараёнларнинг ижобий томонга ривожланишига ҳар қандай зиддиятли масалаларни вазминлик ва босиқлик билан ҳал этилишига мойил бўлсалар, бу уларнинг сиёсий хулқ-атворларида маънавий-ахлоқий салоҳиятнинг барқарор ривожланаётганлигини қўрсатади. Бу, ўз навбатида, мамлакат тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Агар унинг акси бўлса, сиёсий жараёнларда қатнашаётган субъектларнинг, бир томондан, маънан қашшоқлигини қўрсатса, иккинчи томондан, уларнинг ўз манфаатларини мамлакат ва умумхалқ манфаатларидан устун қўйишга мойил бўлган хулқ-атворга эга эканлигини ҳам билдиради.

Сиёсий кайфият — сиёсий жараёнларда қатнашаётган субъектларнинг уларни қай даражада англаб этиши, тасаввур этиши ва уларга нисбатан қарашларидаги руҳий ҳолатини ифода этувчи тушунча. Сиёсий кайфият сиёсий жараёнларнинг қайси томонга ўзгаришига қараб ўзгариб туради. Унда эзгуликка йўғрилган туйгуларнинг мустаҳкам булиши сиёсий барқарорликнинг таъминланиши учун амалий аҳамиятга эга бўлади. Сиёсий кайфият сиёсий жараёнлар таъсирида эмас, балки унда кечадиган муносабатлар, иштирок этаётган қучлар ва уларнинг мақсадлари ҳамда йўналишига мувофиқ ўзгариб туради. Ундаги барқарорлик сиёсий жараёнларнинг барқарор ривожланишига боғлиқ бўлади. Айни пайтда, у сиёсий жараёнларнинг ижобий ёки салбий томонга ривожланиб кетишига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Сиёсий тарихий тажриба деганимизда давлат ҳокимиятини шакллантириш, уни бошқариш ва барқарор ишлашини таъминлаш, фуқаролар билан ўртасидаги муносабатларда

Биркүрор мувозанатга эришиш борасидаги йиллар давомидаги тұпланған фаолият натижасини назарда тутамиз.

Сиёсий иммунитет деганимизда фуқаролар онги ва дунё-қишашида ташқаридан кириб келадиган ва мамлакат ичка-рисида юзага келиши мүмкін бұлған, унинг хавфсизлигі-та таҳдид солувчи сиёсий күчлар, ёвуз ва бузгунчы сиёсий әкимларға ҳамда уларнинг ғояларига қарши тұра оладиган сиёсий-рухий салоҳиятни тушуниш мүмкін. Бу тушунча қақида иккінчи бобда фикр юритган әдік, гап бу ерда унинг сиёсий маданият тизимиңдаги мұхым элементларидан бири қақида кетмоқда.

Сиёсий қадриятлар давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги фаолиятлари давомида тұпланған ютуқлари ва уларнинг ана шу институттарининг бугунги, әртандырылған күни ҳамда истиқболи учун аҳамиятли бұлған ва уларға хизмат қиладиган сиёсий тажриба бойликлар йиғин-лисисидир. Сиёсий қадриятлар сиёсий фаолият билан боғлиқ қолда юзага келади ва уни такомиллашувида фойдаланилади. У сиёсий тарихий тажрибага яқын. Аммо, улар үртасыда фарқтар ҳам мавжуд. Жумладан, сиёсий тарихий тажриба давлат ҳокимияти тараққиётининг маълум босқичи учун аҳамиятли булиб, унинг кейинги босқичига жавоб берилмай қолиши мүмкін. Чunksы, ҳар бир тарихий босқич янги ёндашувларни ва тажрибанинг үзини ҳам доим такомиллаштириб боришни тақозо этади. Қадрият эса, ҳар доим аҳамиятли ва барча тараққиёт босқичларига хизмат қилиб боради.

Айни пайтда, барча давлатлар ҳокимиятлари учун андо-я булиши мүмкін бұлған тажрибани биронта давлат үз фаолиятида құллай олмайды. Шу маънода тажрибага маълум маънода әхтиёткорлик билан ёндашилади. Қадриятлар уму-мий характерға эга булиб, уни барча давлатлар үз тараққиёт босқичларыда құллашлари мүмкін. Сиёсий тажриба ва қал-риятлар үзаро боғлиқдир. Қадрият узоқ тарихий тараққиёт босқичидаги тажрибанинг барча учун аҳамиятли бұлған жи-ятлары ҳисобига юзага келади. Шу маънода ҳам улар үрта-сидаги ана шу боғлиқликни назарда туғиши лозим булади.

Шундай қилиб, сиёсий маданият тизими үзиге давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг сиёсий фаолияти билан боғ-тиқ бұлған юқоридаги элементларни бирлаштырган қолла,

мукаммал қўринишда намоён бўлади. Сиёсий маданиятнинг ана шу элементлари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади ва такомиллашиб боради. Улардан қайси бир элементи тўлақонли ишламаса, сиёсий маданият ҳам тўлақонли ривожлана олмайди. Шу билан бирга, бу ҳолат жамият ҳаётида сиёсий бекарорликнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ёшлар сиёсий маданияти тушунчаси ва намоён бўлиш хусусияти

Сиёсий маданият жамият аъзоларининг барчаларида бир даражада ривожланмайди. Бу жиҳатдан қарагандা жамият аъзоларининг сиёсатга қизиқиши,

сиёсий жараёнларда қатнашишга лаёқатлиги ёки аксинча, уларга безътиборлиги қабиларни назарда тутиш лозим бўлади. Бу нафақат ёшлар ижтимоий гурӯҳлари, балки жамиятнинг барча табақаларига хос бўлган хусусият дейиш мумкин. Сиёсий маданият тизимида, унинг такомиллашувида, сифат жиҳатидан янги босқичга кутарилишида ёшларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки, ҳар янги авлод давлат ҳокимиятининг меросхўрлари сифатида унинг истиқболи учун масъулдирлар.

Ёшларнинг сиёсатга қизиқиши ва сиёсий жараёнларда иштирок этишга мойил бўлган қисми жамият ҳаётида маълум мавқега эга бўлади. Чунки, улар қуйидагилар билан боғлиқ: 1) ҳокимиятда ўзига хос мавқега эга бўлиш; 2) ҳокимият ҳаётида ўз иштироки билан ўзининг сиёсий манфаатларини, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондириш; 3) ҳар бирининг ўз сиёсий «мен»лигига эришиш мақсади; 4) Давлат ҳокимияти ва жамият ҳаётида сиёсий барқарорликнинг таъминланишига ўз ҳиссасини кўшиш; 5) ўзининг ҳақ-хукуқларининг тўла таъминланишига эришиш; 6) мамлакат тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигига хизмат қиласиган қонунларнинг қабул қилинишида ва уларнинг реал амалиётга татбиқ қилинишида иштирок этиш; 7) барча ёшларнинг манфаатларининг мамлакатда олиб бориладиган ички ва ташқи сиёсатда ўз ифодасини топишига эришиш; 8) ёшларнинг жамиятда бошқа ижтимоий табақалари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мамлакат тараққиёти, ҳалқ фаровонлиги йўлида ягона куч сифатида ҳаракат қилиш; 9) мамлакатнинг ҳалқаро

миңседа сиёсий нуфузини оширишда ва унинг интеллекту-
ли қулратини мустаҳкамлашда барча ижтимоий гуруҳлар би-
ни генг иштирок қилиш кабилардир.

Келтирилганлардан маълум бўладики, ёшларнинг сиёсатга
қизиқиши ва сиёсий жараёнларда иштирок этишга мойил-
лини мамлакат тараққиёти, жамиятдаги яқдиллик ва умум-
милқ фаровонлиги учун амалий аҳамиятга моликдир. Унинг
мамлакат сиёсий ҳаёти тараққиётидан орқада қолиши, бир
томондан, унинг сиёсий бекарорлиги учун хавф-хатар бўлса,
иккинчи томондан, ёвуз кучлар ва оқимларнинг ёшларни ўз
измига солишлари учун ҳам имкониятни вужудга келтиради.
Шунинг учун ҳам ёшлар сиёсий маданиятини ривожланти-
риш ва уни изчиллик билан такомиллаштириб боришга ҳар
лоим ҳам эҳтиёж ошиб бораверади.

Энди «ёшлар сиёсий маданияти» тушунчасининг маъно-
мазмунига қайтиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, улар-
нинг маданияти ҳам: а) умуммаданиятнинг таркибий қисм-
заридан бирини ташкил қиласи; б) жамият ҳаётида амал
қилаётган сиёсий маданият тизимида уйғун ҳолда намоён
булади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ёшлар сиёсий мада-
ниятига қуидагича таъриф бериш мумкин:

**Ёшлар сиёсий маданияти деганда, уларнинг сиёсий ҳоки-
мият, сиёсий ҳаёт, сиёсий жараёнларга бўлган муносабатла-
ри, уларни идрок этишдаги сиёсий қарашлар, қўнималар,
сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолиятларида амал қиласиган
маданият шаклини тушуниш мумкин.** Бу таърифдаги асосий
тоя ёшларнинг сиёсий маданиятини белгилаб берадиган,
уларнинг сиёсий ҳокимиятга муносабати, сиёсий жараён-
лар ривожига қарашлари, уни идрок қилишлари ва ўз сиё-
сий фаолиятларида ижобий жиҳатдан ривожланишига ҳисса
қўшишдаги иштирокини, улар сиёсий маданиятларининг
муҳим кўрсаткичи эканлигини алоҳида таъкидлашдир.

Ёшлар жамият ҳаётида етакчи ўринга эга бўлган ижти-
моий гуруҳ ҳисобланади. Чунки, улар: а) мамлакатдаги меҳ-
нат ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади; б) аж-
одларни авлодлар билан боғлаб турадилар; в) жамият ва
мамлакат ҳаётидаги бунёдкорлик, тараққиёт, сиёсий ва иж-
тимоий барқарорликнинг қайси даражада бўлиши кабилар
билан боғлиқдир. Шу билан бирга уларнинг ҳаётий тажрибага

эга бўлмаганлиги, бир қисмининг дунёқараси, реал жа-раённи объектив англаб етилмаслиги кабилар ҳам жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишига нисбатан хавф-хатар эканлигини ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Улар озми-кўпми ундан қатъи назар, жамият учун хавфли эканлиги-ни ҳам эътибордан қолдириб бўлмайди.

Ана шу келтирилганларга асосланиб айтиш мумкинки, ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш ва изчиллик билан такомиллаштириш давлат сиёсий фаолиятининг му-ҳим йўналишини ташкил қиласиди. Аммо, бу вазифани амал-га ошириш осон иш эмас. Чунки, уларнинг сиёсий онгининг тобора ўсиб бориши ва унинг маданият даражасига кўтари-лиши жуда мураккаб кечадиган жараён ҳисобланади. Жум-ладан, уларнинг: а) сиёсий ҳокимиётда ўз «мен»лигига эга бўлишга интилишлари; б) сиёсий жараёнларда фаол ишти-рок этишга интилишлари ва унга мойилликнинг кучлили-ги; в) ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маъ-навий-маърифий эҳтиёжларини қондириш мақсадларини олиб қўрайлик. Уларга объектив қараганда, бу — нафақат ёшлар, шу билан бирга мамлакат ва жамият манфаатларига тўла жавоб беради. Аммо, жамиятда турли ижтимоий таба-қалар, сиёсий кучларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳар би-рининг ўзига хос манфаатлари борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларни амалга оширишда ёшларнинг сиёсий куч сифатида ўз манфаатлари учун мустақил ҳаракат қилишла-рини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Бундай ҳолат бугун-ги кунда дунёning бекарорлик ҳолатидаги давлатларида ке-чаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳатто, ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилаётган турли сиёсий оқимлар ва кучлар ёшларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишга мойиллиги бўлмаган ёшларни ҳам турли ваъ-далар бериш, моддий ёрдам бериш, замонавий коммуника-циялар билан таъминлаш каби ўта маккорона услублардан фойдаланган ҳолда сиёсий жараёнларга жалб қилаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бундай ёвуз кучлар ана шу услублар билан мамлакатларда бекарорликни вужудга келтирмоқда, фуқаролар урушларини ташкил қилишга эришмоқда ва шу билан мамлакатларнинг моддий ресурсларига эгалик қилиш-га ҳаракат қилмоқдалар.

Хүш, ана шундай салбий ҳолатлар мавжуд экан, нима қилини керак? Ёшларни сиёсат ва сиёсий жараёнлардан улоқаштириш керакми? — деган савол пайдо булади. Айниқса, бугунги кунда ана шу салбий ҳолатнинг авж олаётганилиги, дунёning айрим мамлакатларида содир булаётган сиёсий инқизорзларнинг юзага келишида ёшлардан фойдаланишига бўлган ҳаракатларнинг кучаяётганлиги юқорида қўйилаётган саволларнинг тобора долзарблашаётганлигини билдиради.

Бу саволларга жавоб излаганда қўйидаги омиллар мавжудигини ҳам ҳисобга олишимиз лозим. Сиёсатшуносларнинг таъкидлашича, 11 ёшдан 13 ёшгacha бўлган болаларда сиёсий тафаккур пайдо бўлар экан, 16 ёшдан 18 ёшгacha эса у мўтадиллашиб ҳолатига келар экан¹. Боз устига бугун фан, техника ва технологиянинг юксак тараққиёти ҳамда уларнинг оммавийлашви ёшларнинг кучли сиёсий ахлоқий босим остида яшашларига ҳам сабаб булаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, Интернет, мобиль телефонларнинг юксак даражада ривожланаётганлиги, улар орқали ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ҳаракатларнинг кучаяётганлиги бугун нафақат уларнинг айрим қисмининг маънавий-ахлоқий жиҳатдан заифлашувига ўз таъсирини ўтказаётганлиги, шу билан бирга ана шу омиллар ёшларнинг сиёсий маданияти ривожланишига ҳам таъсир ўтказаётганлиги ўта хавфли жараён ҳисобланади. «Маълумотларда келтирилишича, бугунги кунга келиб, Интернет тармоғида маънавий-ахлоқий тубанликни тарғиб этувчи саҳифаларнинг сони бир неча юз миллионни ташкил этган. Биргина АҚШ давлати бир йилда 700 000 қўшиқ, 6000 та клипни суратга олиб тарқатмоқда. Суратга олинган қўшиқ ва клипларда, асосан, оммавий маданият ва ҳаёсиз қўринишдаги иллатлар тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Шунингдек, ушбу давлат 15 000 дан ортиқ фаҳш ва зинони намоён қилувчи Интернет сайtlарини яратиб қўйган.

¹ Қаранг. Шестомоль Е.Б. Личность и Политика. — М.: «Политика», 1988. — С. 124.

Бугун ривожланган давлатларнинг 44 фоиз аҳолиси бир хил жинсга мансуб шахсларнинг оила қуришини ёқламоқда, шунингдек, ресторон, кафе, барлар ҳамда тунги клубларда ҳордиқ чиқаришни афзал кўрмоқда.

Интернет тармоги билан боғлиқ огоҳ бўлишга чақирадиган яна бир маълумот шундан иборатки, ҳозирда глобал тизим таркибида бузгунчилик, қўпорувчилик мақсадини қўзлайдиган кучларнинг 7000 дан ортиқ веб-саҳифалари мавжуд.

Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича Интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айнан 21 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳисобланар экан¹. Агар дунё бўйича Интернетдан фойдаланаётган инсонларнинг сони бугунги кунга келиб 2,3 млрд.дан² зиёдни ташкил қиласаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг ёшлар ўртасида тобора оммалашиб, уларнинг онги ва қалбини ёвуз кучлар томонидан эгаллаш имкониятининг нақадар кенгаяётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Келтирилган маълумотларнинг кўпчилиги ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан қашшоқлашувига қаратилган, уларнинг сиёсий маданиятга нима алоқаси бор? — деган савол ҳам пайдо бўлиши мумкин. Уларнинг ёшларни сиёсий жараёнларга жалб этиш ва мамлакатларда сиёсий бекарорликни юзага келтиришда билвосита алоқаси борлигини таъкидламоқчимиз.

Умуман, фан, техника ва технология соҳасида эришилган ютуқлар — бу инсоният ақл-заковатининг меваси ҳисобланади ва барча инсонларга тенг манфаат келтириши лозим. Аммо, улардан манфаат кўраётганлар юксак тараққиётга эришган мамлакатлардир. Уларда фан, техника ва технологияни ривожлантириш учун зарур бўлган барча моддий имкониятлар мавжуд ва айни пайтда улардан самарали фойдалана билиш салоҳияти ҳамда услублари ҳам шаклланган. Бу

¹ Қаранг. Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент, 2013 йил, 22—23 январь. — Т.: «Маънавият», 2013. 221—222-бетлар.

² <http://igyc.ru/1069003008-koe|echestvo-Polsovateley-setyu-internet-vyroslo-n-11-Po-vsemu-miru.html>

уларга дунёда ўзларининг нафақат «оммавий маънавият» ларини оммалаштириш, дунё ёшлари онги ва қалбига синг-дириш имкониятини бермоқда, шу билан бирга худди ана шу омил воситаси билан ўзларининг сиёсий мақсадларини амалга оширишда кўл келмоқда.

«Оммавий маънавият» омили зуравон мамлакатларнинг ўзларининг сиёсий мақсадларини ўта улдабуронлик маккорлик билан амалга оширишда кўл келмоқда. «Оммавий маънавият» шундай тарғиб қилинмоқдаки, гўё у инсоният, яйниқса, ёшлар ўзлари мазмун-моҳиятига етиб бормаган ҳолда уни ўзлаштиришга интилмоқдалар. Аслида у қандай маънавият, унда қандай мақсадлар яширинган ва ёшларда нега ўзлаштиришга мойиллик ортиб бормоқда?

«Оммавий маънавият» ўзида мавжуд бўлган умуминсоний қадриятларни юзага чиқариб, охир-оқибатда моддий юксакликка эришган ва мазмунан қашшоқлашиб қолган «Farbning ҳалокати»нинг (Патрик Бьюкенец) ўзини бу ёруғ оламда сақлаб қолишга қаратилган хатти-ҳаракатларининг натижаси ўлароқ шаклланаётган маънавиятдир. Бу маънавият — юксак тараққиётга эришган мамлакатлар томонидан тараққиётга эришишга улгурмаган миллатларни ўзлигидан, урф-одат, анъана, қадриятларидан маҳрум қилишга ва уларни хоҳиш-иродасига ҳеч иккиланмасдан итоат қилувчи манқуртга айлантиришга қаратилган маънавиятдир.

«Оммавий маънавият» умуминсоний маънавиятдан тувилиши, турли погоналиги ва мазмундорлиги жиҳатларидан тубдан фарқ қилиб, унинг заминида иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратга эга бўлган, ўз таъсирини жаҳонга ўтказишига қурби етадиган миллат ва халқларнинг маънавияти туради. Унинг таъсири ҳеч қачон табиий кечмайди, балки гоявий ва мафкуравий кучга таянади, устуворликка эришиш йўлидаги аниқ мақсад ва манфаатларни кўзлаб олиб бориладиган фаолият натижасида юзага келган. У юксак тараққий қилган мамлакатларда яшаётган миллат ва халқларнинг ўзларида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланган ҳолда кам тараққий қилган ёки бу йўлга кираётган мамлакатлар ҳамда уларда яшаётган миллатлар ва халқларга нисбатан ўз ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилишга қаратилган таъсири, тазиёқи, агрессиясининг авж олаёт-

ганлиги нүқтаи назардан қарайдиган бұлсак, маңнавий террорнинг күринишидір.

«Оммавий маънавият»нинг ёшларни сиёсий жараёнларга кенг жалб қилиш, ўзларининг сиёсий манфаатларини амалга оширишда қуидаги имкониятлардан фойдаланадилар: **Биринчидан**, у ёшларни ўзига ром қиласиган «жозибадор» қўшиқлар, клиплар, кинофильмлардан иборат. Ёшларнинг ҳаётий тажрибага эга эмаслиги, «жозибадор» «санъат»га мояйиллиги уларнинг бу маънавиятга қизиқишини ва уни эгаллашга (ўзлаштиришга) интилишини кучайтиради. Шу маънода бу ҳолат ёвуз ниятли сиёсий кучлар ва сиёсий оқимларнинг уларнинг онги, дунёқараши ва қалбини эгаллашлари учун осон кечишини таъминлайди. Онг, дунёқарааш ва қалбнинг ўзгалар хоҳиш-иродасига бўйсуниши эса ҳар қандай ёшни сиёсий кучларнинг ўз измидан юришларини осонлаштиради; **Иккинчидан**, бу «Маънавият» ёшларнинг ахлоқий, руҳий ва маънавий оламига осонгина кириб боришининг яна бир жиҳати шундаки, унга нисбатан жозибадор, ёшларни ўзига жалб қилишга кучи етадиган, уларнинг ўзгараётган замон талаблари даражасидаги эҳтиёжларини қондиришига хизмат қиласиган маънавиятни шакллантириш тажрибасининг етмаслиги ҳам шароит яратмоқда; **Учинчидан**, ёшларга хос тақлидчилик руҳиятининг устуворлиги ҳам, Интернет ёки бошқа оммавий коммуникацияларда нимани кўрса, ўшанга тақлид қилишга мояйиллигининг күчлилиги ҳам уларнинг ёвуз ниятли кучларнинг «қопқони»га илиниб қолишлирига олиб келмоқда. Бу ҳолатлар ёшларнинг сиёсий жараёнларга осонгина жалб қилиниш имкониятини кенгайтирумоқда. Шундай қилиб, ёшлар онги, дунёқараши ва қалбини ёвуз кучлар томонидан эгаллашда «оммавий маънавият», унга қарши туро оладиган кучли маънавиятни шакллантиришда тажрибанинг етмаслиги ва ёшларга хос бўлган тақлидчилик руҳиятининг мавжудлиги кабилар ёвуз кучларнинг улардан фойдаланишлари учун катта имкониятларни юзага келтирмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ана шу ҳолатлар бир қатор ёшларда «оммавий маънавият»ни ўз маънавиятларининг тар-кибий қисмига айлантираётганлик жараёни жиддий тус олаётгани, ана шу омил воситасида мамлақатларда сиёсий

бекарорликнинг юзага келишига олиб келмоқда. Чунки, «оммавий маънавият»: а) маънавий қашшоқликнинг шаклланишидаги омилнинг ўта хатарли кўриниши ҳисобланади. У маънавий қашшоқликнинг энг хатарли жиҳатларидан бўлган миљий ва сиёсий қадриятларга эътиқодсизликни шакллантириб қолмайди. Ана шу қадриятларга нисбатан эътиқодсизликнинг кучайиши жамиятда фуқароларнинг ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби мамлакат тараққиёти учун ўта муҳим қадриятларнинг барбод бўлишига олиб келади; б) эътиқодсизлик охир-оқибатда ёшлар онгида жамият ва мамлакат ҳаётига нисбатан бепарвоник, масъулиятсизлик руҳиятини шакллантиради. Айни пайтда уларнинг ўрнини «оммавий маънавият» эгаллаб боради. Бепарвоник ва масъулиятсизлик руҳиятининг ёшлар онгида шаклланиши жамият ва мамлакат ҳаётида турли ёвуз сиёсий кучларнинг эркин ҳаракат қилиши ва уларнинг ўз сиёсий режаларини амалга ошириши учун шароитни вужудга келтиради.

Сиёсий маданиятнинг кенг маънодаги маданият билан боғлиқлигини ҳисобга олганимизда «оммавий маънавият» нинг ёшлар онги, дунёқарashi ва қалбини эгаллаши жамият ҳамда мамлакатда тузатиб бўлмайдиган кенг маънодаги маънавий инқирозни ҳам вужудга келтиради. Бу — мамлакатнинг тараққиётдан орқада қолишига, ҳатто боши берк кўчага кириб қолишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш ҳар бир олий мақсадни кўзлайдиган мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёsatдаги устувор йўналишларидан бирини ташкил қиласди. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш қўйидаги эҳтиёжлар билан боғлиқ: а) мамлакатда давлат ҳокимияти фаолиятини қўллаб-қувватлаш; б) ҳар қандай сиёсий жараёнларга сергаклик ва огоҳлик билан муносабатда бўлиш; в) ёшларнинг мамлакатда амалга ошириладиган сиёсий стратегиянинг маъно-мазмунини англаб етишлари ва уларни амалга оширишда фаол бўлаётган сиёсий жараёнлардан хабардор бўлишлари, уларда кечадиган сиёсий зиддиятлардан тегишли хуросалар чиқара билиш салоҳиятига эга бўлишлари кабиларда ўз ифодасини топади.

Келтирилганларнинг ҳар бири нафақат мамлакатдаги сиёсий барқарорлик учун, шу билан бирга ҳар бир ёшнинг ўзи орзу қиласиган мақсаднинг рўёбга чиқиши учун амалий аҳамиятга эгадир. Хусусан, давлат ҳокимиятининг барқарор булиши, умумманфаатлар йўлида фаолият олиб бориши ёшларнинг ўсиб-улғайишига шарт-шароит вужудга келтира олади. Шу маънода ҳам бу омилнинг ёшлар томонидан англаниб олиниши ва қўллаб-қувватланиши ҳар икки томоннинг манфаатларига хизмат қиласи.

Аммо, худди ана шу англаш ва қўллаб-қувватлаш нафақат ёшларнинг ўзларига, шунингдек, давлат ҳокимиятининг ёшлар манфаатларини ўзида ифода эттирган аниқ дастурларни ишлаб чиқиши ва уларни реал амалга ошира билишига боғлиқ бўлади. Бу нафақат ижтимоий-иқтисодий манфаатлар, шу билан бирга ёшларни мамлакат, миллат умумхалқ ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий баркамоллик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини изчиллик билан ривожлантириш кабиларни ҳам ўз ичига олади. Бугун бозор муносабатларининг ривожланиши ва глобаллашувнинг авж олиши шароитида давлат ҳокимиятининг ёшларнинг ана шу келтирилган манфаатларини амалга оширишни ўз фаолиятининг устувор вазифаси сифатида белгилаши ва уни реал амалга ошириши уларни фаоллаштиради ва сиёсий ҳокимияти билан алоқаларини мустаҳкамлайди. Бу, ўз навбатида, ёшлар сиёсий маданиятининг барқарор ривожланишига, сиёсий ҳокимиятнинг тараққий қилиши учун муҳим заминнинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Шу билан бирга мамлакат ҳаётида кечётган сиёсий жарайёнларнинг ёшлар томонидан сергаклик ва огоҳлик билан англаб етилиши ҳам умумманфаатлар учун амалий аҳамиятга эгадир. Унинг аҳамиятли жиҳати шундаки, бу — мамлакат ҳаётида бўладиган сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларнинг мақсад муддаоларини аниқ англаб етиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, ёшларни мамлакат ва умумхалқ манфаатларига зид мақсадларни амалга оширишга ҳаракат қиласиган сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларга нисбатан мустақил қарашларининг шаклланишига ҳамда уларни бартараф этишда фаоллик кўрсатишга ундейди. Бугун дунё миқёсида манфа-

лар тўқнашуви авж олаётган шароитда сиёсий огоҳликка ишхоятда эътибор қаратилаётганлигини асослашга эҳтиёж ҳим қолмаган. Чунки, уни ҳар бир инсон дунёда кечаётган сиёсий жараёнлар орқали ҳар куни сезиб турибди.

Сиёсий сергаклик ва сиёсий огоҳлик сиёсий маданият таркибий қисмининг муҳим элементларидан бири эканлигини ишҳоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Аммо, илмий адабиётларда у бугунги кунгача сиёсий маданият тизимиға киритилмаган. У асосан сиёсий ахлоқ билан уйғун тарзда қараб келинган. Лекин бугун дунёда кечаётган сиёсий жараёнларда, сиёсий манфаатларда ахлоқ иккинчи ўринга тушиб, улар ўртасидағи мувозанат барҳам топаётган мураккаб шароитда сиёсий сергаклик ва сиёсий огоҳликни мустаҳкамлаш, уларни сиёсий маданиятнинг мустақил тармоғи сифатида амал қилишига эришиш тобора долзарблашиб бормоқда. Сиёсий сергаклик ва сиёсий огоҳликнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, уларнинг барқарор ривожланиши сиёсий ахлоқнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир ўтказади. Чунки сиёсий сергаклик ва огоҳликнинг ривожланиши ёшлар замирида онги ва дунёқарашида маъсулиятли англаш туйгулари ҳам юзага келади. Бу, ўз навбатида, сиёсий ахлоқ ривожига ижобий таъсир ўтказиш билан бир вақтда, сиёсий маданиятнинг тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўрни келганда, сиёсий сергаклик ва сиёсий огоҳлик тушунчаларининг маъно-мазмуни ҳақида тўхталиш лозим бўлади. Чунки, бу тушунчалар ҳам сиёсий луғатлар ва адабиётларга ҳам мустақил тушунча сифатида киритилмаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, бугун дунё саҳнасида кечаётган сиёсий жараёнлар, тобора кучайиб бораётган зиддиятлар, манфаатларнинг тўқнашуви улар ўртасидаги мувозанат барҳам топаётганлиги ва айрим мамлакатлар ички ҳаётида ҳам уларнинг юзага келаётганлиги ҳамда бу жараёнларга ёшларнинг жалб қилинаётганлиги сиёсий огоҳлик ва сиёсий сергакликни мустаҳкамлаш вазифасини кун тартибиға олиб чиқди. Шу маънода ҳам, энг аввало, унинг маъно-мазмунига тушуниб олишимиз лозим бўлади.

Сиёсий сергаклик ва сиёсий огоҳлик сиёсий-фалсафий тушунча бўлиб, сиёсий ахлоқ сиёсий иммунитет тушунча-

ларига яқин. Сиёсий ахлоқ ва сиёсий иммунитет тушунчаларига юқорида тұхтаганимизни ҳисобға олиб, уларни тақрорлашға бу ерда әңтиёж йүқ. Аммо, мазкур тушунчаларнинг сиёсий сергаклик ва сиёсий огоҳлик билан муносабатла-ри ҳақида фикр юритишга тұғри келади. Чунки, улар **бир томондан**, үзаро яқин бир-бирини тұлғазиб туради ва сиёсий маданият тизимида үзига хос үринга эга бўлса, **иккинчи томондан**, улар нисбий мустақил тушунчалар бўлиб, ҳар бири сиёсий маданиятнинг ривожланишида үзига хос функцияларни бажаради.

Шундай қилиб, сиёсий огоҳлик ва сиёсий сергаклик нима, улар қандай тушунча ва сиёсий маданиятда қандай функцияларни бажарадилар?

Фикримизча, сиёсий сергаклик давлат ҳокимияти фаолияти, жамият ҳаётида ва амал қилиши мумкин бўлган сиёсий жараёнларни эътибордан қочирмаслик, улар ҳақида маълум қарашлар ва тасаввурларга эга бўлишдир. Бу нафакат сиёсий фаолият билан шугулланувчилар, шунингдек, ёшларда шаклланиши лозим. Чунки, сиёсий сергаклик давлат ҳокимияти, жамият ва жаҳонда содир бўлиши мумкин бўлган зиддиятларни англаб олиш имконини беради, мавжуд имкониятдан келиб чиққан ҳолда, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларни ишлаб чиқишига ҳамда амалиётга татбиқ этилиши учун вақтни бой бермаслик имкониятини юзага келтиради. Шу билан бирга у сиёсий онгнинг умумсиёсий барқарорликда ривожланишига ҳам үзининг ижобий таъсирини үтказади. Чунки, сиёсий сергаклик мустаҳкам бўлмаса, сиёсий онгнинг ривожланиши субъектив кучлар таъсирига тушиб, сиёсий бекарорлик омилига айланиб қолиши ҳам мумкин. Бу жараённинг бугун МДҲ давлатлари-нинг айримларида кечәётганliginинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Агар сиёсий огоҳлик ривожланган бўлганда эди, уларда кечәётган зиддиятларнинг, бегуноҳ инсонларнинг нобуд бўлишининг, юзага келган сиёсий ва иқтисодий инқирозларнинг олди олинган бўлар эди.

Энди «сиёсий огоҳлик» тушунчасига қайтиб, шуни таъкидлаш лозимки, у ҳам сиёсий маданиятнинг муҳим қўрсатичларидан бири бўлиб, у ёшларнинг сиёсий гоялар ва оқим-

ларга бўлган муносабатлари билан боғлиқдир. Сиёсий огоҳликнинг мамлакат ва давлат ҳаётидаги ўрни шундаки, у фуқароларнинг умумманфаатларига зид бўлган турли ғаразли тоялар, назариялар ва чақириқларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш ҳамда уларга нисбатан сиёсий иммунитетнинг шаклланишини таъминлайди. Айни пайтда, у фуқароларда давлатнинг умумхалқ манфаатларига қаратилган сиёсатини ягона куч бўлиб бирлашган ҳолда амалиётга айланишига ижобий таъсир ўтказади.

Сиёсий огоҳлик сиёсий онг ва сиёсий маданият ривожининг инъикоси сифатида давлат ҳаётида юзага келиши мумкин бўлган бекарорликнинг олдини олиш омили бўлиш билан бир қаторда тараққиётнинг омили ҳамдир. Сиёсий огоҳлик сиёсий маданиятнинг муҳим элементи ҳисобланади. Ана шу фикрларга асосланиб бу тушунчага қуйидаги таърифни бериш мумкин.

Сиёсий огоҳлик деб жамият ҳаёти ва давлат фаолиятига ташқаридан сиёсий кучлар ва оқимлар томонидан илгари суриладиган ғаразли тоялар, назариялар, чақириқларнинг фуқаролар, хусусан, ёшларда улар маъно-мазмунини англаниб етишини ҳамда тегишли қарашлар шаклланганлик ҳолатини тушуниш мумкин. Сиёсий огоҳликнинг сиёсий маданиятнинг муҳим элементи ва унинг ривожланганлик даражасининг қўрсаткичи шундаки, у **биринчидан**, давлат томонидан мамлакат тараққиёти ва фуқаролар фаровонлигига хизмат қилувчи назарияларнинг ишлаб чиқилишидаги жараёнларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етишга ҳамда амалиётга татбиқ қилинишида фаол иштирок қилишларига ижобий таъсир ўтказса, **иккинчи томондан**, жамиятда амал қилаётган сиёсий кучлар ва ташқаридан кириб келиши мумкин бўлган сиёсий оқимларнинг илгари сураётган ғаразли тоялари, назариялари ва чақириқларнинг мазмун-моҳиятини англаб етишда ҳамда уларга нисбатан сиёсий иммунитетнинг шаклланишига ижобий таъсир ўтказади. **Учинчидан**, жаҳон миқёсида кечётган сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятига етиб бориш, уларнинг мамлакат ва унинг аҳолиси манфаатларига қай даражада мос келиш ёки келмаслигини тушунишга ҳам ёрдам беради.

Бугун дунёning яхлитлиги, унда кечаётган жараёнлар, воқеа ва ҳодисалар ер куррасининг барча худудларига дақиқалар ва сонияларда етиб бораётгани бугунги кунда бундан айрим сиёсий кучлар ҳамда оқимлар ўзларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишда молиявий маблағ, ҳатто ҳарбий қудратларини ишга solaётган шароитда ёшларда сиёсий огоҳлик руҳиятини шакллантириш давлат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва унинг барқарор тараққиёти учун амалий аҳамиятга эгадир.

Сиёсий сергаклик, сиёсий огоҳлик ва сиёсий иммунитет тўғрисида юқорида илгари сурган фикрларимизга мувофиқ қўйидагиларни таъкидлаш мумкин. **Биринчидан**, келтирилган ҳар учала тушунча сиёсий маданият тизимидағи муҳим элементлар қаторида ўзига хос ўринга эга бўлиб, сиёсий маданиятнинг даражаларини аниқлашда мезон ролини бажара олади. Худди ана шу жиҳатдан ҳам уларни мустақил сиёсий-фалсафий тушунча сифатида луғатларга киритиш мумкин. **Иккинчидан**, уларни ёшлар онги, қалби ва дунёқарашига сингдириш сиёсий барқарорликнинг таъминланишига ва тараққиётга эришишимизда амалий аҳамиятга эга бўлади; **учинчидан**, ёшларимизнинг мамлакат ички ҳайтида мавжуд бўлган сиёсий жараёнларнинг қайси томонга қараб ривожланиши мумкинлиги каби ўта мураккаб ҳолатлар ҳақида аниқ қарашлар ва тасаввурларга эга бўлишларида сиёсий сергаклик ҳамда сиёсий огоҳликнинг ривожланганлиги аҳамиятга эгадир; **тўртинчидан**, бугун дунё миқёсида амал қилаётган, ёшларимизнинг онги, қалби ва дунёқарашларини эгаллашга қаратилган турли диний ва сиёсий оқимлар томонидан илгари сурилаётган foялар ҳамда чақириқларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш, уларга нисбатан ўзларининг тегишли қарашларининг шаклланишида ҳам сиёсий сергаклик ва сиёсий огоҳликнинг мавжудлиги ҳамда уни тобора ривожлантириб бориш талаб этилади.

Ёшларнинг сиёсий маданиятини ривожлантириб бориш мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий стратегиянинг мазмун-моҳиятини англаб етиш ва уни амалга оширишда уларнинг фаол иштирок этиши эҳтиёжи билан боғлиқdir. Бугун сиёсий соҳадаги бош стратегиямиз: мамлакатимизда

демократик жамият қуриш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришдир. Бу ўта мураккаб вазифа бўлиб, у фақат унга тегишли бўлган қонунларни қабул қилиш билан амалга ошаверади. Бунинг учун: а) қабул қилинадиган қонунлар фуқароларнинг сиёсий онг даражалари, сиёсий маданияти мамлакатимизда мавжуд иқтисодий имкониятлар, ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий-маърифий салоҳият кабиларнинг реал ҳолатига қай даражада мослиги; б) фуқароларнинг, айниқса, мамлакат ёшларининг белгиланган стратегик вазифаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушиуниб этишлари ва уни қўллаб-қувватлашлари; в) демократик жараёнларда ёшларимизнинг бевосита ёки билвосита иштирок этишларининг амал қилиши; г) мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тутувлик, динлараро бағрикенглик билан такомиллаштириб бориш кабилар билан боғлиқдир.

Келтирилганлар бугун мамлакатимизда белгиланган сиёсий стратегияни реал ҳаётга татбиқ қилиш жараёнида амал қилмоқда. Бугун миллий давлатчилигимиз қарор топди, унда демократик қадриятлар босқичма-босқич ривожланиб бормоқда, фуқароларимизнинг эркин фаолиятлари учун ҳуқуқий асослар яратилган, халқимиз амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқдалар ва уларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар.

Ислоҳотларимизнинг қўллаб-қувватланиши ва унинг амалга ошишида ёшларимизнинг фаол иштирок этаётганилиги улар манфаатларининг тўла ўзида ифода эттирганлигидар. Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг мазмун моҳияти ҳақида қўйидаги фикрни илгари сурган эдилар. «Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз берәётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундай хулоса чиқариш билан белгиланади. Биз амалга оширилаётган ислоҳотларимизда ана шундай нағижаларига эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг

моҳиятида ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас»¹. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда эришилган ютуқларимизнинг салмоғи ниҳоятда катта. Уларнинг заминида, ислоҳотлар стратегиясининг ҳалқимизнинг ўзига хос менталитети, мамлакатимизнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги, унда мамлакатимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи вазифалар ўз ифодасини топганлиги ҳамда шу боисдан ҳалқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганини ва уларни амалга оширишда ёшларнинг фаол иштирок этаётганини каби омиллар туради.

Ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошаётганини ҳақида фикр юритганда, албатта, мамлакатимизда сиёсий барқарорликнинг вазминлик билан қарор топтирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Чунки, уни қарор топтириш осон иш эмас. Айниқса, мамлакатнинг бир тараққиёт босқичидан иккинчисига ўтиш, боз устига кечагина қарамликдан қутулиб, ўзининг мустақиллигини қўлга киритган, тараққиётнинг қайси йўлини танлаш ва унга аҳолини ишонтиришдек, мураккаб вазиятнинг юзага келиши шароитида, сиёсий барқарорликни қарор топтириш мураккаб ҳисобланади. Боз устига бундай шароитда турли сиёсий кучларнинг ўз мақсадларини амалга оширишни кўзлаб кураш майдонида пайдо бўлиши ҳам сиёсий барқарорликни қарор топтиришдаги яна бир мураккаб муаммо эди. Айниқса, сиёсий онги, сиёсий маданияти ўтиш даври талаблари даражаларида тараққий қилмаган ва сиёсий курашда қатнашиш тажрибасига эга эмаслиги ҳам уларни бирлаштириб, ҳокимият учун курашга жалб қилиниши сиёсий барқарорликни таъминлашдаги катта муаммо бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Зоро, ёшларда юқорида келтирилган омилларнинг етишмаслиги, уларнинг сиёсий вазиятни тўғри англаб етмаслигига, қайси сиёсий кучларнинг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас күч. — Т.: «Маънавият», 2008. 105-106-бетлар.

орқасидан юришга, уларнинг қайси бирларини қўллаб-қувватлашни сўроқ остига олиши вазияти юзага келади.

Бугун тарихга айланган бу жараёнлар ҳақида фикр юритишимизнинг асосий сабаби, мамлакатлар тараққиётининг ҳар бир босқичи сиёсий онг ва сиёсий маданият ривожига узига хос вазифалар ва муаммоларни юзага келтиришини тъкидлашдир. Фикримизча, мамлакатимизда ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ютуқларимиз ёшлар сиёсий маданиятини бугун, эртанги ёки истиқболда ривожлантиришга ўғиёж қолмаганлигини билдирамайди, аксинча, унга бўлган ўхтиёж ҳар доим ошиб бораверади. Унинг қуйидаги сабаблари мавжуд: **Биринчидан**, бугун мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларини ривожлантиришнинг янги вазифалари белгилаб олинган. Хусусан, сиёсий соҳада мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш вазифаси белгиланган. Бу вазифа: 1) давлат ҳокимияти ва бошқарувни янада демократлаштириш; 2) судхукуқ тизимини ислоҳ қилиш; 3) ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш; 4) Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш; 5) фуқаролик жамияти институтини шакллантириш; 6) демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби масалаларни ўз ичига олади. Уларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан ёшларимизнинг сиёсий маданиятининг қай даражада ривожланиши билан боғлиқдир. **Иккинчидан**, мамлакатимизда демократик қадриятлар тобора ривожланниб бориши билан бир вақтда унга мос равишда фикрлар хилма-хиллиги, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ва унда ўз мавқенини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган сиёсий партияларнинг ўз электоратлари сонини кучайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги фаолиятларининг ортиб бораётганлиги. **Учинчидан**, мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал салоҳиятининг ошиб бориши жараённада уларнинг сиёсий бошқарувга бўлган қизиқишлиари ҳам ортиб бораётганлиги. Бу, ўз навбатида, уларнинг сиёсий маданиятларини изчилик билан ривожлантиришларини ҳам тақозо этади. **Тўртингчидан**, ёшларнинг сиёсий маданиятини ривожлан-

тиришга бүлган эхтиёж қайси сиёсий партияниң улар ман-фаатларини ифода эттирадиган дастурлари мавжудлиги ҳамда уларни амалга оширишда қайси услуга ва имкониятлардан фойдаланиши назарда тутаётгандыгын аниқ тасаввур этишлари билан bogliqdir. **Бешинчидан**, дунёда кечеётган сиёсий бекарорлик, айрим мамлакатларда кундан-кунга ёшларни бу жараёнларга жалб қилишга бүлган ҳаракатларнинг кучаяётгандыгы шароитида уларнинг ҳар қачонгига қараганда ҳам сиёсий сергаклик ва сиёсий огоҳдигини ривожлантириш заруриятини оширмоқда. Айниқса, бугун айрим ёшларнинг баъзи мамлакатлардаги ёвуз кучлар таъсирига тушиб, неофашизм, миллатчилик, айрмачилик ва бошқа шу каби foяларга берилиб кетаётгандарга холисона баҳо беришларига ёрдам берадиган сиёсий маданиятларини ривожлантиришга бүлган эхтиёж ошиб бормоқда. **Олтинчидан**, бугун дунёда тобора ривожланаётган демократик қадриятлардан ўзларининг жирканч мақсадларини амалга оширишни кўзлаган турли оқимларнинг ортиб бораётгандыгы, уларнинг турли ўйлар билан ёшларни ўз атрофига уюштиришга бүлган хатти-ҳаракатларининг кучаяётгандыгы ҳам уларни теран англаб етишлари учун ёшлар сиёсий маданиятни ривожлантиришни тақозо этмоқда. **Етгинчидан**, бугун ёшларни ўз измидан юришларига етакловчи миссионерлик ҳаракати ниҳоятда кучайиб бормоқда. Улар ёшларни ўз атрофига уюштиришда турли услуга ва имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Жумладан, моддий жиҳатдан етишмовчилиги бүлган ёшларга моддий ёрдам кўрсатиш, олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини тўлаш, компьютер курсида бепул ўқиш, компьютер ёки мобиъл телефонлар билан таъминлаш каби тадбирларни амалга ошириш йўли билан айрим ёшларни ўз атрофларига уюштириб, аждодлари эътиқод қилиб келган, бугун отаси, онаси ва қариндош-уруғлари эътиқод қилиб келаётган динлардан воз кечишлирига, ўзга динларга тарғиб қилувчи жирканч мақсадларни ҳам амалга оширмоқдалар. «Аслида эса миссионерлар ҳеч қачон, ҳеч кимга бегараз ёрдам кўрсат-

маганликларини унутмаслик лозим»¹. Ана шу нүқтаи назарлан ҳам, миссионерларнинг хатти-ҳаракатлари заминида қандай мақсад турганлигини аниқ тасаввур қилиш, ажлодлар ва бугун ота-оналари ва яқинлари эътиқод қилиб келаётган диндан воз кечиб, ўзга динга эътиқод қилишга ўтишнинг қандай оқибатларга олиб келишини аниқ тушуниб етиш учун ҳам ёшларимизнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш зарурияти кучаймоқда. Бу ҳаракат ўз олдига сиёсий мақсадларни қўйғанлигини айрим сиёсий маданияти етарли даражада ривожланмаган ёшлар англаб етмаётганлик ҳолатлари онда-сонда бўлса-да, учраб турганлигини таъкидлаш лозим. Уларнинг айримлари миссионерлар томонидан берилаётган чойчақа, кўрсатилаётган моддий «ёрдам»га жавобан ўз динидан воз кечиб, ўзга динга ўтиб кетишлари, битта ёки иккита бўлса ҳам мамлакат учун хатарли ҳисобланади.

Келтирилганлардан маълум бўлмоқдаки, бугун ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш ва уни изчиллик билан мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг ўтиш даврида олдида турган вазифалар қўламидан кам эмас. Муаммо шундаки, демократик қадриятлар ривожланиши, фуқароларнинг оркинлиги, ҳақ-хуқуқлари таъминлангани, уларнинг моддий фаровонлиги ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ошиб бораётган шароитда юқорида келтирилган эҳтиёжлар камайиш ўрнига, аксинча, ошиб бораётганлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Энди, бугун мамлакатимизда сиёсий соҳада амалга оширилиши белгилаб олинган стратегик вазифани амалга оширишда ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши билан боғлиқ масалага қайтиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун аксарият ёшларимизнинг сиёсий онги ва сиёсий маданияти демократик қадриятларнинг ривожланиш даражаларига мос келади. Аммо, шу билан бирга айрим ёшларимизнинг сиёсий онги ва сиёсий маданияти бугунги тобора ўсиб бораётган эҳтиёжлар-

¹ Очилдиев А, Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳияти, мақсадлари, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. (Юз саволга — юз жавоб). — Г.: «Тошкент Ислом университети» нашриёти, 2009. 95-бет.

дан орқада қолаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, қишлоқларда таълим олаётган ёшлар нариёқда турсин, таълимнинг лицей ўқувчилари, коллеж ва ҳатто, айрим олий ўқув юртларининг талабалари билан бўлган суҳбатларимиздан маълум бўлдики, уларнинг айримлари «демократия» нима, у нима учун керак, мамлакатимизда нечта сиёсий партия бор, улар қандай номланган, «сиёсий онг» «сиёсий маданият» нинг мазмун-моҳияти, уларнинг миллий онг ва миллий маданиятдан қандай фарқи бор? — деган саволларга жўали жавоб бера олмаганикларининг гувоҳи бўлдик. Ўз касбимиз нуқтаи назаридан олий ўқув юртларида сабоқ олаётган ёшлар билан бўлган суҳбатларда ана шундай ҳолатлар мавжуд эканлиги маълум бўлди. Энди савол пайдо бўлади. Ногуманитар соҳа талабалари ёки ногуманитар фанлардан сабоқ берәётган ёш ўқитувчилар, ёхуд муҳандис, врач, тадбиркор, фермер ёки бошқа соҳаларда фаолият олиб бораётган фуқаролар мамлакатимизда сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардор бўлишлари керакми? Ёки шарт эмасми? Айниқса, таълим тизимида ўқимаётган ёшлар ҳам улардан ҳеч бўлмаганда хабардор бўлишлари керакми? — деган саволлар пайдо бўлади.

Агар масалага бир томондан қарайдиган бўлсак, мамлакатнинг барча аҳолиси, айниқса, ёшлар қатламишининг барчасида сиёсий онг ва сиёсий маданият тараққиёти талаб даражасида бўлмаслигига табиий ҳол деб қарап мумкин. Чунки, ҳар бир инсон, биринчи навбатда, ўзи танлаган соҳани мукаммал билишга ҳаракат қиласи, сиёсий жараёнларга бе-эътиборлик билан қарави ҳам бор гап. У ўз касби ва соҳасини чуқур ўзлаштириш билан ўзининг ва оиласининг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини қондиришни назарда тутади. Шунинг учун ҳам сиёsat ҳақида ўйлашга вақтини аяди. Бундай инсонлар, ўзларининг эркин фаолият олиб боришлари, моддий ва маънавий фаровонликка эга бўлишлари учун шарт-шароит ва имкониятлар нима ҳисобига юзага келди? — деган савол ҳақида ўйлашга ҳаракат ҳам қилмайдилар. Ёшлар ўртасидаги юқорида келтирилган ҳолатларнинг учраб турғанлигига ҳам мана шундай қарап мумкин. Тўғри, ҳамманинг «сиёsatчи» бўлиши шарт эмасdir.

Пекин мамлакатда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатлан, сиёсий барқарорликка нималар ҳисобига эришилган-лигидан хабардор бўлиши мақсадга мувофиқдир. Айниқса, бугунги тез ўзгараётган замонда ёшларни ёвуз кучлар томонидан сиёсий жараёнларга турли йўллар ва воситалар билан жалб қилишга бўлаётган ҳаракатларнинг авж олиши шароитида, уларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини ривожлантириш эҳтиёжи ошиб боради.

Хўш, барча ёшларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданияти ривожланмасдан, сиёсий воқеликка беэътибор бўлсалар нима бўлади? Бундай ҳолат оммавий тарзда, яъни ёшлар уртасида кучайиб кетадиган бўлса, қуидагилар содир бўлиши мумкин.

а) ёшларда мустақилликнинг буюк неъмат эканлиги, у қандай амалга оширилганлиги, бу йўлда Ватанимизнинг қанча инсонлари қурбон бўлганликларига нисбатан бефарқлик руҳиятининг шаклланишига олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, улар онгидаги ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик, умуминсонийлик каби туйғуларнинг саёзлашувига, мамлакат тараққиёти ва унинг истиқболи учун масъуллик руҳиятининг орқада қолишига олиб келади;

б) Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун Ўзбекистоннинг фарзанди сифатида шахсан нима иш қилишим керак? — деган савол қўйишга ва унга жавоб излашга ҳаракат қилиш мойиллиги бўлмайди;

в) адолат, қарамлик, эркинлик, тенглик, ёвузлик, зўравонлик ва шунга ўхшаш тушунчаларнинг мазмун-моҳиятига қизиқиши ҳам бўлмайди. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг ўзлигидан бегоналашувига ҳам олиб келади;

г) ўзига нон, туз берган, ўз бағрида ўстирган, таълим берган, ўзининг фарзанди сифатида унинг ор-номусини, турурини, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаган Ватанинг ўз тақдиридаги ўрни ҳамда аҳамиятини тушунишига беэътибор бўлиши мумкин бўлади;

д) «Ким сиёсат билан шуғулланмаса, сиёсат у билан шуғулланади», — деган гап бор. Бунинг маъноси шуки, сиёсатдан бехабар бўлган ёшларни тўғри йўлдан қайтариш осон бўлади; чунки, бундай ёшлар у ёки бу сиёсий кучлар ёки оқимларнинг уларни ўз измларига солишлари замирида

қандай сиёсий мақсадлар турғанлиги билан ҳам қизиқмайдилар. Ёшлар үртасида бундай ҳолатнинг кучайиши, бир томондан, ёшларнинг үзлари, уларнинг баркамол инсон бўлиб ўсишлари, тинчлик ва хотиржамликда ўз орзуларини амалга оширишлари учун катта тўсиқ бўлса, иккинчи томондан, мамлакатнинг сиёсий барқарорлигига ҳам катта таҳдид ҳисобланади.

Ёшларнинг сиёсий жараёнлардан хабардорлиги, уларнинг мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар, ундан кўзланган мақсадлар ва уларнинг амалга ошиш жараёнлари ҳақида маълум қарашлар ва тасаввурларга эга бўлиши, мамлакатнинг барқарор тараққиёти учун муҳим омил ҳисобланади. Чунки улардан хабардор бўлган маълум қарашлар ва тасаввурларга эга бўлган ҳар бир ёшнинг ўзи нима ҳисобига ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлаётганлигининг маъносига этиб боради ҳамда унда ўзининг фаол иштирок этишга бўлган қизиқишлиари ва ҳаракатлари юзага келади.

Хўш, айрим ёшларнинг мамлакатдаги сиёсий ҳаёт, демократик жараёнларга қизиқишиларининг сустлиги сабаблари нималардан иборат? Фикримизча, улар қуйидагилардан иборат: **Биринчидан**, мамлакатимизда шаклланаётган бозор муносабатлари аҳолининг барча қатламлари каби ёшларнинг ҳам кундалик ҳаётида зарур бўлган моддий эҳтиёжларни қондиришга бўлган ҳаракатлари уларнинг ўз сиёсий онг ва сиёсий маданиятларини ривожлантиришга бўлган муносабатларига маълум даражада ўз таъсирини ўтказмоқда, дейишимиш мумкин. Чунки, бозор ҳеч кимни аяб ўтирумайди, ким уддабурон тадбиркор бўлса ёки ўзининг иқтисодий ҳаётини яхшилашга ҳаракат қиласагина яхши яшаши мумкин. Буни ёшларимиз тушуниб етганликлари ижобий ҳол, албатта. Аммо, бунинг ўзи жадал ўзгараётган бугунги кун учун етарли эмас, ҳозир ёшларимизнинг кенг қамровли билим ва салоҳиятга эга бўлишини даврнинг ўзи талаб қилаяпти, буни улар англаб етишлари лозим; **иккинчидан**, бугун айрим ёшлар үртасида қандай йўл билан бўлса ҳам хорижга чиқиш, кўп маблағ ишлашга бўлган имтиёзнинг борлиги айни ҳақиқат. Буни ҳам ижобий ҳаракат, — деб қараш мумкин. Ҳақиқатан, мамлакатимизда ўрнатилган тартибларга амал қилган ҳолда хорижий мамлакатларда ишлаш, нафа-

Қат уларнинг иқтисодий фаровонлиги учун, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодиёти учун ҳам фойдали; боз устига дунёда азалдан амал қилиб келаётган меҳнат ресурсларига булган эҳтиёжга қараб аҳолининг кўчиб кириш имкониятларидан ёшларимизнинг фойдаланишларини ҳам табиий ҳол, деб қарашимиз лозим. Аммо, бу — хорижий мамлакатларда ишлаётган ёшларнинг умуман мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни билмаслиги керак, дегани эмас. Бундай муносабатнинг салбий жиҳати шундаки, ёшлиларда бу жараён ўз Ватанидан бегоналашув руҳиятини юзатга келтириш хавфи борлигини ҳам назарда тутишимиз лошим. Бу масаланинг бир томони бўлса, унинг иккинчи томони, сиёсий онги ва сиёсий маданияти етарли даражада ривожланмаган ёшларнинг хорижий мамлакатларда ишлаш жараёнида ёвуз ниятли кишиларнинг улардан нафақат меҳнат ресурси, балки ўзларининг сиёсий мақсадларини амалга оширишда фойдаланишлари мумкинлигини ҳам назарда тутишимиз керак. Худди ана шу хавф-хатарнинг мавжудлиги ёшларимизнинг маълум даражадаги сиёсий онги ва сиёсий маданиятга эга бўлишларини тақозо этади. Аммо бутунги кунда хорижга ишлаш учун кетаётган айрим ёшларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти етарли даражада бўлмаганлиги боис, улар ўз ҳақ-хуқуқларини қандай ҳимоя қилиш кераклигини ҳам билмаслик ҳолатлари республикамиз ОАВлари орқали кўрсатилмоқда.

Бу масаладаги хulosа шуки, ёшларимиз қаерда ишламасин ёки қаерга бормасин, уларнинг маълум даражада сиёсий маданияти ривожланишини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. **Учинчидан**, айрим ёшларимизнинг сиёсий онги ва сиёсий маданияти ривожланишининг бугунги ўзгараётган замон талабларидан орқада қолаётганлигига уларнинг турли техник воситалар орқали тарқатилаётган «жозибадор қўшиқлар», «рақслар» ва бошқа уларнинг руҳиятига таъсир ўтказаётган маънавий-ахлоқий жиҳатдан қашшоқ «санъат»лар ҳам борлигини таъкидлаш мумкин. Улар шу даражада ривожланиб, оммалашиб кетганки, ёшларнинг ўз сиёсий онги ва сиёсий маданиятини ривожлантиришга, ўйлашларга вақтлари ҳам «етмаётir».

Ёшларнинг замонавий қўшиқларни тинглаш, рақсларни томоша қилишга бўлган қизиқишлари бугун ниҳоятда ошиб кетганилиги ҳеч кимга сир эмас. Айни пайтда бу барча ёшлар учун хос бўлган хусусият ҳисобланади. Аммо, юқорида фикр юритилган «санъат» асарлари ёшларни ўзига ром қилиб, уларнинг мамлакатда сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу борада қўлга киритилган ютуқлар, жаҳонда кечаётган сиёсий жараёнларга нисбатан бепарволик руҳиятиning шаклланишига ўз таъсирини кўрсатаяпти, дейиш мумкин. Бунда ОАВ, замонавий коммуникациялар, Интернет, мобиль телефон ва бошқа воситалар орқали ёшларнинг айrim қисмларининг бу «санъат» асарлари ҳисобига онги «ривожланмоқда».

Маданият тизимида ёшлар сиёсий маданиятининг алоҳида ўрни борлигини назарда тутганимизда, унинг: а) мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт учун; б) ёшларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва турли зарарли форя ва мафкураларга қарши турла оладиган сиёсий иммунитетининг шаклланиши учун эҳтиёжнинг ошиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Ёшлар сиёсий онги ва маданиятини изчиллик билан ривожлантириш жаҳоннинг айrim мамлакатларида содир этилаётган турли номдаги «инқилоблар»га уларни жалб қилинаётганлиги шароитида янада долзарб бўлмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда тегишли ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, замон тез ўзгармоқда, жаҳонда ёшларни сиёсий жараёнларга жалб қилиб, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳам кучаймоқда. Ана шу нуқтаи назардан ҳам сиёсий тарбияни жонлантириш ва ёшларимизнинг сиёсий маданиятини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш уларнинг ҳар томонлама етук, баркамол инсон бўлиб етишишлари бугун тарбиявий фаолиятдаги устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

IV боб. ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг ички ва ташқи эҳтиёжлари

Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳар қандай тараққиёт йўлидан бораётган давлат учун муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, давлат тараққиётининг бир босқичдан иккинчисига ўтишида кечаги авлод яратган моддий ва маънавий неъматларни бугунги авлод давом эттириши, ривожлантириши ва юқори босқичга кўтариши тақозо этилади. Яна ҳам аникроқ қилиб айтганда, мамлакат тараққиётининг бугунги ва эртанги исгиқболи ёшларнинг қандай тарбия олишига боғлиқ. Улар нафақат меҳнат ресурслари, шу билан бирга аждодлар давомчилари, уларнинг ворислари, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг нуфузини янада ошириш улар зиммасида. Агар бу мураккаб вазифаларидан келиб чиқиладиган бўлса, ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва уни доимо такомиллаштиришнинг иккита: ички ва ташқи эҳтиёжлари мавжудлиги аён бўлади. Унинг биринчиси — мамлакатнинг барқарор ривожланиши билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларни изчиллик билан тараққий этиш вазифалари. Бу вазифаларни амалга ошириш нафақат ёшларнинг бунёдкорлик йўлидаги фидойилик кўрсатини, шу билан бирга уларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятининг мавжуд тараққиёт босқичига қай даражада жавоб беришига боғлиқ. Жамият тури синфлар, ижтимоий табақалар, сиёсий кучлардан иборат бўлиши билан бир қаторда, ёшларнинг ўзлари ҳам жамиятнинг мустақил ижтимоий табақаси сифатида ижти-

моий келиб чиқиши ва манфаатлари нұқтаи назаридан ана шу синфлар, ижтимоий табақалар ва сиёсий күчлар вакиллари сифатида намоён бўладилар. Бу: а) давлат олдида уларни мамлакат, умумхалқ манфаатлари йўлида бирлашувига эришиш вазифасини қўяди; б) уларнинг ҳар бир маълум бир ижтимоий табақага мансублигини ҳисобга олган ҳолда манфаатларининг ўзаро уйғулаштиришни ҳам тақозо этади; в) мамлакатнинг тараққиёти нафақат иқтисодий омиллар, шу билан бир қаторда сиёсий омиллар билан ҳам боғлиқ бўлади. Агар иқтисодий имкониятлар етарли даражада мавжуд бўлса-ю, сиёсий барқарорлик бўлмаса, мамлакатда улардан самарали фойдаланиб ҳам бўлмайди. Чунки сиёсий бекарорлик тараққиёт имкониятларини барбод қиласи ва иқтисодий инқирозларга олиб келади. Глобаллашувнинг авж олиши таъсирида тез ўзгараётган замонда ёшларнинг кучли информацион босим таъсири остида яшаётганлиги сиёсий барқарорлик учун хавф-хатарни кучайтираётган бугунги кунда уларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг долзарблизгини яна ҳам оширмоқда. Боз устига ОАВ, турли оммавий коммуникациялар орқали тарқатилаётган информацияларнинг кўпчилиги ёшларнинг интеллектуал жиҳатдан янада ривожланишига эмас, балки маънавий қашшоқлашувига, мамлакатларда сиёсий бекарорликнинг юзага келишида етакчилик қилишга ундашга қаратилганлиги, уларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришни эътибордан қолдирмасликни тақозо этмоқда. Ёшлар ижтимоий табақалари руҳиятига ҳар қандай воқеа, ҳодиса жараёнларига қизиқувчанлик, тақлидчилик ва ҳаётий тажрибанинг етишмаслиги уларнинг ана шу ундовлар таъсирига тушиб қолишлари хавфини кучайтиради. Албатта, бундай салбий ҳолатнинг, юзага келиши мамлакатда кучли иқтисодий имкониятларга эга бўлишига қарамасдан, сиёсий бекарорликнинг юзага келишига, бунинг оқибатида иқтисодиётнинг ҳам издан чиқишига ва мамлакатнинг буткул боши берк кўчага кириб қолишини муқаррарлаштиради.

Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш ички мамлакатимизда жаҳон стандартларига мос келадиган демократик жамият қуриш вазифаси билан ҳам боғлиқдир. Агар

శіларимиз демократик қадриятларнинг маъно-мазмунини қанчалик чуқур эгаллаган бўлса, уни шакллантиришда фаол иштирок этса, бу вазифани амалга ошириш ҳам ўз самарасини беради. Аксинча, улар бу жараёнга бепарво бўладиган бўлсалар, демократик қадриятларнинг маъно-мазмунини аниқ тушуниб етмасалар, бу уларнинг ўzlари тулиқ англаб стмаган ҳолда ёвуз кучлар таъсирига тушиб қолишларига олиб келиши мумкин. Ана шу салбий ҳолатнинг олдини олиш ва мамлакатда сиёсий барқарорликнинг таъминлаганини демократик жамият қуриш имкониятларини мустаҳкамлайди.

Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг иккинчиси — ташқи эҳтиёжлар ҳисобланади. Булар мамлакатни ташқи хавф-хатарлардан ҳимоялаш, унинг ҳудудий бутунлиги, чегаралар хавфсизлигини уларга нисбатан юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай ёвуз кучларга нисбатан сиёсий огоҳликни мустаҳкамлаш каби вазифаларни ўз ичига олади. Ёшларда ташқи хавф-хатарнинг мамлакат учун ҳар доим мавжуд бўлиши мумкинлигини улар онги ва қалбида шакллантирмас эканмиз, бу ўз навбатида, уларда мамлакат тақдири учун дахлдорлик, масъуллик туйғуларининг саёзлашувига ҳам сабаб бўлади.

Агар сиёсий маданиятни ривожлантиришга эриша олсак, улар мамлакат учун ташқи хавф-хатарлар нима, кимлар уни уюштиришлари мумкин, ҳудудий бутунлик нима учун зарур бўлади, чегараларни ташқи душманлар таҳдидларидан ҳимоя қилиш нима учун керак ва бунинг учун қандай вазифаларни биринчи навбатда амалга ошириш зарур, ёвуз кучлар қандай пайдо бўлади, уларнинг мақсадлари нималардан иборат каби ўта мураккаб, айни пайтда мамлакат тақдири, ёшларнинг истиқболи билан боғлиқ тушунчалар ва масалаларнинг мазмун-моҳиятини англаб этишига ҳамда уларга нисбатан ўзларининг муносабатларини шакллантиришга эришиш мумкин бўлади.

Ўрни келганда, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ОАВ ва турли алоқа коммуникацияларнинг мисли кўрилмаган даражада жадал ривожланиши шароитида ёшларнинг сиёсий маданиятидан кўра сиёсий онгининг тез ўсиб бориш ҳолати содир бўлмоқда. Сиёсий маданият,

сиёсий онгга нисбатан орқада қолмоқда. Албатта, сиёсий маданият сиёсий онг орқали юзага келади ва ривожланади. Агар сиёсий онг шаклланмаган бўлса, сиёсий маданият ҳам шаклланмайди. Улар бир-бири билан боғлиқ омиллар ҳисобланади, бу ҳақида юқорида тұхталған эдик. Бу ерда сиёсий маданият сиёсий онгнинг жадал ривожланиш тезлигидан орқада қолмоқда, — деганимизда ёшларнинг дунё миқёсида ва мамлакатда кечәётган сиёсий жараёнлардан хабардорлиги ҳамда уларнинг мақсад, муддаолари кимларнинг манфаатларига қаратилғанлигини аниқ тасаввур қилмасдан ва тушуниб етмасдан туриб бундай жараёнларга юзаки қараш ҳолатарининг мавжудлиги назарда тутилади. Шу билан бирга сиёсий онгнинг юксак даражада ривожланиб, сиёсий маданиятнинг ундан орқада қолиш ҳолатининг яна бир күрсаткичи ёшларнинг мамлакатда қабул қилинаётган турли қонунлар, сиёсий ҳаёт билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар, ҳатто үзларининг ҳукуқ ва эркинлигини кафолатловчи қонунларни билгандар ҳолда, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишда сиёсий салоҳиятининг етмаслигидир.

Бу фикримизга аниқлик киритиш мақсадида, яна бир муҳим омил моҳиятига ҳам эътиборни қаратиш зарур бўлади. Хусусан, юқоридаги сиёсий маданиятнинг сиёсий онгга нисбатан орқада қолаётганлиги ҳақидағи гоямизда улар доимо бир даражада ривожланиши лозим, — деган фикр йўқ, албатта. Чунки, ҳар қандай онг шаклларида бўлгани каби, сиёсий онг ҳам сиёсий маданиятга нисбатан олдин шаклланади ва ривожланади, сиёсий маданият унинг базасида шаклланади ва ривожланади. Бу ерда гап уларнинг ривожланиш даражалари ўртасида ҳар икки томоннинг мамлакат сиёсий ҳаётининг барқарор ривожланишига хизмат қиласидиган мувозанатни таъминлайдиган маълум оралиқ масофа мавжудлиги ва унинг ўзаро узоқлашиб кетмаслиги ҳақида бормоқда. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, сиёсий маданият сиёсий онгдан олдин шаклланмайди ва ривожлана олмайди. Демак, ана шу оралиқ масофадаги мувозанат бузилиб кетишида сиёсий онг етакчилик қиласиди.

Хуш, бу қандай оқибатларга олиб келади. Агар ана шу мувозанат бузиладиган бўлса, ёшларнинг билиб-бильмасдан турли сиёсий жараёнларга аралашиб, юзага келиши мум-

кин бўлган зиддиятлар ва сиёсий беқарорликнинг иштирокчиларига айланиб қолишларига олиб келади. Шу маънода ҳам сиёсий онгнинг сиёсий маданиятга нисбатан кескин ривожланишига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш мамлакат ва умумхалқ тараққиётлари манфаатларига хизмат қиласди.

Сиёсий онгнинг ривожланиши натижасида, ёшларда сиёсий жўшқинлик ва сиёсий фаоллик ошиб кетади. Агар, у сиёсий маданият билан бир вақтда ривожлантирилмаса, мувозанат барҳам топса, сиёсий онг ёшлардаги ана шу жўшқинлик ва фаолликни мамлакатнинг сиёсий зиддиятлар гирдобига тушиб қолишига олиб келиш хавфини юзага келтиради. Бундай ўта хатарли жараённинг олди олинмас экан, ёшларнинг сиёсий жўшқинлиги ва сиёсий фаоллигидан турли сиёсий кучлар ӯзларининг сиёсий мақсадларини амалга оширишда, хусусан, ҳокимиятни қўлга киритишда фойдаланишлари мумкин.

Ёшларда сиёсий жўшқинлик ва сиёсий фаоллик ҳам ўз-ӯзидан юзага келмайди. Уларнинг юзага келиши қўйидагилар билан боғлиқ бўлади: а) мамлакатда ижтимоий-иқтисодий инқирознинг юзага келиши; б) миллатлараро муносабатларда зиддиятларнинг содир бўлиши ва динлараро бағрикенгликнинг барҳам топиши; в) мамлакат амалий фаолиятида ёшлар манфаатлари, уларнинг ўсиб борадиган эҳтиёжларига нисбатан эътиборсизликнинг юзага келиши; г) мамлакатдаги сиёсий партияларнинг ҳокимият учун олиб борадиган курашларида амалдаги қонунларга хилоф равишида фаолият кўрсатишлари ва бунга ёшларни жалб қилиш ҳолати; д) мамлакат ҳаётига ташқи кучларнинг аралашуви ва унинг хавфсизлигига таҳдидларнинг юзага келиши кабиларда ёшлар сиёсий онгининг қисқа муҳлатда кескин ўсиб кетишига олиб келиши мумкин.

Энди улар қандай намоён бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишига ҳаракат қиласми. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий инқирозларнинг вужудга келиши барча аҳоли каби ёшларнинг ҳаётида ҳам ўз ифодасини топади. Бу улар ўртасида ишсизликнинг юзага келишига, шу билан бирга иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига сабаб бўлади. Ёшлар ана шу мураккаб вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини

излашга мажбур бўлади ва уларнинг биринчи омили сифатида давлатнинг амалдаги сиёсатдан норозилигини ва уни ўзгартириш лозим, деган сиёсий қарашларнинг ёшлар ўртасида оммавий равишда шаклланишига олиб келади. Бу жараённинг авж олишининг олдини олиш ва юзага келган вазиятнинг ўз вақтида сиёсий вазминлик билан ҳал этилиши амалдаги ҳокимиятнинг сиёсий фаолиятдаги моҳирлигига боғлиқ бўлади.

Миллатлараро муносабатлардаги ҳамкорликнинг барҳам топиши улар ўртасида зиддиятларнинг юзага келиши ва динлараро бағрикенгликнинг барҳам топиши ёшлар сиёсий онгининг кескин ўсиб кетишига олиб келади. Бу ҳар бир ёшнинг у ёки бу миллатга мансублиги, у ёки бу динга эътиқод қилиши билан боғлиқдир. Аксарият кўпчилик ҳолларда ёвуз кучлар ва сиёсий оқимлар ўзларининг жирканч мақсадларини амалга оширишда худди ана шу салбий омилларни юзага келтириш орқали эришишга ҳаракат қиласидар. Бу омилнинг қудрати, кучи шундан иборатки у ёшларнинг ички туйгулари, дунёқараши, қалби, гурури, орномуси, ҳис-ҳаяжонлари билан боғлиқ. Улар шундай нозик туйгуларки, агар уларга нисбатан қандайдир салбий таъсир юзага келадиган бўлса, бу сиёсий онгнинг мисли қўрилмаган даражада ўсиб кетишига олиб келади. Бугун дунёнинг баъзи давлатларида давом этा�ётган сиёсий бекарорликка ёшларни жалб қилишда худди ана шу миллатлараро муносабатларида зиддиятларни ва динлараро бағритошликтин юзага келтириш имкониятларидан фойдаланилмоқда.

Ёшлар сиёсий онгининг кескин ўсиб кетиши ва сиёсий маданият ривожининг ундан орқада қолишига давлат амалий фаолиятида ёшларнинг ўсиб борадиган эҳтиёжларини ҳисобга оловчи аниқ дастурларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ва уни реал ҳаётга татбиқ қилинмаганлиги ҳам сабаб бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ёшлар нафақат меҳнат ресурслари, шу билан бирга жамиятнинг мустақил ижтимоий табақалари бўлиб, мамлакатнинг суверен давлат сифатида барқарор ривожланиши, унинг истиқболи ёшлар билан боғлиқдир. Ана шу ўта муҳим жиҳатдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир давлат ўзининг ёшларнинг эҳтиёжлари-

ни ҳисобга олган ҳолда аниқ ишлаб чиқилган ва илмий асосланган давлат дастурига эга бўлишини тақозо этади. Агар бу — давлат фаолиятида ҳисобга олинмас экан, ёшларнинг давлатга нисбатан ишончи барбод бўлади ва бу жараённинг зиддан ривожланиши, куни келиб бирдан юзага қалқиб чиқишига олиб келади. Худди мана шу ҳолат барқарор ривожланиб келаётган сиёсий маданиятнинг юзага келган вазиятни «юмшатишга» кучи етмай қолиши, унинг ўрнига сиёсий онгнинг кескин ўсиб кетишини тезлаштириб юборади. Шу маънода давлатнинг ёшлар манфаатларига хизмат қилишига қаратилган аниқ ишлаб чиқилган дастури мавжудлиги унинг барқарор ривожланишида ёшларнинг фаол иштирок этишини таъминлайди ва сиёсий онг ҳамда сиёсий маданиятнинг мувозанатда тараққий этишига ижобий таъсир ўтказади.

Ёшлар сиёсий онгининг сиёсий маданиятга нисбатан кескин ўсиб кетишига мамлакатда фаолият олиб борадиган сиёсий партияларнинг файриқонуний тарзда ёшларни ўзларининг ҳокимият учун олиб борадиган курашларига жалб қилиши ҳам сабаб бўлади.

Сиёсий назария ва сиёсий амалиётда биронта сиёсий партия ёшларни ўз сафларига жалб қилмасдан ўзларининг мақсадларига эриша олмайди. Бу — ёшларнинг фаоллиги билан, шу билан бирга унинг истиқболи билан ҳам боғлиқдир. Аммо, уларнинг ҳаммасида ҳам ёшларни ўз сафларига бирлаштиришда қонунларга амал қилмаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Жумладан, мамлакат ҳаёти, унинг тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ҳар бир партия ўзининг стратегияси ва тактикасига эга бўлганлиги боис, уни амалга оширишда турли чақириқлар, шиорларини илгари суриб, бири иккинчисини қонунлар доирасидан чиққан ҳолда қаралиши ва бунга ёшларни кенг жалб қилишга эришин, уларда сиёсий онгнинг кескин ўсиб кетиши сиёсий бесқарорликнинг юзага келишига олиб келиши мумкин бўлади.

Амалда ёшлар сиёсий онгининг ўсишида сиёсий партиялар энг етакчи кучлардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда фикримизни кейинроқ давом эттирамиз. Бу ерда уларнинг ёшларнинг сиёсий маданиятларига қараганда сиёсий онгини кес-

кин ўстириб юборишдаги ўрни ҳақида гап кетмоқда. Энг асосийси, гап ёшларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини ўстиришда сиёсий партияларнинг фаолият олиб бор-маслиги ҳақида эмас, бунинг иложи ҳам йўқ, балки улар ёшлар сиёсий онгининг кескин ўсишини жамиятда сиёсий бекарорлик вазиятининг юзага келишига йўналтирмаслиги ҳақида бормоқда.

Ёшлар сиёсий онгининг сиёсий маданиятга нисбатан кескин равишда ривожланиб кетишида мамлакат ҳаётига ташқи кучларнинг аралашуви, унинг хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг юзага келиши ҳам сабаб бўлади. Бу ижобий аҳамиятга молик жараён ҳисобланади. Чунки, сиёсий онгининг ўсиши натижасида ёшлар онгидаги ватанпарварлик, Ватанини ҳар қандай ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш каби руҳият ривожланади. Бундай туйгулар ҳар қандай ўз Ватанини севадиган ёшларда шаклланиб, ривожланиши ва такомиллашуви ҳар доим мавжуд бўлади. Юқорида келтирилганидек, сиёсий онгнинг бирданига сиёсий маданиятга нисбатан кескин равишда ўсиб кетишига туртки берадиган омиллар қаторида мамлакатга ташқаридан юзага келадиган хавф-хатарлар ҳам сабаб бўлади. Бунда ёшлар онгидаги Ватанини ҳимоя қилишга қаратилган умумий сафарбарлик руҳияти амалий фаолиятга айланади.

Хуллас, сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўзаро муносабатларида мувозанатнинг доимий амал қилишига эришиш давлат сиёсий фаолиятидаги муҳим йўналиш бўлиб қолаверади. Сиёсий онгнинг сиёсий маданиятга нисбатан кескин равишда ўсиб кетиши, бир томондан, мамлакат хавфсизлигини таъминлашда ижобий роль ўйнаса, иккинчи томондан, мамлакат ички сиёсий ҳаётига даҳлдор соҳаларда салбий роль ўйнаши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиёсий онгнинг сиёсий маданиятга мувофиқ равишда ривожланиши ҳар қандай сиёсий жараёнлар, ҳаракатлар, фаолиятлар учун энг самарали бўлишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жараёнларда сиёсий маданият омили сиёсий онгни тартибга солиб, мамлакат ва умумхалқ манфаатларига, уларнинг тинчлиги ва барқарорлигига зид бўлган вазиятларнинг юзага келмаслигининг олдини олишда хизмат қиласи.

либ чиқадиган хулоса шуки, сиёсий маданият сиёсий онгга нисбатан мамлакатда барқарор тараққиёт учун етакчилик қилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ёшлар онги ва сиёсий маданиятини ривожлантирумасдан туриб, ҳеч бир давлат тараққиётга эриша олмайди. Чунки, сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ривожланиши нафақат сиёсий ҳаётнинг бир маромда тараққий этишига, шу билан бирга, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда ривожланишига, унинг ҳалқаро нуфузининг ошишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб боради.

Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантирувчи омиллар

Ёшлар сиёсий маданияти ўз-ўзидан шаклланмайди ва ривожланмайди. Бунинг учун, энг аввало, эҳтиёж юзага келиши керак бўлади. Мамлакатнар ва инсонлар тараққиётидаги бундай эҳтиёжлар ҳар доим мавжуд. У давлат ҳокимияти билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни мувозанатда бўлишини таъминлашнинг зарурлиги билан bogliqdir. Bir томондан, давлат ҳокимияти қанчалик ҳалқпарвар бўлмасин, у ўзининг «мен»лигини таъминлашдан манфаатдор бўлади. Bu унинг сиёсий институт сифатидаги табиати билан боғлиқ, иккинчи томондан, фуқароларининг ҳам давлат ҳокимияти фаолиятини доимо на зарда ушлаб туришига бўлган интилиши ҳам мавжуд. Худди ана шу икки томонда табиатан мавжуд бўладиган манфаатлар мувозанатини юзага келтириш, улар ўртасида ҳар доим муроса-ю мадорага эришиш учун сиёсий маданиятга бўлган ёҳтиёж ҳамиша мавжуд. Унинг мавжудлиги жамият, давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг сиёсий ҳаётидаги барча муаммоларни маърифатли ҳал қилиш мумкин.

Ана шу эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда, ҳар қандай мамлакатда ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш давлат ҳокимияти фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ёшлар сиёсий маданиятининг шакллананини ва ривожланишида оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, таълим тизими, ОАВлари ва бошқа институтлар, муҳим омиллар

ҳисобланади. Уларнинг фаолиятисиз ёшларнинг сиёсий маданияти ривожланмайди. Уларнинг бу йўналишдаги фаолиятини аниқ тасаввур этиш учун ҳар бирининг устида алоҳида фикр юритишга ҳаракат қиласиз.

Ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланишида оиланинг роли ниҳоятда катта. Фарзанд, дастлабки сиёсий тарбияни оилада, ота-онасидан олади. У давлат, тинчлик, барқарорлик, давлат бошлиғи ва уларнинг мавжудлиги оила учун зарурлигини ота-оналар томонидан эшитади ва унда маълум тасаввурлар шаклланади. Бу борада ўзбек оилаларида олиб бориладиган тарбиявий фаолиятнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ўзбек оилаларида ота-оналар томонидан овқатдан кейин ўқиладиган фотиҳаларда юрт тинчлиги, оилалар фаровонлигининг асосий омили Ватандаги барқарорлик эканлигининг ҳар куни такрорланиши, албатта, фарзандларда сиёсий қарашлар ва тасаввурларнинг дастлабки элементлари шаклланишига ижобий таъсир ўтказади. Айниқса, Ўзбекистонда оилаларга берилаётган эътибор, уларнинг қўллаб-куватланиши давлатимиз сиёсатидаги устувор йўналишлардан бирига айланганлиги, оилаларда ота-оналарнинг шукроналик руҳиятининг мавжудлиги, тинчлик ва барқарорлик, оилаларимиз фаровонлигини таъминланишининг негизи эканлигининг ҳар куни такрорланиши фарзандларимизда давлат ҳақидаги ижобий қарашларнинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказади.

Ўзбек оилаларидаги ана шу ижобий фазилат фарзандларимизда нафақат сиёсий қарашлар ва тасаввурлар шаклланишига, шу билан бирга миллатимиз менталитетида асрлар давомида шаклланиб келаётган вазминлик ва босиқлик каби фазилатларнинг мустаҳкамланишига ҳам ўз ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда.

Ўрни келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек оилаларида ҳеч бир ота-она инсонларни миллатларга ажратмайди, балки уларнинг қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, чинакам инсон бўлганига қараб баҳо беради. Худди шу ҳолат, фарзандларимиз онгода миллатчилик руҳиятининг юзага келмаслигига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда, дейишимизга тўла асос бор. Бу ҳолатлар фарзандларимизда сиёсий маданият ривожланишига ижобий таъсир ўтказиб кел-

мөқда. Бугун мамлакатимизда сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги халқимиз фарновонлигининг тобора ошиб бораётганligida ўзбек оиласарида фарзандларимизга берилаётган тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Фарзандларимизга давлатимиз томонидан берилаётган эътиборни алоҳида таъкидлани лозим. Жумладан, 2014 йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тұғрисидаги қарори қабул қилинди. Бу — мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соглом ва маънан етук, баркамол авлодни тарбиялашдек устувор вазифанинг мантиқий давоми бўлди. Она ва бола, ёшлар, баркамол авлод, оила ва бошқа номлар билан амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олийжаноб мақсадига ҳамоҳангидир. 2014 йилда Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юкори даражага қўтарилиди. Даструрда, аввало, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдиди ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Даструрда фарзандларимизни тарбиялашда оналар соғлигини мустаҳкамлаш, болалар ва оналарнинг соглигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган янги оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санаторий-курорт объектлари барпо этилиб, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди. Даструрда амалга оширилиши назарда тутилган вазифалардан яна бири мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллантириш, оила институтини мустаҳкамлашнинг назарда тутилганидир¹.

Даструрда фарзандларимизни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий базани янада такомиллантириш, таълим ва гарбия тизимининг моддий базасини янада мустаҳкамлаш,

давлат ташкилотларига, ўз-ўзини бошқарув ва бошқа жамият ташкилотлари зиммасига фарзандларимизни баркамол инсон қилиб тарбиялашда фаоллик күрсатиш вазифалари юклатилган.

Давлатимиз томонидан қабул қилинган мазкур давлат дастури ва унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш нафақат ижтиомий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва интеллектуал жиҳатдан, шу билан бирга сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки, фарзандларимизга давлат томонидан берилаётган бундай эътибор жамиятнинг муҳим ячейкаси бўлган оила институтининг янада мустаҳкам бўлиши, демак, бу — жамиятимиз ва давлатимизда барқарорликни таъминлаш заминлари кучаяди, деганидир. Бу имкониятлар оиласарда ҳар томонлама баркамол фарзандларни тарбиялашга эътиборнинг ошиб боришига ижобий таъсир ўтказади. Айни пайдада, фарзандлар баркамоллигининг муҳим мезонлари нафақат юксак интеллектуал салоҳиятга, маънавий-ахлоқий бойликка, шу билан бирга мамлакатда сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлган сиёсий маданиятга эга бўлишини ҳам ўз ичига олади. Зеро, жамиятда сиёсий барқарорликнинг таъминланиши юқорида Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш имконини беради. Ана шу жиҳатдан ҳам дастурда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишининг сиёсий аҳамияти ниҳоятда катта.

Ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши ва ривожланнишида маҳалла институтларининг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимизда маҳалланинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни ҳақида фикр юритганда ҳалқимизда «Бир фарзандга етти маҳалла ҳам ота, ҳам она», — деган нақлнинг қадрият даражасига кўтарилиганини эслашнинг ўзи кифоя. Ҳақиқатан ҳам, оила маҳалла ҳудудида жойлашган, оиласардаги вазият, фарзандларнинг хулқ-атвори, уларнинг ҳаётга бўлган муносабатлари, меҳнат қилиш, таълим олиш, ҳунар ўрганиш ва бошқа барча соҳалардаги фаолиятлари маҳаллада кечади. Бу жараёнларнинг барчасини маҳалладан бошқа биронта институтлар яхши билмайди.

Маҳалланинг ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги ўрни: а) фарзандлар ким билан юради, ўртоқлари кимлар, улар нима билан шуғулланади-

лар, уларнинг ота, она, жамият ва реал ҳаётга муносабатла-ри қандай шаклланмоқда; б) маҳаллага кимлар келади, улар ғаразли ниятли инсонлар эмасми, кимнинг хонадонига кўпроқ келадиган бўлиб қолдилар, деган масалалар доимо маҳаллалар дикқат марказида бўлади.

Айниқса, мамлакатимиз ўзининг мустақиллигини қўлга киритгандан кейин инсонларнинг ҳақ-хукуқлари ва эркинликлари таъминланганлиги муносабати билан, улардан ғаразли ниятда фойдаланишга ҳаракат қилаётган турли сиёсий ва диний оқимларнинг пайдо бўлганлиги уларнинг ёшлиарни ёлғон въздалар бериш, диний ва миллий қадриятларни бузиб қўрсатиш, улардан ўзларининг мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракатлари юзага келган шароитда маҳалланинг роли ниҳоятда ошиб кетди. Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, ёшларнинг турли ғараз ниятли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишиларининг олдини олишда маҳаллаларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Маҳалла фаолларининг ёшлар билан олиб борган суҳбатлари, уларнинг турли ғаразли ниятдаги диний оқимларнинг мақсадларини ёшларга тушунтиришлари, уларнинг ота-она ва қариндош-уруглари билан суҳбатлари ёшларимизнинг сиёсий маданиятининг ривожланишига, хусусан, ёвуз ниятли турли оқимларнинг ҳаракатларида сиёсий мақсадлар кўзланганлигининг маҳалла фаоллари томонидан етказилганлиги ёшларнинг бундай оқимлардан огоҳ бўлиш руҳиятининг шаклланишига ижобий таъсирини утказади.

Мустақиллик йилларида маҳаллалар ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос институти сифатида янада ривожланди, нуфузи ошди, ёшлар тарбиясида фаоллашди. Бугун мамлакатимизда ўн мингга яқин маҳаллалар мавжуд бўлиб, уларнинг моддий-техник базалари мустаҳкамланди, давлат ва жамиятда сиёсий барқарорликни, миллатлараро тутувлик, динлараро бафрикенгликни мустаҳкамлашидаги фаоллиги яққол намоён бўлмоқда. Албатта, уларнинг ёшлиар тарбиясидаги улarda сиёсий огоҳликнинг мустаҳкамланиши, маҳалла, юрт тинчлигини асраш руҳиятини шакллантиришдаги роли ортиб бормоқда.

Ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этадилар. Сиё-

сий партияларнинг асосий мақсади сиёсий ҳокимиятни кўлган киритиш ҳисобланади. Улар ўз фаолиятини амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган тартибларда олиб борадилар. Улар ҳокимият учун олиб бориладиган курашларда ўз атрофларига қанчалик кўп ўз тарафдорларини бирлаштира олсалар, кўзланган мақсадларга эришишлари ҳам осонлашади. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳокимиятни қўлга киритишларидаги биринчи ва асосий мақсад ўз атрофларига кўпроқ тарафдорни бирлаштиришдир. Улар айниқса ёшларга кўпроқ эътибор берадилар. Чунки, ёшлар ҳисобига партия сафларини мустаҳкамлаб бориш сиёсий партияларнинг истиқболи учун амалий аҳамиятга эга бўлади. Улардаги қизиқувчанлик ва фаоллик сиёсий партиялар нуфузининг ошиб боришига ижобий таъсир ўтказади.

Сиёсий партияларнинг ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги фаолияти: а) ёшларни ўзларининг сиёсий мақсадлари, дастурлари, ҳокимият учун бўладиган курашдаги стратегияси, тактикаси, бошқа сиёсий партиялар билан бўладиган курашда қайси услублар ва имкониятлардан фойдаланиш назарда тутилаётганлиги; б) агар сиёсий партия ҳокимият учун бўладиган курашда ютиб чиқадиган бўлса, бу ёшларга нималарни назарда тутилаётганлиги ва бошқа бир қатор йўналишдаги фаолиятларида ёшларнинг сиёсий билимларини ошириб борадилар.

Аммо, ёшларнинг у ёки бу партияга аъзо бўлиши, уни қўллаб-қувватлаши, уларнинг ўзларидан кўра сиёсий партияларнинг реал сиёсий куч даражасига кўтарила олишига боғлиқ бўлади. Агар улар бундай куч даражасига ета олмасалар, ёшларга берган ваъдаларини ҳам бажара олмайдилар. Бундай шароитда сиёсий партияларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги фаолиятлари ҳеч қандай самара бермайди. Шунинг учун айрим сиёсий партиялар сафларига ёшларнинг аъзо бўлиб киришларига хоҳишлари ҳам сусайиб боради. Ёшлар сиёсий партияларга аъзо бўлишларидан нафақат сиёсий мақсадлар, яъни давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этиш, шу билан бирга бу мақсадга эришиш йўли билан ўзларининг ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларини таъминлашни ҳам назарда тутидилар. Аммо, сиёсий партияларнинг ҳаммаси ҳам реал сиё-

сий куч даражасига қутарилавермайди. Бундай шароитда ҳар қайси партия ёшлар ҳисобига сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш имкониятига эга бўла олмайди.

Сиёсий партиялар ўз сафларини ёшлар ҳисобига тўлғабиб боришда уларни ўз фояларига ишонтира билишлари лозим. Бу фояларда қуруқ ваъдалар эмас, балки реал асосланган мақсад ва унинг самара бериши аниқ бўлиши тақозо этилади. Бугун мамлакатимизда тўртта сиёсий партия, жумладан, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП), Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП), Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (МТДП) ва Ўзбекистон «Адолат» СДП каби партиялар фаолият олиб бормоқдалар. Уларнинг барчасида ёшлар қаноти мавжуд бўлиб, партиялар уларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва сиёсий кураш тактикаларини шакллантириш борасида тарбиявий фаолиятларини олиб бормоқдалар. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг маъно-мазмунини англаб етишларига ва бу жараёнларда фаол иштирок қилишга бўлган интилишларининг тобора ошиб боришига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг яна бир омили давлат ҳокимияти ҳисобланади. Давлат ҳокимияти, леганда унинг уч тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари назарда тутилади. Аввало, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳокимиятнинг ана шу уч тармоғи ҳам ёшлар сиёсий маданиятининг юксак даражада ривожланишидан манфаатдордирлар. Чунки, ёшларнинг сиёсий маданиятининг ривожланиши; а) ёшларнинг Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган қонунлардан хабардорлиги, улар ҳақида ўз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда тегишли таклифларнинг билдириши, энг аввало, қонунларнинг реал ҳаётни ўзида акс эттириш имконини берса; б) иккичи жиҳатдан, қонунларнинг пухта бўлишига ҳам ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, Олий Мажлис ўз фаолиятида депутатларнинг ёшлар билан учрашувларини ташкил қиласи ва улар томонидан билдирилган фикрларни ҳисобга олади.

Ижро ҳокимияти ҳам ўз фаолиятида ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириб боришига эътибор беради. Чунки

ижро ҳокимияти учун ёшлар сиёсий маданиятининг ривожланиши уларнинг ижро ҳокимияти функцияларини тұлиқ аңграб етишлари, тизимда фаолият олиб бориша қонунларда белгиланған тартибларда фаолият күрсатышлари кабиларда ёрдам беради. Ижро ҳокимияти үзининг тизимиға киравчы таълимнинг барча босқичлари, тегишли ташкилот, вазифалар орқали ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш вазифаларини амалга оширади. Албатта, бу жараёнларда қонунни ҳимоя қылувчи органларни ҳам алоҳида таъкидлаш түғри бўлади. Айниқса, бу органлар ходимлари томонидан олий ўқув юртлари, коллежлар ва таълимнинг бошқа тармоқларида ёшлар билан ўтказаётган учрашувлар ва суҳбатларнинг уларда сиёсий маданиятнинг ривожланишига ўз ижобий таъсирини ўтказаётганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Айни пайтда олий ўқув юртлари ҳам ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Уларда ўқитилаётган «Политология», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси», «Ҳукуқшунослик», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» каби фанларда талаба-ёшларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришга эътибор қаратиласпти.

Хуллас, ижро ҳокимияти тизимида ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш, унинг фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланиб келинмоқда. Давлат ҳокимиятининг яна бир тармоги бўлган Суд ҳокимияти ҳам ўз фаолиятида ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта эътибор билан қараб келмоқда. Чунки ёшлар сиёсий маданиятининг ривожланганлиги: а) уларнинг қонунларга амал қилиш маданиятининг шаклланишига, уларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушунишларига; б) ёшларнинг қонун билан яшаш кўникмаларининг шаклланиши каби мамлакатда сиёсий барқарорлик, фуқароларнинг тинчлиги учун ўта муҳим эҳтиёжларнинг таъминланишига ўз ижобий таъсирини ўтказади.

Шунинг учун ҳам Суд ҳокимияти ўз фаолиятида қонунларнинг мазмун-моҳияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ мавжуд қонунлар ҳамда тегишли меъерий ҳужжатларни ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот қилишга қаратиб келади.

Мустақиллик йилларида суд-хуқуқ тизимининг ислоҳ қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. «Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди»¹.

Бу чора-тадбирлар ёшларимиз сиёсий маданиятининг ривожланишига ўз ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда.

Хуллас, давлат ҳокимиюти органлари ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришда фаол иштирок этмоқда.

Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожланишида меҳнат жамоалари ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Улар ишлаб чиқаришнинг тармоқлари, ноишлаб чиқариш соҳалари, таълим тарбия ва бошқа соҳалар билан бир-бирларидан фарқ қиласидилар. Қандай соҳа бўлмасин уларда ёшлар ҳам қатнашадилар. Меҳнат жамоаларида фаолият олиб борадиган инсонлар ўртасида бўладиган суҳбатларда кўп бўлмаса-да, сиёсат ҳақида, хусусан, давлатнинг олиб бораётган фаолияти, унинг айниқса фуқароларнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондириши, уларнинг моддий фаровонлигининг аҳволи, унда юзага келган ижобий ўзгаришлар, мавжуд муаммолар, уларга давлатнинг муносабати ва шунга ўхшаш йўналишларда ўзаро мулоқотлар бўлиб туради. Айниқса, бозор муносабатлари шароитида кимларнингдир ҳаддан ташқари бойиб кетаётганлиги, иккинчи бирларининг иқтисодий аҳволининг ночорлиги каби масалалар ҳам жамоа аъзоларининг ўзаро суҳбатларида бўлиб туради. Уларнинг бўлиши табиий. Жамоаларда меҳнат қилаётган ёшлар ҳам улардан боҳабар бўладилар, айрим ҳолатларда уларнинг узлари ҳам қатнашадилар.

Масалага чуқурроқ қараганда, меҳнат жамоаларида бўлиб ўтадиган суҳбатлар йўналишига қараб, жамоа аъзоларининг муносабатларига қараб, жамиятнинг, давлатнинг қайси ҳолатда эканлигини билиш мумкин. Муаммо, бундай сух-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланиришни концепцияси. (Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик налатаси ва Сенатнинг қўшма Мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь). — Т.: «Узбекистон», 2010.17-бет.

батларнинг булиб туришида эмас, балки жамоа аъзоларининг уларга нисбатан қандай ёндашуви дадир. Агар жамоа аъзолари мамлакатда қўлга киритилган ютуқларга объектив баҳо бериб, уларни эътироф этадиган бўлсалар, жамоада меҳнат қилаётган ёшларнинг сиёсий маданияти ана шу йўналишда ривожланиб боради, агар унинг акси бўлса, яъни мавжуд муаммоларни, ҳатто ўзлари меҳнат қилаётган жамоадаги майда-чуйда муаммоларнинг ҳал қилинмаётганлигига давлатни айблаш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу ёшларнинг сиёсий маданиятига салбий таъсир ўтказади, улар руҳиятида давлатга ишончсизлик кайфияти юзага келади. Бундай ҳолатнинг меҳнат жамоаларида узлуксиз давом этиши бора-бора катталашиб боришига сабаб бўлиши мумкин. Халқимизда «Томатома кўл булур», деган нақл бор, меҳнат жамоаларида юзага келиши мумкин бўлган майда-чуйда норозиликлар охир-оқибатда ёшлар онгида салбий ҳолатларни юзага келтиради.

Жаҳоннинг кўзга кўринган сиёсатчилари оғиздан-офизга қўчадиган турли «миш-мишлар» ва «жамоатчилик» фикрларини «ҳокимиятнинг» мустақил шакли сифатида қарашларининг сабаблари ҳам, меҳнат жамоалари ва жамиятнинг бошқа ўюшмаларида юзага келадиган жамиятдаги барқарорлик ёки бекарорликни ана шу ўзаро мулоқотларнинг қандай йўналишда бўлишига боғлиқлигини алоҳида таъкидлашлари бежиз эмас. Агар масалага ана шу нуқтаи назардан қарасак, ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш, уларнинг кимларнингдир нимадандир норозилигини қандай айтиладиган бўлса, шундай қабул қилмасдан чукур мулоҳаза юритиб, таҳдил қилиб, ўзларининг мустақил фикрларини билдириш даражасига етказишда меҳнат жамоалирининг сиёсий маданиятини ҳам изчиллик билан ривожлантириб бориш тақозо қилинмоқда.

Бу соҳада мамлакатимизда бир қатор, шу жумладан таълим тизимида ойда бир кунни «Маънавият куни» деб эълон қилинганлиги ва унинг реал амалиётга жорий қилинаётганлиги, меҳнат жамоаларида мамлакатимизда булаётган ислоҳотлар ва эришилаётган ютуқларга багишланган давра суҳбатларининг ўтказилаётганлиги каби тадбирларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Уларнинг реал маълумотларга тая-

ниб ўтказилиши, ўрнида мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ҳал этилиши билан боғлиқ фактларнинг келтирилиши ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсири ўтказади.

Жамоа ҳар доим тарбия маскани бўлиб келган ва бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ана шу нуқтаи назардан ҳам ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришда унинг имкониятларидан самарали фойдалана билиш ҳам мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб қолаверади.

Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг яна бир омили, бу — ОАВ, турли алоқа коммуникациялари, Интернет ва бошқа замонавий воситалар ҳисобланади. Уларнинг бу жараёндаги ўрни: а) маълумот, ҳодиса ва турли жараёнларни оммага етказишда ҳозиржавоблиги, (яъни, қисқа муддатда етказиш) ва имкониятнинг мавжудлиги; б) оммавийлиги кабиларда ўз ифодасини топган. ОАВ ва бошқа коммуникацияларнинг тўртинчи ҳокимият — деб аталиши ҳам уларнинг юқоридаги имкониятлари билан боғлиқдир. Гарчанд, Конституциямизда уларга тўртинчи ҳокимият мақоми берилмаган бўлса ҳам, у ҳақиқатан ҳам, реал ҳаётда ана шу функцияни бажариб келмоқда. У ўз фаолиятидаги тезкорлиги ва оммавийлиги билан жамият аъзоларида ижтимоий ҳамда сиёсий фикрларни шакллантиришда бошқа воситалардан олдинда юради.

ОАВ ва бошқа коммуникациялар ҳақида фикр юритганда радио, телевидение, вақтли матбуот, Интернет ва бошқа воситалар назарда тутилади. Улардан тарқатиладиган турли хабар ва ҳодисалар саноқли дақиқалар ичida дунёнинг энг чекка жойларигача етиб бормоқда. Айниқса, бутунги кунда уларнинг юксак даражада ривожланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак ва тарқалаётган хабарлар ва маълумотларнинг аксарият қисми сиёсий характерга эга эканлигини назарда тутсак, уларнинг ёшлар сиёсий онгининг жадал суръатларда ўсиб боришига ўтказаётган таъсириининг нақалар катта эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Аммо, улар фаолиятидаги асосий муаммо ёшларнинг дунёда тарқатилаётган реал ҳаётдан узоқ бўлган ёки ёшлар онгини забт этишга қаратилган турли хабарлар ва маълу-

мотларнинг гоҳида нотўғри талқин этилиши ҳолатлари мавжуд. Бугун улар мамлакатимиз ёшлари сиёсий қарашла-рига ва маданиятига қандай таъсир ўтказмоқда? — деган савол қўйиладиган бўлса, унга аниқ жавоб бериш имко-нияти ҳам деярли йўқ, дейиш мумкин. Бунинг асосий саба-би: а) бу жараённи изчиллик билан таҳлил этадиган мони-торинг марказининг йўқлиги; б) мамлакатимизга дунёдан оқиб келаётган турли ёлғон хабарлар, «назариялар» ва қараш-ларга бағишлиланган социологик тадқиқотларга асосланган фундаментал мақолаларнинг етишмаслиги ҳам ёшларимиз сиёсий маданиятининг қай даражада ривожланаётганлигини аниқлашдек мураккаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугун Ўзбекистонда 600 дан ортиқ вақтли матбуотда мақолалар чоп этилмоқда. Уларда хорижий мамлакатларда тарқатилаётган, ёшларнинг онги ва қалбини забт этишга қаратилган фоявий-мафқуравий материалларнинг маъно-маз-мунини очиб беришга қаратилган илмий асосланган мақо-лалар бугунги ўсиб бораётган эҳтиёжларга жавоб берадиган даражада деярли учрамайди. Онда-сонда берилаётган мақо-лалар ҳам информацион характерга эга бўлиб қолмоқда. Боз устига маълумотларни тарқатишда ҳам бир-бируни такрор-лашлар мавжудлиги ҳам бугун ОАВнинг тез ўзгараётган замон талабидан орқада қолишига сабаб бўлмоқда. Бу — ёшлар-нинг улардан фойдаланишига, интилишига ҳам салбий таъ-сир ўтказмоқда. Асосан, уларнинг «кўнгилочар» мақолалар, рекламалар ва хабарлар бериладиган бозорбоп газета, жур-нал ва бошқа воситаларга кўпроқ қизиқишлири ортиб бор-моқда. Бу эса уларнинг ҳаётга енгил-елпи қарашларига олиб келади ва сиёсий маданиятига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказ-май қолмайди. Бугун мамлакатимизда вақтли матбуотлар сонини эмас, балки уларнинг сифатини ошириш ҳақида кўпроқ ўйлашимиз лозим. Уларнинг ҳозирги замон ин-теллектуал тараққиёти даражаларига жавоб берадиган, ёшларнинг ташвишлари ва эҳтиёжларини ўзида реал акс эттирадиган, айни пайтда, уларни яратувчилик йўлида янада фаоллаштиришга бағишлиланган мақолаларни эълон қилишга асосий эътибор қаратилишини даврнинг ўзи та-лаб қилмоқда.

Үрни келганды, шуны ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан вақтли матбуотни құллаб-қувватлаш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу соңа вакилларининг малакасини ошириш, моддий ва маънавий жиҳатдан рагбатлантириш борасида катта эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, турли номларда бу соңа бўйича кўриктанловларнинг ўтказилиши, давлат мукофотларининг берилаетганлиги, ёшларнинг хорижий мамлакатларга тажриба алмашиш бўйича юборилаётганлиги кабилар ана шу берилаетган эътиборнинг кўринишлари дейиш мумкин.

Ана шулардан келиб чиқадиган бўлсак, бугун оммавий ахборот воситаларимиз ҳам ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалаларни ёритишга бугунгидан-да, кўпроқ эътибор қаратиш вазифасини янада долзарблаштируммоқда.

Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришида сиёсий тарбиянинг ўрни

Тарбия аниқ мақсад ва манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда турли йўналишларда олиб борилади. Жумладан, унинг иқтисодий, маънавий-маърифий, умуминсоний, гоявий, мафкуравий, миллий,

сиёсий ва бошқа шакллари мавжуд. Тарбиянинг бу шакллари олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан ўрганилиб келинмоқда. Улардан кўзланган мақсадлар, уларнинг мазмун-моҳияти, ҳали тўла ўрганилмаган жиҳатлари, амалга ошириш услублари, имкониятлари, тарбиявий таъсири даражалари бугунги кунгача ўрганилиб келинмоқда. Улар номланиши ва кўриниши жиҳатдан содда бўлса-да, амалга ошириш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки, улар инсон онги, қалби, дунёқарashi ва тафаккури билан боғлиқ. Улар қанча инсон бўлса, шунча шаклда ҳамда даражада шаклланади ва ривожланади. Шу боис ҳам уларни тегишли мақсад ва манфаатларга йўналтириш мураккаб кечади. Аммо, уларга нисбатан эътиборсизлик бўлса, кўзланган мақсадларга эришиб ҳам бўлмайди. Ана шу жиҳатдан ҳам, белгиланган вазифаларнинг муваффақияти бугунги авлодларимизга қандай тарбия бера олишимизга боғлиқ бўлади. Мана шу ўта муҳим вазифадан келиб чиқадиган бўлсак, ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалаларни кенгроқ ўрга-

ниш, унинг имкониятларидан тўла фойдаланиш учун уларнинг ҳар бир шаклини, бугунги тез ўзгараётган замон эҳтиёжларига мос равишда ўрганиб бориш долзарблигича қолмоқда. Бу ерда уларнинг ҳаммаси ҳақида эмас, балки мавзуимиз доирасида сиёсий тарбия ҳақида фикр юритишига ҳаракат қиласиз.

Сиёсий тарбияга тури қарашлар ва фикрлар билдириб келинмоқда. Уларнинг бирида тарбиянинг сиёсий онгнинг шакллантирилишига қаратилганлигига эътибор берилган бўлса, иккинчисида сиёсий онглиликни тарбиялашга қаратилганлиги, учинчисида унинг сиёсий онг ва сиёсий маданиятини шакллантиришга қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, «Фалсафа қомусий луғат»да «Сиёсий тарбия — ижтимоий тарбиянинг сиёсий онг ва маданиятни шакллантиришга қаратилган муҳим шаклларидан бири»¹, деган таъриф берилган. Аммо, бу тушунчага Ўзбекистонда эълон қилинган бошқа луғатларда таъриф берилмаган, шунингдек, сиёсатни ўрганишга бағищланган монографияларда ҳам илмий таърифлар учрамайди. Ҳатто сиёсат, сиёсий жараёнлар ва кенг маънодаги сиёсатни ўрганадиган «Политология» фанида ҳам бу тушунча таҳлил этилмаган, унинг давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларидағи ўрни ҳам эътибордан четда қолганлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда сиёсий онгнинг ўсиб бориши шароитида, унинг кўпчилик ҳолатларда сиёсий маданият билан мувозанатда ривожланмаганлиги оқибатида айрим мамлакатларнинг сиёсий зиддиятлар гирдобига учраётганлигининг сабабларидан бири ҳам, сиёсий тарбиянинг ана шу жараёнларнинг даражаларидан орқада қолаётганлиги билан боғлиқ булиб қолмоқда. Сиёсат, сиёсий жараён, сиёсий зиддиятлар, сиёсий мақсад ва сиёсий манфаатлар бор экан, демак, сиёсий тарбиянинг олиб борилишини ҳам тақозо этади. Унинг олиб борилиши мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган сиёсий зиддиятлар, қарама-қаршиликларнинг олдини олиш имконини беради.

«Сиёсий тарбия» тушунчаси мазмун-моҳиятига қайтиб, шуни таъкидлаш лозимки, юқорида таъкидлаганимиздек,

¹ Фалсафа қомусий луғат. — Т.: «Шарқ», 2004. 366-бет.

у чуқур таҳлил этилиши лозим. Албатта, уни ҳажм жиҳатдан кичик рисола доирасида тўла таҳлил этишнинг имконияти йўқлигини ҳисобга олиб, айрим жиҳатлари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиласиз.

«Сиёсий тарбия» жамият ҳаётида сиёсий онг ва сиёсий маданиятни ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Агар улар ривожланмас экан, қабул қилинадиган қонунлар қуруқ қофозда қолиб кетаверади. Чунки сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ривожланиб бориши қонунларни реал ҳаётга татбиқ қилиш имконини беради. Ана шу жиҳатдан «сиёсий тарбия»ни сиёсий онг ва «сиёсий маданият»нинг ривожланишига таъсир ўтказувчи омил деб қарашиб мумкин. Иккинчи жиҳатдан айни пайтда уни сиёсий жараёнлардаги ана шу ўта мураккаб омиллар мувозанатини юзага келтирувчи тарбия шакли дейиш мумкин. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, ана шу омиллар ўртасидаги мувозанат барбод бўладиган бўлса, мамлакатда сиёсий беқарорлик юзага келади. Сиёсий тарбиянинг яна бир жиҳати, шахснинг сиёсий мавжудот сифатида ўзининг «мен»лигини англаб етишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир шахс ўзини сиёсий мавжудот сифатида «мен»лигини англаши, унинг:

а) давлат фуқароси, ундан фахрланиш, фуурланиш руҳиятига эга бўлишини;

б) унда ўз мамлакатида сиёсий ва ижтимоий барқарорлик бўлишига мойиллик руҳияти қучли бўлади. Ўз мамлакати тақдири билан ўз тақдирининг уйғунлилигини ҳис этиш туйғулари мустаҳкам бўлади;

в) сиёсий «мен»ликни англаш ҳар бир фуқарога сиёсий масъулиятни англаш вазифасини ҳам юклайди. Шахсда давлат ҳокимияти билан бўладиган муносабатларда тийиб туриш тамойилига амал қилиш руҳиятининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир ўтказади. Албатта, бу — унинг мамлакатда кечадиган сиёсий жараёнларда қатнашмаслик, улардан ўзини узоқ тутишига олиб келади, дегани эмас, балки уларнинг умумманфаатлар йўналишига, ривожланишига ўзининг идроки, фаолияти билан таъсир ўтказишига ёрдам беради, — деганидир.

Шундай қилиб, сиёсий тарбия — деганда давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари институтларининг фуқа-

роларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини мувозанатда ривожлантириш, ана шу институтлар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни умумманфаатларга йўналтириш, шахснинг сиёсий мавжудот сифатидаги «мен»лигини англаб этишга қаратилган сиёсий фаолиятини тушуниш мумкин.

Ҳар қандай тарбия маълум институтлар томонидан фаолият орқали амалга оширилишини назарда тутган ҳолда сиёсий тарбия ҳам, энг аввало, давлат томонидан, сиёсий партиялар ва жамият ташкilotларининг фаолиятлари орқали амалга оширилади. Хусусан, Ўзбекистонда ёшлар сиёсатига оид маҳсус давлат дастури мавжудлигини ҳамда унинг реал ҳаётга татбиқ этилаётганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин. 2014 йилнинг 6 февраляда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унинг қўпгина бандлари ёшларнинг сиёсий маданияти ва хуқуқий билимларини оширишга қаратилган. Жумладан, 3-бандда: Ўзбекистон Республикасида сиёсий, хуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўлақонли тушуништириш, ёш авлодни ушбу жараёнларга кенг жалб этишга қаратилган «Ватан келажаги — сенинг қўлингда!» тарғибот лойиҳасини амалга ошириш;

4-банди: Ёшларни давлат ҳокимияти (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судлари ҳамда ушбу идораларнинг қўпгина тизимларида туркум учрашувларини ташкил этиш;

9-банди: Олий таълим муассасалари талабаларининг сиёсий ва хуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида «такфакур синовлари» Республика танловини ўтказиш каби вазифалар белгиланган.

Албатта, уларнинг реал амалга ошиши ёшларимизнинг сиёсий ва хуқуқий маданиятининг янада ривожланиб боришига ижобий таъсир ўтказади.

Ёшларни сиёсий тарбиялаш деганимизда, уларда мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш, сиёсий барқарорлик, унинг негизида турган омиллар, сиёсий партиялар, уларнинг дастурларида белгиланган мақсадлар, уларни ёшларимиз ўз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда танлаб олиш салоҳиятини шакллантириш, улар онгида ватанпарварлик, мамлакат хавфсизлигини таъминлашга дахлдорлик, демократик қадриятларни ўзлаштириш, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида фаол иштирок қилиш кабиларни шакллантириш вазифаларини ўз ичига қамраб олган тарбия тизимини назарда тутамиз.

Сиёсий тарбиянинг яна бир муҳим йўналиши ёшларда қонунларга итоаткорлик, ҳар қандай сиёсий вазиятда вазминлик, шахсий сиёсий манфаатларни давлат ва жамият манфаатлари билан уйғун олиб бориш кабилар ташкил этади. Сиёсий тарбиянинг бу йўналишлари ҳар бири мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, ёшларнинг давлатимизнинг истиқболи учун дахлдорлик туйғуларининг шаклланишига ижобий таъсир ўтказади. Ана шу вазифалар тизимидағи ёшларда давлат томонидан қабул қилинган қонунларга итоаткорлик руҳиятини шакллантиришни олиб кўрайлик. Аслида ҳар бир ёшнинг қонунларга итоатда бўлиши шундоқ маълум. Аммо, айрим ёшларнинг ана шу итоаткор бўлишликни ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларининг «чекланиши», — деб қараш ҳолатларининг мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади. Ёшларнинг ана шу айримлари ўzlари амал қилиши зарур бўлган қонунларни била туриб, унга амал қилмайди. Унга амал қилса, худди ўзининг сиёсий «мен»лигини «поймол» этаётгандек. Қонунларни билиш сиёсий онгнинг ривожланганлигини кўрсатувчи даража бўлса, унга амал қилмаслик сиёсий маданиятнинг саёзлигини кўрсатувчи даража ҳисобланади.

Юқоридаги қонунларга итоат қилишни ҳуқуқ ва эркинликнинг «поймол» этилиши, деб қараш сиёсий тарбия ўз вақтида талаб даражасида олиб борилмаганлиги оқибагидир.

Ёшларнинг қонунларга итоат қилиши деганимизда, уларни қонунларни ҳимоя қилиш органлари томонидан маж-

бурлаш назарда тутилаётгани йўқ, балки қонунларнинг халқ иродаси, кўпчилик иродаси эканлиги учун ҳам уни англаган ҳолда уларга амал қилиш назарда тутилади. Шунинг учун ҳам қонунларга итоат этилишини шахснинг халқнинг, кўпчиликнинг иродасига бўйсуниш, деб қаралса тўғри бўлади.

Энди «эркинлик» тушунчасига тұхталиб, шуни таъкидлаш лозимки, унга жуда кўплаб таърифлар берилган, у бугун ҳам давом этиб келмоқда. Унга инсоният тараққиётининг турли босқичларида турлича қараб келинган. Бу тушунчага ҳар доим фуқаро ва давлат муносабатларида кечадиган жараён сифатида қаралган. Фуқаронинг чекланмаган эркинликка интилиши, давлатнинг эса фуқаронинг эркинлиги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни «чеклаш»га бўлган табиий функцияси ўртасида кечадиган жараёнлар унинг мустақил мақомини ўзида ифода эттиради.

Реал ҳаётда абсолют чекланмаган эркинлик бўлмайди. У мамлакат ва унда яшайтган фуқаролар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тегишли қонунлар билан чекланади ва тартибга солиб турилади. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, жинси, миллати яшаш жойи ва жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, тенглигини таъминлаб туради. Айни пайтда эркинликнинг чекланиши ва тартибга солиб турилиши жамият ҳаётида сиёсий барқарорликни таъминлашга ҳам хизмат қиласи.

Эркинлик — қонунларда белгиланган ҳуқуқдир. Қонунлар бўлмаган жойда ҳуқуқ ҳам бўлмайди. Ҳуқуқ ва эркинлик сиёсий ахлоқнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам эркинликнинг қонун доирасидан чиқиб кетиши — **бу сиёсий ахлоқсизликнинг кўриниши ҳисобланади.** Сиёсий ахлоқсизликнинг юзага келишига фуқаро ва давлат ҳокимияти бошқарувининг сиёсий парокандаликка учраши деб қараш мумкин.

Сиёсий тарбиядан кўзланган мақсадларнинг негизида ҳам ёшларимиз онги ва қалбида сиёсий ахлоқсизлик шаклланишининг олдини олишга хизмат қиласиган сиёсий маданиятни изчиллик билан ривожлантиришдир.

Сиёсий тарбия сиёсий маданиятнинг тарқибий қисмлари бўлган сиёсий иммунитет, сиёсий оғоҳлик, сиёсий барқорликка масъуллик, мунозарали масалаларни вазманилик билан ҳал этиш каби мамлакат тараққиёти учун ўта мухоммад бўлган омиллар шаклланиши ва ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Сиёсий тарбия ёшларининг сиёсий жараёнларда мамлакат тараққиёти ва умумманфаатлар йўлида онгли равишда қатнашишига ҳам ёрдам беради.

Мамлакатимизда демократик қадриятлар шакллантирилаётган бутунги кунда, ёшларимизнинг бу жараёнларда фаол иштирок этишига эришиш уларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришда амалий аҳамиятга молик вазифа ҳисобланади. Чунки, ёшларимизнинг сиёсий маданиятининг ривожланиши нафақат уларнинг бу жараёнларда фаоллигини, шу билан бирга қонун билан ҳам яшаш, ўзининг бугунги, эртанги куни ва истиқболини ҳам унга онгли равишда риоя қилиш зарурлигини англаб этиш салоҳиятининг мустаҳкам бўлишига олиб келади. Бунга эришишда ёшларимиз ўртасида сиёсий тарбияни олиб бориш, унда давлат, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг фаол иштирок этишлари амалий аҳамиятга эга бўлади.

ХУЛОСА

Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш мустақил илмий тадқиқотларнинг мустақил мавзуси сифатида фундаментал тарзда ўрганилмаган. Аммо, жаҳон глобаллашувининг авж олиш шароитида уни ўрганишга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Чунки, бугун уларнинг онги ва қалбини эгаллашга бўлган кураш кучайгандан-кучайиб бормоқда. Бу салбий жараёнга бефарқ қараш мамлакатимиз ёшларини улар таъсиридан ҳимоялаш заруриятини кучайтиromoқда.

Ёшлар сиёсий маданиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ва тегишли назарий хуласалар ишлаб чиқиши: биринчидан, глобаллашув жараёнида улар онги ва қалбида сиёсий жараёнларга бўлган муносабатларнинг ҳолатини аниқлаш; иккинчидан, уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларда фаол иштирок этиш учун хоҳиш ва интилишларига назарий жиҳатдан ёрдам бериш; учинчидан, уларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга хизмат қиласиган таклифларни илгари суриш кабиларнинг имконини беради.

Мазкур масалани ўрганиш жараёни шуни кўрсатадики, мамлакатимиз ёшларининг сиёсий онги ва сиёсий маданияти олиб борилаётган сиёсий ислоҳотлар ва унинг амалга оширилиши даражаларига мос келади. Айни пайтда, ёшларимизнинг маълум қисмини сиёсий онги ва сиёсий маданияти бугунги тараққиётимиз даражаларидан орқада қолмоқда. Бу, ўз навбатида, уларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини изчиллик билан ривожлантириш вазифасини кун тарти-

бига құяди. Сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг бугунги ҳолати таҳлилларидан маълум бўлдики, ана шу иккى омилнинг ривожланишида ўзаро мувозанат амал қилиши мамлакатимизда сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Улар ўртасида мувозанатнинг амал қилмаслиги эса, сиёсий беқарорликнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Ана шу жиҳатдан ҳам, мамлакатимиз ёшларининг сиёсий онги ва маданиятини ўзаро мувозанатда ривожлантириш сиёсий тарбиявий фаолиятимизнинг муҳим йұналишига айланиши лозим.

Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришга беътибор бўлиш, уларнинг турли гаразли мақсадларни кўзлаётган кучлар ва оқимлар таъсирига тушиб қолишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, сиёсий беқарорлик учун хатарли хавф-хатар ҳисобланади. Уларнинг олдини олиш учун: биринчидан, республикамизда мавжуд ёшлар марказларининг бирида уларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятини доимо таҳлил қилиб борадиган ҳамда тегишли илмий тавсиялар ишлаб чиқадиган етакчи мутахассислардан иборат социологик тадқиқот гуруҳини ташкил қилиш: иккинчидан, ёшларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришда давлат, сиёсий партиялар ва жамият ташкилотларининг фаоллигини ошириш: бу уларнинг ўzlари англаб етмаган ҳолда, сиёсий жараёнларга қўшилиб қолишларининг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Яъни, уларнинг сиёсий онг ва маданиятини мақсадларимизга ва манфаатларимизга зид бўлган кучлар ёки оқимлар эмас, балки мамлакатимиз тараққиётiga, унинг барқарорлигига хизмат қилишга йұналтирган имкониятларимизни ривожлантириб боришимиз лозим.

Ёшлар сиёсий маданиятининг барқарор ривожланиши мамлакатимизда сиёсий барқарорликнинг янада мустаҳкам бўлишига ва ёшларимизнинг сиёсий онгидаги бунёдкорлик руҳиятининг тараққиётiga қилишида амалий аҳамиятга эга бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2014 йил 6-февралдаги ПҚ 2124-сонли қарори.
3. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисад, сиёсат, мафкура. 1-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.
5. *Каримов И.А.* Маънавий юксалиш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1998.
6. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т.: «Ўзбекистон», 1999.
7. *Каримов И.А.* Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, баҳтли бўлиши шарт. 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999.
8. *Каримов И.А.* Ҳушёрликка даъват. — Т.: «Ўзбекистон», 1999.
9. *Каримов И.А.* Миллий истиқлол мафкураси — ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. — Т.: «Ўзбекистон», 2000.

10. *Каримов И.А.* «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суюнчи ва таянчи бўлсин. // Ватан равнақи учун барчамиз масъулмиз. 9-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2001.
11. *Каримов И.А.* Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистоң сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим. — Т.: «Ўзбекистон», 2003.
12. *Каримов И.А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2004.
13. *Каримов И.А.* Империя даврида бизни иккинчи дараҷали одамлар, деб ҳисоблашар эди. — Т.: «Ўзбекистон», 2005.
14. *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. — Т.: «Ўзбекистон», 2005.
15. *Каримов И.А.* Ёшларимиз — халқимизнинг ишончи ва таянчи. — Т.: «Маънавият», 2006.
16. *Каримов И.А.* Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. — Т.: «Ўзбекистон», 2007.
17. *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008.
18. *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: «Ўзбекистон», 2011.
19. *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2010.

Қўшимча адабиётлар

1. *Азрянц Э.* Глобализация: Катастрофа или путь к развитию? — М.: «Новый век», 2002.
2. *Аманов Б.* Сиёсий модернизацияланган моделлари ва Ўзбекистон тажрибаси. — Т.: «Fan va texnologiya», 2012.

3. *Бек У.* Что такое глобализация? — М.: «Прогресс-традиция», 2001.
4. *Гринин Л.Е.* Глобализация и национальный суверенитет-история и современность. — М., №1, 2005.
5. Глобалистика международный междисциплинарный энциклопедический словарь. — «Москва — Санк-Петербург — Нью-Йорк», 2006.
6. *Жураев С.А.* Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт (илмий таҳлилий мақолалар тўплами). — Т.: «Шарқ», 2003.
7. Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, мөхияти ва бугунги хавфи. — Т.: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.
8. [http://igyc.ru / 1069003008-koe\[echestvo-Polsovateley-setyu-internet-vyroslo-n-11-Po-vsemu-miru. html](http://igyc.ru / 1069003008-koe[echestvo-Polsovateley-setyu-internet-vyroslo-n-11-Po-vsemu-miru. html)
9. *Комилов Н.* Комил инсон — миллат келажаги. — Т.: «Ўзбекистон», 2001.
10. *Левитин Л., Дональд С. Карлайл.* Ислом Каримов — Янги Ўзбекистон президенти. — Т.: «Ўзбекистон», 1996.
11. *Мирҳамидов М.* Ўзбекистон: демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. — Т.: «Шарқ», 2003.
12. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати. — Т.: F. Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
13. *Мусаев Ф.* Демократик давлат қуришнинг фалсафий-хуқуқий асослари. — Т.: «Ўзбекистон», 2007.
14. *Муродова Ш.* Проблемы обеспечения информационной безопасности республики Узбекистан в условиях глобализации. — Т.: «Шарқ», 2008.
15. *Отамуратов С.* Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). — Т.: «Янги аср авлоди», 2008.

16. *Отамуратов С.* Миллий ривожланиш фалсафаси (сиёсий-фалсафий қирралари). — Т.: «Akademiya», 2005.
17. *Отамуратов С.* Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик (сиёсий-фалсафий таҳдил). — Т.: «O'zbekiston», 2013.
18. *Отамуратов С., Мамашокиров С., Холбеков А., Лафасов М.* Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мағкуравий таҳдидлар. — Т.: «Ijod dunyosi», 2002.
19. *Очилдиев А., Нажмиддинов Ж.* Миссионерлик: моҳијат, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. (Юз саволга — юз жавоб). — Т.: «Тошкент Ислом университети», 2009.
20. *Очилдиев А.* Глобаллашув ва мағкуравий жараёнлар. Т.: «Муҳаррир», 2009.
21. *Орипов Ш.* Ёшлар сиёсати — Барқарор тараққиёт кафолати (илмий рисола). — Т.: «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси», 2012.
22. *Пахрутдинов Ш.* Таҳдид — ҳалокатли куч (мақола ва маърузалар тўплами). — Т.: «Академия», 2001.
23. *Умаров Б., Сайдов У.* Эркинлик ғояси такомили. — Т.: «Akademiya», 2010.
24. *Саифназаров И.* Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. — Т.: «Шарқ», 2001.
25. *Сайдов У.* Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамоилиллари. — Т.: «Akademiya», 2005.
26. Фалсафа қомусий лугат. — Т.: «Шарқ», 2004.
27. Фалсафа қисқача изоҳли лугат. — Т.: «Шарқ», 2004.
28. Фалсафа энциклопедик лугат. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2010.

29. *Файзуллаев А. Инсон*, сиёсат, бошқарув. — Т.: «Ўзбекистон», 1995.
30. *Ҳасаний Мажид*. Туркистон босқини. — Т.: «Нур», 1992.
31. *Ҳакимов Н.К.* Шахснинг сиёсий маданияти. — Т.: «Мехнат», 1994.
32. Узбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). 2013 йил 22—23 январь. — Т.: «Маънавият», 2013.
33. Узбекистонда маънавият соҳасидаги ислоҳотлар: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболи (тузувчи муаллифлар: С. Отамуратов (ва бошқалар). — Т.: «Akademiya», 2011.
34. Узбекистонда сиёсий ислоҳотлар: стратегияси ва эришилган натижалар (тузувчи муаллифлар жамоаси: С. Жураев, Н. Комилов, Т. Жураев, Р. Жумаев ва бошқалар). — Т.: «Akademiya», 2010.
35. «Шахс ва жамият фанни ўқитишнинг долзарб масалалари» мавзуидаги Республика илмий амалий конференция материаллари. 2008 йил, 24—25 декабрь. Тошкент: «ЎзМУ қошидаги ОПИ», 2009.
36. *Шестомоль Е.Б.* Личность и Политика. — М.: «Политика», 1988.
37. *Эргашев И.* Ҳаётнинг ҳар они фалсафа. — Т.: «Akademiya», 2011.
38. *Юсупов Э. Инсон* камолотининг маънавий асослари. — Т.: «Университет», 1998.
39. *Юсупов Э., Абдураҳмонов Ф.* Маънавий камолот — мустақил тараққиётимизнинг асосий омили. — Т.: «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси», 1999.

40. Құчқоров В. Миллий ўзликни англиша ва барқарор тараққиёт. — Т.: «Akademiya», 2013.
41. Қуронов М. Эзгу ғоялар рүёби. — Т.: «Маънавият», 2011.
42. Құшжонов М. «Элим деб, юртим деб...» — Т.: «Фан», 1999.
43. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. — Т.: «Ўзбекистон», 2010.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Глобаллашув ва сиёсий маданиятнинг ўзаро муносабатлари.....	7
II боб. Сиёсий онг ва сиёсий маданият, уларнинг глобаллашув шароитида намоён бўлиш хусусиятлари.....	32
III боб. Маданият тизимида ёшлар сиёсий маданиятининг ўрни.....	56
IV боб. Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантирувчи омиллар.....	83
Хулоса.....	110
Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар.....	112

Ижтимоий-сиёсий нашр

Садулла Отамуратов

ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Муҳаррир *A. Зиядов*

Бадиий муҳаррир *X. Кутлуқов*

Рассом *Ш. Ходжаев*

Техник муҳаррир *T. Харитонова*

Мусаҳҳих *Ж. Кароматов*

Компьютерда саҳифаловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АI №158, 14.08.09. Босишига 2015 йил
4 февралда рухсат этилди. «Офсет» қозоги. Бичими $84 \times 108^1 / 32$.

Таймс гарнитурасида оффсет усулида босилди.

Шартли босма табоги 6,3. Нашр табоги 6,23.

Адади 2000 нусха. Буюртма №14-505/5.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий ўйи.
100129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Отамуратов, Садулла

О—86 Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари/ С. Отамуратов. — Тошкент: «O‘zbekiston», 2015. — 120 б.

ISBN 978-9943-28-161-5

Мазкур рисолада «Глобаллашув жараёнларининг моҳияти, маънавият, маданият, сиёсий маданият тушунчалари, улар тизимида ёшлар сиёсий маданиятининг ўрни, уни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориш сабаблари, омиллар, улардан самарали фойдаланиш имкониятлари ва бу борада мавжуд муаммолар» кўрсатиб берилган. Айни пайтда ёшларда «сиёсий тарбия» тушунчаси, унинг асосий йўналишлари, омиллари, амалга ошириш имкониятлари, бугунги жаҳон тараққиётининг сиёсийлашуви шароитида уни ёшлар онгига сингдириш заруритининг кучаяётганлиги каби долзарб масалаларни очиб беришга асосий эътибор қаратилган.

Рисола кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

**УЎК: 37.013.43
КБК 66.75 (5Ў)**

5900

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-161-5

9 789943 281615

A standard barcode is positioned vertically on the right side of the book cover. Below the barcode, the ISBN number is printed in a smaller font.